

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди.

Ислохотларнинг дастлабки босқичида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда уларни етакчи кучга айлантириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди.

Қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар ернинг ҳақиқий эгаси сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида шаклланиши ва ривожланишини таъминлади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, фермер ва деҳқонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўтказилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Шу билан бирга, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, тизимда бозор механизмларини жорий этишда, кўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб боришда ҳамда ер майдонларидан самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

биринчидан, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади;

иккинчидан, аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Узоқ йиллар фойдаланилмаётган томорқа ер эгаларининг ерга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти;

учинчидан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган;

тўртинчидан, фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаяпти;

бешинчидан, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда зарур инфратузилмалар яратилмаган ҳамда соҳада бозор механизмлари етарли даражада шаклланмаган;

олтинчидан, аксарият фермер хўжаликларининг бугунги молиявий аҳволи замонавий, ресурс тежовчи қишлоқ хўжалиги техника воситаларини харид қилиш, ишлаб чиқаришда илғор агротехнология, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бермаяпти;

еттинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек, фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида:

1. Қуйидагилар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳозирги босқичдаги устувор йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

иккинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш;

учинчидан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифа-

ларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

тўртинчидан, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

бешинчидан, фермер, деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, "Томорқа — қўшимча даромад манбаи!" шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш;

еттинчидан, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер хўжалиklarининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши конференциясининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгалари кенгашлари сифатида қайта тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018 йил ҳосилидан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар чорақда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилади;

ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишига бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига:

ҳудудларда, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги шароитлари оғир бўлган туманларда, экин экиш аҳолини ҳар ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўрганиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида амалий чоралар кўриш;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг халқ депутатлари туман Кенгашларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиниши аҳолини доимий равишда сенаторлар томонидан ўрганиш ҳамда ҳар чорақда Олий Мажлис Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари би-

лан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон хўжалиklarи ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилган ягона реестрнинг назорат ҳолатида юритилишини, ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018 - 2021 йилларда фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжалиklarи билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (З. Мирзаев, Ж. Қўчқоров) ҳар йили фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш бўйича фермер хўжалиklarи кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқирилишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқланишини таъминласин, шунингдек, ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов, З. Мирзаев):

икки ой муддатда чорвачилик, паррандачилик, баликчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжалиklarининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари лойиҳаларини киритсин;

уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса, пахта йиғим-теримини механизациялаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, фан ютуқлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда 2018 - 2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

8. Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжалиklarи раҳбарлари ва томорқа ер эгаларига тақдим этиладиган "Илғор фермер", "Меҳнатқаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Илғор фермер", "Меҳнатқаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сон "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор

вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. Т. Мирзавев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 октябрь.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида ўрин тутди.

Шу сабабли ўтган давр мобайнида фермерлик ҳаракати, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш каби йўналишларда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Натижада фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъектларга айланди.

Ўтказилган ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиги фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилишига эришилди.

Айни вақтда амалга оширилган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутиб турган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам тўпланиб қолган.

Бундан беш йил олдин ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши фермер хўжалиklarининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш юзасидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади.

Аҳоли ихтиёридаги 480 минг гектардан ортиқ томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Айрим ер эгалари ушбу майдонлардан узоқ йиллар фойдаланмай, қаровсиз ҳолда қолдирган бўлса-да, уларнинг ерга нисбатан муносабатини ўзгартириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмаётир.

Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган.

Фермер хўжалиklarининг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда, деҳқон хўжа-

ликлари ва томорқа ер эгаларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишда, соҳада бозор механизмларини шакллантиришда ҳам муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шундай муаммоларни ҳал қилиш ва 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида қабул қилинди.

Фармонда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

биринчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

Хусусан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ер майдонларидан самарали фойдаланиш борасидаги масъулиятини ошириш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади;

иккинчидан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада парламент, вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш.

Ушбу йўналишда мутасадди ташкилотлар аниқ мақсадга йўналтирилган амалий чора-тадбирларни амалга оширади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Олий Мажлис палаталари томонидан ерлардан самарали фойдаланиш устидан доимий назорат ва мониторинг олиб борилади;

учинчидан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг экин ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини кучайтириш.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сўзсиз ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига, тегишли вазирлик ва идораларга қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизминини яратиш бўйича аниқ топшириқлар берилади;

тўртинчидан, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш.

Мазкур йўналишда кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш

бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади;

бешинчидан, фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида замонавий бозор механизмларини жорий этиш.

Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ерларини сугориш учун доимий равишда етарли миқдорлардаги сув билан таъминлаш, агрофирмалар, тайёрлов ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қабул қилинади;

олтинчидан, "Томорқа - қўшимча даромад манбаи!" шиорини қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ҳамда ер эгаларининг кундалик фаолиятига сингдириш.

Хусусан, оммавий ахборот воситаларида туркум телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва босма матбуотда чиқишлар, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга қаратилган конференциялар, давра суҳбатлари ва семинар-тренинглар ташкил этилади. Жойларда эса кенг тушунтириш ишлари олиб борилади;

еттинчидан, ер эгаларининг билим ва тажрибаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фермер хўжалиklarининг меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш.

Фермер, деҳқон хўжалиklари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш юзасидан бир қатор амалий чоралар кўрилади, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган таълим муассасалари қошида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзини ўзи бошқариш ва назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш мақсадида шу йилнинг 22 сентябрь куни конференция қарори билан Ўзбекистон Фермерлари кен-

гаши Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида, жойлардаги фермерлар кенгашлари фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгашлари сифатида қайта тузилди. Шу муносабат билан Фармонда мазкур Кенгашнинг қайта тузилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Айтиш лозимки, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш учун вакиллик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ўрнатиш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам Фармонга биноан, фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан фойдаланиш самардорлигини ҳар чорақда халқ депутатлари туман Кенгашларида, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самардорлигини ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб бориш тартиби жорий этилди.

Айни вақтда ер майдонларидан самарасиз фойдаланган, қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилиши белгилаб қўйилди.

Янги тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида мазкур ҳужжатда парламент назоратини ўрнатишнинг мукамал механизмлари белгиланди, яъни Олий Мажлис палаталари вакиллари соҳада амалга оширилаётган ишлар аҳолини доимий равишда ўрганган ҳолда, тегишли амалий чораларни кўради.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргалиқда 2018 йил 1 октябрга қадар барча деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларнинг ягона реестрини шакллантириш топширилди.

Мазкур вазифанинг сифатли ва тўлиқ бажарилишини ташкил этиш мақсадида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргалиқда шакллантирилган ягона реестрнинг назорат ҳолатида юритилишини, ундаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва доимий равишда янгиланиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фармонда фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг 2018 - 2021 йилларда фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиklarига айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилди ҳамда 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўймаган фермер хўжалиklари билан ер ижараси шартномалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши белгилаб қўйилди.

Ушбу ислохотнинг босқичма-босқич, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили фермер хўжалиklarини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалик-

ларига айлантириш бўйича фермер хўжаликлари кесимида ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида тасдиқланишини таъминлаш, шунингдек, ҳудудий дастурлар асосида ишлаб чиқилган республика миқёсидаги дастурларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига киритиш топширилди.

Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик, асаларичилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди.

Қайд этиш жоизки, фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермайди, уларнинг фаолиятида янги агротехнологиялардан фойдаланишда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан, Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рентабеллигини оширишда, айниқса, пахта йигим-теримини механизациялаштиришда бозор инфратузилмаларини, инновацияларни, фан ютуқлари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, соҳада меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлиги-

ни таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда 2018 - 2020 йилларда республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Деҳқончилик маданиятини оширишда муносиб ҳисса кўшган ва ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари тақдирланадиган "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон" ва "Намунали томорқачи" кўкрак нишонлари таъсис этилди. Ушбу кўкрак нишонларининг таъсис этилиши қишлоқ аҳолисининг меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда назарда тутилган ислохотларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, унда белгиланган вазифа ва устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига бир ҳафта муддатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритиш топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва реализация қилишни кўпайтиришга хизмат қилади ва ушбу йўналишдаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш учун кенг йўл очиб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА АСАЛАРИЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, тармоқда наслчилик ишларини илмий асосда ташкил этиш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни республикаимизнинг барча ҳудудларида татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Акциядорлик-тижорат "Алоқабанк"-нинг (кейинги ўринларда АТ "Алоқабанк" деб аталади) "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасини (кейинги ўринларда Уюшма деб ата-

лади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

асаларичилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш;

асаларичилик тармоғини ривожлантириш дастурларини амалга оширишни мувофиқлаштириш, ягона илмий-техника, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда асаларичилик хўжаликларини ўрмон фонди ерларига, тоғ ва тоғолди ҳудудларига, табиий пичанзор ва яйловларга ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларига жойлаштиришни амалга ошириш;

асаларилар учун сунъий озқалар ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш

ва ушбу тажрибани кенг қўллаш ҳисобига асаларичилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

асалари касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий ва илғор усулларни жорий этиш ишларига кўмаклашиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, шу жумладан, хорижий муассасаларда асаларичилик тармоғига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

3. "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг ташкилий тузилмаси ва унинг ижро этувчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 27 нафар бўлган тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Уюшмани ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва унинг келгуси фаолиятини йўлга қўйишга

кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (З. Т. Мирзаев) икки ой муддатда:

Уюшмани ташкил қилиш бўйича ташкилий масалалар ҳал этилишини, унинг устави тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Уюшманинг марказий аппарати юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва АТ "Алоқабанк" Уюшманинг "Апимондия" халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясига аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ барча зарур ташкилий-амалий тадбирларни таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Уюшма раиси ва унинг ўринбосари муассисларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади;

Уюшманинг ижро этувчи аппарати фаолиятини молиялаштириш Уюшмага аъзо бўлган ташкилотларнинг аъзолик бадаллари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Уюшмани ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар, Уюшманинг "Апимондия" халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясига аъзо бўлиб кириши ва аъзолик бадаллари тўловлари дастлабки уч йил давомида АТ "Алоқабанк" маблағлари ҳисобидан таъминланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва АТ "Алоқабанк" томонидан ишлаб чиқилган 2017 - 2021 йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ маъқуллансин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Уюшманинг буюртма-номасига асосан асаларичилик хўжаликларига - Уюшма аъзоларига асалари оилаларини асал йиғиш мавсуми давомида ўрмон фонди ерлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (давлат қўриқхоналари, биосфера резерватининг қўриқланадиган зонасидан ташқари), тоғ ва тоғолди ҳудудлари, табиий пичан-

зор ва яйловлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ерлари фойдаланишга бепул берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб асаларичилик тармоғи учун олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича Фарғона давлат университетида зоотехника факультетини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. АТ "Алоқабанк"нинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланади:

тижорат банклари кредити ва лизинг компаниясининг ўз маблағлари ҳисобига асалари уялари, зарур жиҳозлар ва ускуналар етказиб беришни ташкил этиш ва таъминлаш;

асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар, ускуналар, махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, шунингдек, асални қадоклаш бўйича замонавий технологик линияларни лизинг асосида етказиб бериш.

11. 2023 йилнинг 1 январигача белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасига аъзо ташкилотлар томонидан олиб келинадиган насли материаллар (маҳсулот), асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар ва ускуналар, асалари уяларини ташиш учун махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асалари касалликлари ва зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратлар, асалари уялари ишлаб чиқариш учун ёғоч ва зарур материаллар, пенополиуретан, уларга ёрдамчи ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлари, мумпарда ва мум маҳсулотлари божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасини жойлаш-

тириш учун ижара ҳақини "ноль" ставкада белгилаган ҳолда зарур бино ажратирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг буюртманомаларига биноан асаларичилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг виза талабномаларига биноан асаларичилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштиришни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда асаларичилик тармоғида ишлаш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (муддатини узайтиришни), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 октябрь*

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING «RESPUBLIKAMIZDA ASALARICHIK TARMOGINI YANADA RIVOJLANTIIRISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA»GI QARORIGA SHARH

Кейинги йилларда республикамизда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, сифатли асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси самарали таъминланмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилга келиб, республикамизда асаларичилик соҳасида 12 мингдан ортиқ тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Асаларичилик хўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Акциядорлик-тижорат "Алоқабанк" (кейинги ўринларда АТ "Алоқабанк" деб аталади) томонидан 30 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Аҳолининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2016 йилда 12 минг тонна асал етиштирилди. Бу 2015 йилдагига нисбатан 1,2 марта кўпдир.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, асал ишлаб чиқариш бўйича мавжуд имкониятлардан самарасиз фойдаланиш асаларичилик тармоғининг энг заиф бўғини ҳисобланади. Натижада асалари оилаларининг маҳсулдорлиги 20 килограммдан ошмайди, бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан ҳам пастдир. Асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, асал етиштиришнинг замонавий технологияларини кенг жорий этиш ва юқори технологик усулларида фойдаланиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида асаларичиликни янада ривожлантириш ва аҳолини арзон асал маҳсулотлари билан таъминлашдаги камчиликлар, муаммолар ва мавжуд имкониятлар кенг муҳокама қилинган эди.

Асаларичилик тармоғидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмаси ташкил этилди.

"Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг асосий вазибалари этиб асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, асалари пакетлари етиштириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, асал етиштириш жараёнига илмий асосланган усуллар ва замонавий технологияларни жорий этиш белгилаб қўйилди.

Уюшма тизимида жойларда асаларичилик тармоғи ташкилотлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича 13 та доимий вакил киритилди.

Ушбу қарор билан "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг "Апимондия" халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясига аъзо бўлиши назарда тутилган.

Уюшмани ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар ҳамда Уюшманинг "Апимондия" халқаро асаларичилик уюшмалари федерацияси-

га аъзо бўлиб кириш, аъзолик бадали тўлови дастлабки уч йил давомида АТ "Алоқабанк" маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, қарор билан асаларичилик соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Фарғона давлат университетида зоотехника факультетини ташкил этиш бўйича тақлифлар киритиш топширилган.

АТ "Алоқабанк" ҳузурида масъулияти чекланган жамият шаклида лизинг компанияси ташкил этилади, унга тижорат банклари кредитлари ва лизинг компаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан асалари уялари, улар учун зарур жиҳозлар, анжомларни ва асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар, махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асални қadoқлаш технологик линиялари ва бошқа лизинг объектларини лизинг асосида етказиб бериш вазибаси юклатилган.

Асаларичилик хўжаликлари томонидан асал йиғиш мавсуми давомида ўрмон фонди ерларидан, муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлардан (давлат қўриқхоналари, биосфера резерватининг қўриқланадиган зонасидан ташқари), тоғ ва тоғолди ҳудудларидан, табиий пичанзор ва яйловлардан ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасига аъзо ташкилотлар томонидан олиб келинадиган насли материаллар (маҳсулот), асаларичилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар ва ускуналар, асалари уяларини ташувчи махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асалари касалликлари ва зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратлар, асалари уялари ишлаб чиқариш учун ёғоч ва зарур материаллар, пенополиуретан, уларга ёрдамчи ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, мумпарда ва мум маҳсулотларини 2023 йилнинг 1 январига божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этиш бўйича имтиёз берилди.

Мазкур қарор билан асал етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга, асалари пакетлари билан хўжаликларни таъминлашга, асал етиштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган 2017 - 2021 йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ушбу қарорга мувофиқ, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилдаги 15,4 минг тоннадан 2021 йилга бориб, 23,7 минг тоннагача етказиш назарда тутилган.

Қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши асаларичиликнинг барча соҳасини қамраб олган ҳолда, унинг жадал ривожланишини таъминловчи ягона бошқарув тизимини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, асал етиштириш ҳажмларини кескин кўпайтириш, республика аҳолисининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.



ЎЗБЕКИСТОНДАН ЖАҲОНГА



Яқинда "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг 76-ялпи мажлиси ҳамда XIII халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ҳар томонлама ўзининг жозибadorлиги ва юксак савияда ўтгани билан халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди. "Ўзпахтасаноатэкспорт" ХК, "Ўзбекенгилсаноат" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Ташқи савдо вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси, Ўзбекистон "Сифат" маркази ва бошқа тегишли тузилмалар кўмагида ташкил этилган ушбу йирик форумда 50 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан келган бир ярим мингдан кўпроқ, хусусан, пахта ва тўқимачилик саноатида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш ҳамда йирик савдо компанияларининг вакилларидан иборат соҳа мутахассислари, иқтисодий таҳлилчилар, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, Биринчи Президентимизнинг 2005 йилда ташкил этилган дастлабки ярмарка иштирокчиларига йўллаган табригида "Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилади" - дейилган эди. Муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу ярмарка бугунги кунга келиб, дунё иқтисодий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бирига айланиб улгурди. Уни ташкиллаштиришда Халқаро пахта ассоциацияси, Пахта бўйича халқаро консултатив қўмита, "Cotton Outlook" агентлиги ва Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар федерацияси каби нуфузли халқаро ташкилотлар доимий ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон пахта бозори жаҳондаги кўплаб етакчи ишлаб чиқарувчиларда ниҳоятда катта қизиқиш уйғотаётгани ва уларни ўзига жалб қилиши пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича бозор механизмларининг янада ривожланишида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда хорижлик ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бундан-да мустаҳкамланиб боришида муҳим омил бўлаётир.

- Қўмитамизнинг 2016 йилги йиғилишида ушбу анжуманни Тошкентда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши замирида жаҳон пахта ва тўқимачилик саноатининг йирик марказларидан бири Ўзбекистонда тўпланган илғор тажрибалар нечоғлик аҳамиятга мо-

лик эканлигига яна бир қарра амин бўлиб турибмиз, - дейди, Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ижроочи директори Кай Хьюз. - Мамлакатингизда пахтачиликнинг жадал ривожланаётгани, соҳада олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, илғор агротехнология ҳамда ресурстежамкор усулларнинг амалиётга кенг жалб этилиши олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самараси эканидан далолат бериб турибди.

Бугунги кунда дунёнинг пахта етиштирувчи ва қайта ишловчи 30 дан зиёд давлати мазкур қўмитанинг аъзоси ҳисобланади. 1992 йилда ушбу нуфузли ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилган Ўзбекистон 1996 йилда қўмитанинг 55-ялпи мажлисига мезбонлик қилган эди. Ташкилотнинг бу галги Тошкент форумида жаҳон пахта ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир муҳим масалаларни муҳокама қилишда, пахта толаси ва тўқимачилик бозори истиқболлари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш, тола ишлаб чиқарувчилар ҳамда харидорлар ўртасида ҳамкорлик алоқларини ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий-техник, савдо-иқтисодий алоқалар истиқболларини белгилаб олишда бўлғуси ҳамкорлар ва инвесторлар учун қулай мулоқот муҳитини яратди, дейиш мумкин.

Бугунги кучли рақобат шароитида мамлакатимизда толанинг "Олий" ва "Яхши" синфларига мансуб улуши ўтган йилга нисбатан 10 фоиз ортгани ва умумий кўрсаткич 92 фоизни ташкил этгани айниқса, эътиборлидир.

Истиқдолнинг дастлабки йиллари толанинг атиги 3-5 фоизи қайта ишланган бўлса, эндиликда, бу кўрсаткич 50 фоиздан ошди. Галдаги вазифа санокли йилларда толани тўлиқ ўзимизда қайта ишлашга эришишдан иборат.

Анъанавий Жаҳон пахтачилиги ва тўқимачилигининг йирик форуми ҳисобланган Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгиловчи мазкур нуфузли анжуманда халқаро пахта бозорининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилиниб, рақобатбардош саноат хомашёси етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш, савдо, логистика ва суғурта масалалари юзасидан 16 тага яқин сессия ўтказилди.

Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ва уларнинг ҳажмини янада кенгайтиришга



хизмат қилмоқда. Унга кўра, умумий қиймати 2 миллиард 200 миллион долларлик 130 дан ортиқ инвестициявий лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўтган йили "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остида дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига етказиб берилган маҳсулотларнинг йиллик экспорт ҳажми 1 миллиард 146 миллион долларни ташкил этгани, бу йилгиси ҳам 1 миллиарддан ошиб кетгани, шунингдек, ярмарка давомида келгуси йил экспорти учун яна 1 млрд. доллардан ортиқроқ шартномалар имзолашга эришилгани диққатга сазовордир. Бу борадаги йирик шартномалар Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Молдова каби мамлакатлар билан имзоланган. Айти пайтда Ўзбекистон дунёда пахта толасини экспорт қилишда бешинчи, уни ишлаб чиқариш ҳажми бўйича олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

Таъкидлаш керакки, ўтган йилдан бошлаб, ушбу форумда тўқимачилик соҳасининг ҳам кенг жалб этилиши боис, унинг қўлами янада кенгайди. Жаҳоннинг тўқимачилик ва енгил саноати тараққий этган давлатлари вакиллари иштирок эта бошлаган нуфузли тадбир доирасида тўқимачилик маҳсулотларининг улуши йилдан-йилга ортиб бораётганини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда "Ўзбекенгилсаноат" АЖ таркибида фаолият кўрсатаётган 450дан ортиқ корхоналар ичида юздан зиёди ип-газлама, бўялган ва аралаш ип-калага, трикотаж мато, пайпоқлар, махсус мато ва кийимлар, тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бу йил "Ўзэкспомарказ"нинг иккита павильони айнан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратилди. Ярмарка давомида иштирокчилар жаҳон пахта бозорининг бугунги ҳолати ва унинг истиқболларини муҳокама қилиш баробарида, Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган қулай шартшароитлар билан яқиндан танишиш, юқори сифатли ўзбек пахта толасидан тайёрланган рақобатдош тўқимачилик маҳсулотларининг олди-сотдиси бўйича тўғридан-тўғри савдо битимлари тузиш имконига эга бўлдилар. Унда илк бор Жанубий Корея ва Ўзбекистон дизайнерлари иштирокида маҳорат дарслари, тўқимачилик маҳсулотларини Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишни кенгайтириш масалалари бўйича семинар тренинглари ўтказилди.

Ўз мухбиримиз.

ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

XIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида, Жаҳон банки гуруҳининг аъзоси Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) — Ўзбекистонда пахта толасини барқарор равишда етиштиришнинг ривожлантириш лойиҳаси натижаларини тақдим этди.



Дастлабки 7 ой мобайнида лойиҳа бўйича Фаргона ва Жиззах вилоятлари пахта заводлари ва фермер хўжаликлариди пахтани барқарор равишда етиштириш стандарт тизимини жорий этиш учун инфратузилма ишлаб чиқилди ва синов режими жорий этилди.

2017—2022 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистонда барқарор пахта таъминот занжирини ривожлантириш" лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Тадбирда Венгриянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Петер Санто: "Ушбу лойиҳа орқали Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотларни ва ривожланишни қўллаб-қувватлаш ёрдамида Венгрия ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик му-

носабатларини ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга умид қиламиз", — дея эътироф этди.

ХМКнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги консалтинг хизматлари раҳбари Татьяна Лозанская "Хусусий секторнинг барқарор равишда ривожланишга қўмаклашиш ХМКнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Юртингизда пахтачилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳамиз Ўзбекистон хусусий секторининг мамлакат иқтисодиётидаги ролини оширишга йўналтирилган жараёнларни жадаллаштиришга хизмат қилади. Пахтани етиштиришда илгор тажрибаларни жорий этиш, шунингдек, ўзбек пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотларининг глобал рақобатбардошлигини ошириш имконини беради," — деб таъкидлади.

Тадбир сўнгиди иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Зулфия ХАФИЗОВА.

ДАЛАЛАР КЎМ-КЎК

ёки кузги ғалла экинларининг ноябрь ойи парвариши хусусида

Кузги бугдой етиштиришда унинг парвариши бўйича барча агротехника тадбирларининг ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилиши мўл ва сифатли дон етиштириш имкониятини беради.

Ғалла етиштириш технологияси ҳар бир минтақада ўзига хос бўлиб, эътибор ўша тупроқ-иқлим шароитида юқори ва сифатли дон етиштиришга қаратилиши керак.

Кузги бугдойда ҳар қандай шароитда ҳам физиологик жараён давом этади, унинг ривожини учун энергия зарур бўлади. Кунлик ҳарорат $+3 +5^{\circ}\text{C}$ бўлганда қишлар даврида фотосинтез жараёни тўхтаб, фақат нафас олиш жараёни устунлик қилади. Бунда ғалла экиш даврида берилган фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан илдиз орқали синтез қилинган органик моддалар ҳисобига нафас олиш содир бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугдой парваришида қиш фаслида қуйидаги агротехник тадбирларни бажаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Энг биринчи сув, яъни уруғ сувидан кейин тупроқ намлиги ДНС га нисбатан 65-70 фоиз бўлганда 7-8 кунда экилган уруғ текис униб чиқади. Мақбул муддатда экилган майдондаги уруғ бир хилда текис ундириб олинди, 3-4 тадан тулпаганда ғалла ўсимлигининг кузги ривожини, илдиз тизимининг яхши ривожланиши натижасида қишдан яхши чиқади ва уларнинг кейинги ривожланиши, ҳосилдорлиги юқори бўлади.

Ўртача 1 гектар майдонда 4,5-5,0 млн. ёки 1 м^2 да 450-500 дона ниҳол бўлганда ғалла майдонини қониқарли деб баҳо бериш мумкин.

Ғалла униб чиққандан кейин 20-22 кун ичида туллаш фазаси бошланади. Ғалла ниҳолларининг қишловга туллаган ҳолда кириши ниҳолларнинг совуққа чидамлилигини ошириш билан бир қаторда юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ғалланинг кузги парваришидан асосий мақсад— ғалла майдонларида мақбул кўчат қалинлигини сақлашдир. Уруғ униб чиқмаган даланнинг уват қисмларида ҳамда симёғоч атрофларида кўшимча уруғ экиш йўли билан кўчат қалинлигини шакллантириш керак. Ғўза қатор орасига кузги бугдой экилган майдонлардаги ғўзапояни ер музлаган вақтида бугдой илдизига зарар етказмасдан ўриб, даладан олиб чи-

қиш ва бугдой майдонларининг пайҳонгарчилигига йўл қўймастик, яна энг муҳим агротехник тадбирлардан бири ўртача 1 гектар майдонга 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш лозим.

Ҳар 5 гектар майдонга 50 тонна маҳаллий ўғитни шарбатга айланттириш учун 1 донадан ҳандақлар қазиб, далага чиқарилган маҳаллий ўғитларни ҳандақларга солиб, устидан 5-10 см қалинликда тупроқ билан кўмиб қўйиш даркор.



Ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички ариқларни ва лотокларни тозалаш ишларини амалга ошириш керак.

Ниҳолларни 3-4 барг, 1-2 барг ёки униб чиқмаган майдонларда ер ёрилиш ҳолатларини аниқлаш, бундай майдонларга жамғарилган қуруқ гўнғ сочишни ташкил этиш ҳамда шу майдонларни 2-3 кунда қузатиб бориш ва энгил сув қўйишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бошоқли дон экинлари экилган майдонлардаги бугдой ҳолати тўла таҳлил қилиниб, бугдойнинг туллаши ва қишга тайёргарлик ҳолатини кучайтириш мақсадида кузги минерал ўғитлар билан озиклантиришни бошлаш лозим.

Фосфорли ўғитларнинг йиллик меъёри экиш олдида берилган майдонларда тупроқдаги фосфор етарли бўлади. Аммо кузги бугдой ривожланишининг бошларида ўсимлик учун азот талаб қилинади.

Ғаллани кузги маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш келгуси йил ҳосилининг асоси ҳисобланади. Экиш олдида калийли, фосфор-

ли ўғитлар берилган бўлса, албатта азотли ўғитлар билан ўғитлаш зарур.

Ғаллани азотли минерал ўғитлар билан ўғитлашда унинг навларига ва ривожланиш ҳолатига қараб ўғитланади. Бошоқли дон экинларининг нави биологик эртаки (қилтиқли) бўлса уни об-ҳаво шароитига қараб ноябрь ойларининг охиригача кунлигида, биологик ўртаки бўлса ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида, биологик ўртаки-кечки навлар бўлса экилган муддатларига қараб 25 октябрдан 10 ноябргача ўғитлаш лозим бўлади.

Ғаллани кузги ўғитлашда азотли ўғитлар ғалланинг ривожланиш ҳолатига қараб физик ҳолатда аммиакли селитра бўлса гектарига 120-150 кг.гача, карбамид бўлса гектарига 100-120 кг. дан, сульфат аммонийни 150-180 кг. гача бериш тавсия этилади.

Ғаллани озиклантиришда биринчи навбатда ўртаки-кечки навлардан Краснодар-99, Тая, Гром, Грация, Первица, Юка, Бригада, Табор, Андижон-2, АСР, Давр навлари ўғитланади. Кейинги навбатда ноябрь ойининг охиригача кунлигидан эрта экилган эртаки навлардан Чиллаки, Есаул, Бобур, Андижон-4, Звезда, Яксарт, Ғозгон навлари ўғитланади.

Айниқса, бу тадбирни ўтказишда Республикаимизнинг жанубий минтақалари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мутахассис ва фермерлари эҳтиёт бўлиб тавсияларга амал қилишлари лозим.

Ривожини ўта паст, сарғайиб кетган ёки кечки экилган ғаллаларни шу меъёрга ўғитлаш билан биргаликда 1 гектар майдонга 10 тоннадан маҳаллий ўғит билан бирга шарбат суви бериш яхши самара беради.

Об-ҳаво шароитига ҳамда ўғитлашга қараб кузги ғаллалар энгил ёки тупроқ шароитидан келиб чиқиб 500-600 м^3 меъёрга суғорилади. Ғалла майдонларида ер сатҳининг ёрилиб кетишига йўл қўймастик зарур. Чунки намлик камайгандан ёриқлар пайдо бўлса қаттиқ ёки бирдан совуқ тушганда ёриқлардан кирган совуқ ғалла ниҳолларига зарар келтиради.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларнинг республикамиз вилоятлари тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда сифатли амалга оширилиши 2018 йилда ғалладан юқори ҳамда сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайди.

Р. СИДДИҚОВ,

к.х.ф.д.,

И. АДАШЕВ,

илмий ходим, ДДЭИТИ.

БОҒБОННИНГ КУЗГИ ЮМУШЛАРИ

Боғларда дарахтларнинг тўкилган баргларидан зараркунандалар ва касалликлар вируслари сақланиб қолади. Шунинг учун боғлар қатор ораларининг тупроғи ағдарилиб, ҳайдалади. Ҳайдалмай қолган ҳар бир дарахт атрофи 25-30 см. чуқурликда ағдарилиб чопилади. Касалланган, синган шохлар, қуриб қолган дарахтлар қирқилади ва боғ ташқарисига чиқариб ташланади.

Об-ҳаво шароитига қараб (илиқ кунлари) барги ёппасига тўкилган бўлса, дарахтга монилиоз, парша каби касалликларига қарши ювиш даражаси 3% ли бордо суюқлиги ёки 5% ли оҳак-олтингугурт қайнат-масини пуркаш орқали жиққа хўлаш зарур.

Барча мевали дарахтлар биринчи галда шафтоли, ўрик, олхўри, гилос дарахтларининг тана ва она шохларини оқлаш зарур. Бунда 10 л. сувга 2 кг. тупроқ, 1,5 кг. оҳак эритилиб, қалин қилиб оқланади. Оҳакка мол шатмоғи қўшилса тез ювилиб кетмайди.

Ҳосилли боғ ва тоқзорларда ҳар 2-3 йилда бир марабта гектарига 20-40 тн. гўнг, минерал ўғитлардан фосфор 150-180 кг. ва калий 50-60 кг. соф ҳолда солиниб, боғлар 45-50 см., тоқзорлар қатор оралари 25-35 см. чуқурликда шудгор қилинади.

Ҳар йили бўз тупроқларда ўстириляётган боғ ва тоқзорларга 60-90 кг. фосфор ва 60 кг. калий ўғити соф ҳолда солинади. Бунда боғ ва тоқзорларнинг ҳосилдорлиги ошади, касаллик ва совуққа чидамли бўлади.

Республикамызда ноябрь ойдан бошлаб янги боғ ва тоқзорларни ташкил қилиш ишлари бошланади. Бунда мевали боғлар ва тоқзорлар кўп йиллик бўлгани боис, уларни барпо қилишда хатоликка йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки хатони тузатиш қийин бўлади.

Мевали дарахтларнинг кўчатлари уч хил, яъни паст бўлиб ўсувчи пакана пайвандтагда, ўрта ўсувчи ва кучли ўсувчи (уруғдан) пайвандтагларда кўпайтирилади.

Уруғли мева кўчатларининг пакана пайвандтагга уланган кўчатлари 18-20 йил, ўрта ўсувчи пайвандтаг 25-30 йил, кучли ўсувчи пайвандтаг эса 40-60 йил давомида мева беради. Шунинг учун мевали кўчатлар экиладиган майдон жуда пухта ва сифатли тайёрланиши зарур.

Боғ майдонини танлашда ернинг унумдорлиги, ерости сизот сувининг яқинлиги, майдоннинг нишаблиги, суғориш учун сув билан яхши таъминланганлиги, майдон атрофида зовурлар ҳамда ихота экинларининг мавжудлиги (асосий шамол йўналишида) ва бошқаларга катта аҳамият бериш керак.

Боғ барпо этиладиган янги боғ майдони олдиндан танлаб олиниб, майдон текисланиб, 35-40 см. чуқурликда плантаж сўқа ёрдамида ҳайдалади, тупроқ етилиши билан чизелланиб, мола билан кетма-кет текисланади.

Экишга тайёр бўлган майдонда режа тортилади. Режа (разбивка) тортишда экиладиган кўчат турларига қараб, пакана пайвандтагга уланган олма кўчатлари 3,5х2,5 м., ўрта ўсувчи 3,5х3 м., нок кўчатлари учун 3,5х2 м., ўрта ўсувчи 3,5х2,5 м., ММ-106 пайвандтагга уланган ўрта ўсувчи кўчатларда олма навига қараб, 5х3 м., 5х4 м., нок учун 5х3 м., 5х4 м. схемалари тавсия этилади.

8х7 м., нок 8х6 м., 8х5 м., беҳи 6х4 м., 5х4 м., ўрик ва гилос 8х6 м., 8х7 м., олхўри 6х5 м., 6х4 м., шафтоли 6х4 м., 5х4 м., ёнғоқ 8х8 м., 8х7 м., бодом 6х5 м., 6х4 м., хурмо 6х6 м., 6х5 м., олча 6х4 м., тоқ кўчатлари 3х2,5 м., 3х2 м.

Янги кўчатлар экиладиган майдонларда режа қозиклари жойлаштирилгач, унга назорат қозиклари ўрнатилади ҳамда кўчат экиладиган чуқурлар ковланади. Чуқурлар махсус агрегатда КЯ-100 ёки 60х60х60 см. ҳажмда ковланади. Чуқурларни ковлашда аввал тупроқнинг юза 20-25 см. қисми бир томонга, чуқурнинг тагидаги қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин 350-400 г. фосфорли, 30-40 г. калий ўғити ҳамда 8-10 кг. чириган гўнг солиб, тупроқ билан аралаштирилади, кейин кўчат экилади.

Даставвал кўчатларни экиш учун кўчатзорлардан экиш майдонига олиб боришда уларнинг илдиш қисми шамолламаслиги учун похол, брезент ёки полиэтилен плёнка билан ёпиб қўйиш зарур.

Кўчатни экишдан олдин майдон олдида катта чуқур ҳандакда суюқ (аталасимон)

лойқа тайёрланиб, унга 8:1,10:1 миқдорда молнинг суюқ шатмоғи қўшилади. Унга кўчатларнинг илдиши бирма-бир яхшилаб ботириб олинади. Ана шундай қилиб экилган кўчатларни тезлик билан суғоришнинг имкони бўлмаган жараёнда ҳам шатмоқнинг ижобий таъсири беқиёс бўлади.

Маълумки, кузда мевалиларнинг кўчатларидан олма, нок, беҳи, ёнғоқ, бодом, фундук кўчатларини экиш тавсия этилади.

Республикамызнинг лалми, тоғ ва тоғолди ҳудудларида кузда ёнғоқ кўчатлари экилганда, кўчатлар тупроқ билан бирикиб, баҳорда яхши кўкаради.

Мамлакатимизнинг лалми, тоғ ва тоғолди ҳудудларида ёнғоқ ўсимлигини барпо қилиш учун ўн минглаб гектар табиий ерлар мавжуд. Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманлари, Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Фориш, Ғалларол туманлари, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Китоб туманлари, Сурхондарё вилоятининг Денов, Бойсун ва бошқа тоғолди ҳудудларида ёнғоқзорлар барпо этиш мумкин.

Ёнғоқ дарахти катталиги, чиройлилиги, узоқ яшаши билан бошқа дарахтлардан фарқ қилади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ёнғоқ сувли ерда ўстирилади. Аммо, унинг ривожланиши учун йилига ёғингарчилик 600 ммдан кам бўлмаган, денгиз сатҳидан то 1800 метргача бўлган баландликларда ҳам ўсади.



Ёнғоқ дарахтининг бўйи 25-30 метргача, танасининг йўғонлиги 2 метргача етади. Ёнғоқ ёруғсевар ўсимлик бўлиб, у ёлғиз ёки сийрак ўсганда яхши ривожланади. Ёнғоқ бир уйлик, икки жинсли ўсимлик бўлиб, оталик ва оналик гуллари алоҳида-алоҳида ривожланади. Апрельнинг иккинчи ярми, май ойи бошида гуллайди. Баъзи навларида олдин оталик гули, кейин эса оналик гули етилади, баъзиларида бу ҳолнинг аксини учратиш мумкин. Иккала жинсининг бир вақтда гуллаши камдан-кам учрайди. Шунинг учун ҳам ёнғоқ асосан четдан чангланади.

Ёнғоқ ривожланиши учун тупроққа унча талабчан эмас. У нами етарли бўлган ҳар қандай тупроқда, тошлоқ ерларда ҳам ўсаверади, -25°C совуққа бардош беради.

Дастлабки йиллари ёнғоқнинг ўқ илдизи кучли ривожланиб, 4 метр чуқурликкача боради. Катта ёшдаги дарахтларнинг илдиз тизими бутун шох-шаббаси эгаллаб турган жойни эгаллайди.

Ёнғоқ дарахти уруғидан ўсиб чиққан бўлса 8-12 ёшда, пайванд қилинганлари 4-6 ёшида ва баъзи тезпишар (Идеал) навлар 2-3 ёшида ҳосилга киради. Ёнғоқ 50 ёшида тўла кучга киради ҳамда 400-500 йилгача яшайди ва ҳосил беради. Қулай шароитда бир туп ёнғоқ 150-200 кг.гача ва ундан ҳам кўп ҳосил бериши мумкин.

Ёнғоқ кўчатлари кузда ва эрта баҳорда экилади. Ёнғоқ экиладиган майдон 50-60 см. чуқурликда плантаж сўқа билан ҳайдалиб, чизель қилиниб текисланади. Кейин майдонда режа тортилиб кўчат экилади.

Ёнғоқ кўчатлари тоғ ва тоғ олди, лалмикор ерларда 10x8 м.; 10x10 м. схемасида экилади. Кўчатларни экиш учун 60x60x60 см. ҳажмда чуқурлар қовланади.

Ёнғоқ кўчати кузда экилса яхши натижа беради. Эрта баҳорда имконият борича кўчатни эртароқ ўтказиш керак.

Ёнғоқ суғорилмайдиган ён бағирларда тупроқда яхши нам тўплаш ва машиналардан фойдаланиш имконини берадиган террасаларга ёки сув тўпланиб қолмайдиган, ҳажми 1x1,5 метрдан кам бўлмаган майдонларга экилади.

Ёнғоқ илдизи жуда нозик бўлади, у ҳатто бир ёшлигида ҳам жойдан-жойга кўчириб ўтказилганда заифлашиб ўсади. Бундан ташқари кўчат кўчатзордан олиниб, қуёш яхши тушиб турадиган очиқ жойга ўтказилса, танасининг пастки қисмини офтоб уриши мумкин. Шунинг учун лалмикор ерларга кўчат ўтказмасдан, бир йўла ёнғоқнинг уруғидан эккан маъқул. Ўз жойида ўстирилган ўсимлик чуқур илдиз отиб, курғоқчиликка чидамли бўлади. Бу лалмикор ерларда ниҳоятда аҳамиятли.

Ёнғоқ дарахтини парвариш қилиш асосан суғоришдан иборатдир. Ўсиш даврида камида 6-7 марта суғориш зарур. Ҳар гал суғоришдан сўнг тупроқ юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозаланади.

Ҳосилга кирган ёнғоқзорларга ҳар йили 90-120 кг. азот, 60-90 кг. соф ҳолда фосфор ўғитлари солинади ёки 3 йилда бир марта гектарига 30-40 тонна ҳисобида фосфорли ўғитлар ҳамда гўнг кузда, азотли ўғитлар эрта баҳорда солинади.

Янги боғлар, ёнғоқзорлар барпо этишни кузнинг биринчи совуқ тушғунига қадар тугаллаш зарур. Имкон даражасида янги экилган ёнғоқ кўчатлари атрофига чириган гўнг солиб, мульчалаб қўйилса, янги ниҳолларнинг илдизи совуқдан ҳимояланади, баҳорда яхши кўкариб, тез ўсади.

Р.АБДУЛЛАЕВ, к.х.ф.н.

Х.АБДУЛЛАЕВА, катта илмий ходим,

М.ИСРОИЛОВ, кичик илмий ходим

А.ҚОСИМОВ, катта илмий ходим-изланувчи, Академик М.Мирзаев номли БУВаВ ИТИ.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА ЗАМИН

Давримизнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоларидан бири кўпайиб бораётган аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш ва атроф-муҳит софлигини сақлаб туришдир. Ана шу нуқтаи назардан, ернинг унумдорлик қобилиятига эга бўлган энг юпқа тупроқ қоплами парвариши муҳим аҳамият касб этади.

Чунки инсоният учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 93,9 фоизидан ортиқроғи ана шу ерлардан олинади.

Мамлакатимизда ер ресурслари чегараланган. Шу боис экин майдонларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш бўйича агротехник, агрометеорология, агрохимёвий тадбирлар узлуксиз давом эттирилиши лозим. Бу борада кузги-қишки мавсумда ўтказилиши зарур бўлган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш учун кузги мавсумда биринчи навбатда бажариладиган ишлар қаторига тупроқларни гу-

муста бойитиш мақсадида ерларга органик ўғитлар, турли органик минерал компостлар солиш керак.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-модда.

Маълумотларга кўра, 1 тонна пахта етиштириш учун 300-400 кг гумус сарфланар экан. Агар унинг ўрни қопланмаса, бу ҳол тупроқларни "чарчатиш" га олиб келади.

Суғориладиган деҳқончиликда тупроқ унумдорлиги ва ишлаб чи-

қариш қобилияти минерал ўғитларни қўллаш билан чамбарчас боғлиқ.

Шунинг учун ҳам республикамизнинг суғориладиган тупроқларида минерал ўғитларни қўллаш агротехник мажмуанинг асосий қисмидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, таркибида гумус, макро ва микроэлементлари кам бўлган суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш юзасидан фермер хўжаликларидан бир қатор тадбирларни бажариш лозим. Энг аввало, барча жойларда органик ўғитларни тўплаш, сақлаш ва қўллашга бўлган эътиборни кучайтириш керак.

Маҳаллий-органик ўғитларга қорамол, от гўнглари, парранда қийи, гўнг шираси, ариқ лойқаси, ўсимлик қолдиқлари, аҳоли пункт-

лари, хўжалик ва корхоналар чиқиндилари, шунингдек, гўнг базадарида тайёрланган турли компостлар, дарахтларнинг хазонлари ва чириндилари, чучук сув лойқалари ва бошқалар киради. Ярим чирган гўнг таркибида 0,5 % азот; 0,25 % фосфор ва 0,6 % калий бўлади.

Иккинчидан, ноанъанавий ўғитлар - агорудалар (бентонит, глауконит, вермикулит, дарё ва қўл ётқиқлари) ва улар асосида нисбатан арзон органико-минерал компостларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятидан фойдаланиш керак.

Бентонит гўзанинг ўсишини тезлаштиради, ёш экиннинг биринчи кунларида минерал ўғитларни парчалаб, экинга керакли озиқа унсурларидан унумли фойдаланишни ва оптимал концентрациясини таъминлайди.

Кейинги йилларда бентонит ва бентонитли лойлар мамлакатимизда кенг миқёсда қўлланилмоқда.

Бентонит лойи ва гўза ўсимлигида институтимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, у қумлоқ ва енгил қумлоқ тупроқларда қўлланилганда энг яхши самара беради, шу тупроқларнинг кимёвий ва сув-физик хоссаларини яхшилаш ҳисобига, натижада ҳосилдорлик 3-5 центнерга ошади, бунда ҳар 4-5 йилда бир марта бентонитни кузда 8-10 т/га миқдоридан қўллаш тавсия этилади.

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишда, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун мақбул қулай шароит яратишда асосий ишлов бериш, яъни **шудгорлаш** алоҳида аҳамиятга эга. Бу тупроқнинг ҳайдов қатламини, унинг физик-механик хоссаларини, далаининг аҳволи, тупроқ заррачаларининг йирик ва майда дончаларини аралаштиради. Ҳайдалган ерда тупроқнинг физикавий хоссалари ўзгаради, бу эса ўз навбатида тупроқни сув-ҳаво ҳамда иссиқлик тартибларини ва микроорганизмларнинг фаолиятини оширади.

Тупроққа ишлов беришда ҳайдов чуқурлиги катта аҳамиятга эга. Чуқур ҳайдаш натижасида тупроқда намликни тўплаш ва сақлаб қолиш учун шароит яратилади. Ҳайдов қатламининг пастки қисмида эса органик моддаларнинг кислородсиз чиришига шароит вужудга келади

ва янги чиринди ҳосил бўлишини таъминлайди. Пахтачилик хўжаликларидан кузги шудгор ҳозирги вақтда 30-35 см чуқурликда ўтказиш мақбул, деб топилган. Аммо, ҳар йили бир хил чуқурликда шудгор қилинганда плуг остидан қаттиқ зичлашган қатлам ҳосил бўлади, шунинг учун шудгор чуқурлигини ўзгартириб туриш зарур. Масалан, бир йил 28-30 см чуқурликда ҳайдалса, иккинчи йили 33-35 см чуқурликда ҳайдалиши зарур. Шундай чуқурликда ҳайдалганда иссиқлик ва сувнинг таъсири тупроқдаги органик моддаларнинг чириш жараёни жадал кечади. Ҳайдов чуқурлигини ошириш билан бу жараёни секинлаштириш мумкин.



Ҳайдов 30-35 см чуқурликда ўтказилиши бегона ўтларга қарши курашда катта аҳамиятга эга. Чунки ўсимликнинг амал даврида, аynиқса, ёз ойининг биринчи ярмида бир йиллик бегона ўтлар кўпаяди. Шўрланган тупроқларда чуқур ҳайдалган ерларда сув кўп шимилиб яхши ювилади, туз тўпланган қатлам чуқурлашади, тузларнинг камайиши эса, катта аҳамиятга эгаллиги маълум.

Шўр ювишнинг мақбул муддатлари куз-қиш ва баҳор ойлари ҳисобланади. Шўр ювиш ишларини Аму-дарёнинг қуйи қисми регионларида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) куз-қиш ҳамда баҳор ойларида (шўр ювиш сув меъёрларининг 2/3 қисми куз-қиш ойларида, 1/3 қисми баҳорда берилди) қолган вилоятларда куз-қиш ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Шўр ювиш тадбирларини тупроқнинг механик таркиби, шўрланганлик даражаси ва сув ўтказувчанлик қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг устки 100 см ли қатламида 100 тоннагача туз захиралари бўлган кучсиз шўрланган

бўз-ўтлоқ ва ўтлоқ тупроқларини 3,5-4,0 минг м³/га; 100-200 тонна туз захиралари мавжуд бўлган ўртача шўрланган тупроқларни 6-8 минг м³/га ва туз захиралари 200-300 тонна бўлган кучли шўрланган тупроқларни 10-12 (15) минг м³/га сув меъёрларида шўрини ювиш ва уни бир неча босқичларда амалга ошириш, бу борада тузилган массивларнинг шўрланиш картограммасидан фойдаланиш ижобий натижалар беради. Ҳозирги вақтгача тупроқдаги шўр ювишнинг энг самарали усули—чеклар бўйича кузги-қишки ювишдир.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг асосий омилларидан яна бири қишлоқ хўжалик экинларини тупроқларнинг экологик-мелиоратив шароитини, унинг хосса-хусусиятларини ҳамда ҳудудларнинг сув билан таъминланишини ҳисобга олиб табақалаштириб жойлаштиришдир. Шунинг учун ҳам, янги йил ҳосили учун экинларни режалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

2017 йилда Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти томонидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги мутасадди ташкилотлар мутахассислари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Хоразм ва Фарғона водийси вилоятлари бўйича тупроқларнинг ҳолати, унумдорлиги паст ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар тайёрланди.

Юқоридан куз ва қиш мавсумида фермер хўжаликлари олдида тупроқ унумдорлигини тиклаш, келгуси йил ҳосили учун замин тайёрлаш мақсадида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарининг асосий воситаси бўлган тупроқларни муҳофаза этиш, улардан самарали фойдаланиш аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, республикамизнинг иқтисодиётини, жумладан экспорт салоҳиятини янада юксалтириш имконини беради.

Р.ҚЎЗИЕВ,

б.ф.д., профессор.

Тупроқшунослик ва агрохимё ИТИ

ЕР ҲАЙДАСАНГ — КУЗ ҲАЙДА

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда кузги шудгорлашнинг аҳамияти катта. Ўз вақтида, сифатли ўтказилган шудгор келгуси йил ҳосилига пухта замин яратади. Сифатли шудгорланган майдонларда шўр ювиш, яхоб суви бериш, эрта баҳорда тупроқни экишга тайёрлаш ҳамда экиш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказишга эришилади.

Ерларни сифатли шудгорлаш учун фермер, агроном ва механикаторлар куйидаги тадбирларнинг бажарилишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ерларни ҳайдовга тайёрлаш. Аввало, далалар ғўзапоя ва бошқа ўсимлик қолдиқларидан тозаланиши ёки улар майдаланиб далага сочиб юборилиши, суғориш ариқлари текисланиши ва тупроққа зарур миқдордаги маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниши, кўп йиллик илдизпояли бегона ўтлар (ажриқ, ғумай)дан тўла тозаланиши ёки шундай ўт босган жойларга гербицидлар сепилиши керак. Ғўзапояларни юлишда КВ-4,0 ва КВ-3,6 юлгичлардан, уларни майдалаб далага сочиб юборишда эса КИ-1,2 ва КИ-1,8 каби махсус майдалагичлардан фойдаланилади. Маҳаллий ўғитларни солишда РТО-4, РОУ-6, минерал ўғитларни сепишда эса 1-РМГ-4, РУМ-5, НРУ-0,5, РМС-6 машиналар ишлатилади.

Далаларни кўп йиллик илдизпояли бегона ўтлардан тозалаш учун тупроқағдаргичлари олинган плуглар билан 18-20 см чуқурликда юмшатилади, сўнгра тупроқ ичидаги ва юзасидаги илдизлар чизел, культиватор ва бороналар билан йиғиб олинадилар ва дала ташқарисига чиқариб ташланадилар. Бегона ўтларга қарши гербицид эритмаси шудгорлашдан олдин ОВХ-600 ёки ВР-1 вентиляторли пуркагич ёрдамида сепилади.

Тупроқнинг намлиги 16-18 фоиз атрофида бўлса, у яхши майдаланади, плугнинг корпусларига ёпишмайди, ёнилги сарфи камайдилар ва иш унуми ошади. Тупроқ нами старли бўлмаса, далани суғориш талаб этилади.

Трактор ва плугларни ишга тайёрлаш ва созлаш. Далаларни сифатли ҳамда тежамли шудгорлаш учун ҳар бир ҳайдов агрегати албатта ишолди кўригидан ўтказилиши лозим. Осма плуглар билан ишлатилиши учун занжирли тракторнинг



осиш қурилмалари икки нуқтали схема бўйича осиш қурилмаларининг чегараловчи блоклари эса пастки тортқиларнинг эркин юришига имкон берадиган ҳолатда ўрнатилиши лозим.

Лемехларнинг шакли ва ўлчамлари андаза билан текширилади: бунда лемех тиғининг узунлиги андаза ўлчамларидан 15 мм, елкасининг узунлиги 10 мм. ва эни 5 мм. гача катта ёки кичик бўлиши мумкин; ағдаргич ва лемехнинг дала томонидаги четлари битта тик текисликда ётиши лозим. Ағдаргич дала четининг юқориги нуқтаси эгат томонга кўпи билан 10 мм. оғиши мумкин. Лемехнинг ағдаргич билан туташган жойида кўпи билан 1 мм. тирқиш бўлишига йўл қўйилади; шу жойда лемех ағдаргичдан кўпи билан 2 мм. кўтарилиб туриши мумкин; ағдаргичнинг лемехдан кўтариб турилишига йўл қўйилмайди. Бу шартлар бажарилма-

са корпусга тупроқ ёпишиб, плугнинг тортишга қаршилиги ошади ва иш сифати ёмонлашади.

Икки ярусли плугларда уларнинг юқориги ярус корпуслари пастки ярус корпусларига нисбатан 45-55 см. олдинга ва плуг рамаси бўйлама брусларининг чап томонига жойлаштирилиши даркор. Ҳайдов чуқурлиги 30 см бўлганда юқориги ярус корпуслари пастки, 30 см дан кўп бўлса, юқориги ҳолатга ўрнатилади.

Чимқирқар плугларда чимқирқарлар асосий корпуслардан 25-30 см. олдинда туриши ва ҳайдаш чуқурлиги 10-12 см. бўлиши керак.

Ҳайдаш чуқурлиги тиркама плугларда уларнинг дала механизми штурвалини айлантириб, ўрнатма плугларда эса таянч филдирагини баландлик бўйича силжитиб созланади.

Ҳайдовни ташкил этиш қодалари. Ерларни одатдаги, яъни бир томонга ағдарадиган (ПЯ-3-35, ПД-4-45, ПНЯ-4+1-45, ПН-4-45, ПЛН-5-35) плуглар билан ҳайдашдан олдин дала кенглиги 40-50 метрли тахталарга бўлинади ва ҳар қайси тахтада агрегатнинг иш йўли белгилаб чиқилади.

Тахталар ичкарига ёки ташқарига ағдариб ҳайдалиши мумкин. Ичкарига ағдариб ҳайдашда шудгорлаш тахтанинг ўртасидан бошланиб, даланинг охирига етганда плуг ўнг томонга бурилади ва тупроқ биринчи ҳайдалган томонга ағдарилади. Тахтанинг ўртасида марза (пушта) ҳосил бўлади. Кейинги ҳайдашлар шу йўсинда давом эттирилиб, тупроқ ҳамма вақт пушта томонга ағдарилади.

Ташқарига ағдариб ҳайдашда плуг тахтанинг ўнг чеккасидан бошлаб, охирига етганда чапга айланади ва тахтанинг чап чеккаси ҳайдашни давом эттиради. Шу тариқа агрегат тахта ўртасига яқинлашади ва эгат ҳосил бўлади.

Ичкарига ағдариб ҳайдаш учун агрегатнинг биринчи ўтишида плугнинг биринчи корпуси дала юзига сирпаниб юрадиган, охириги корпуси

си эса белгиланган чуқурликда ишлайдиган этиб ростланади. Агрегатнинг иккинчи ўтишида биринчи корпус ҳам белгиланган чуқурликда ишлайди ва у биринчи ўтишда охиридан олдинги корпус юрган издан юргизилади. Учинчи ўтишда ер одатдагидек ҳайдалади.

Ер айланма плуглар билан ҳайдалганда дала тахталарга бўлинмайди, чунки уларнинг корпуслари ўнгга ва чапга ағдарадиган бўлганлиги учун дала бир чеккадан ҳайдалади. Шу сабабдан шудгор юзасида марза ва эгат каби нотекисликлар ҳосил бўлмайди.

Плуг далада ишлай бошлаганда унинг рамасини бўйлама ва кўндаланг йўналишлар бўйича дала юзасига параллеллиги ҳамда биринчи корпуснинг қамров кенлиги текшириб кўрилади. Чунки плуг рамасининг бўйлама ва кўндаланг текисликларда оғиши корпусларнинг тупроққа нотекис ботишига, биринчи корпус қамров кенлигини бошқа корпуслар қамров кенлигидан фарқ қилиши эса ҳайдов юзасининг нотекис бўлишига олиб келади.

Агар ўрнатма плуглар рамаси бўйлама йўналиш бўйича олдинга оғган бўлса трактор осий қурилмасининг марказий тортқиси узайтирилади, акс ҳолда - қисқартирилади. Раманинг кўндаланг йўналиш бўйича оғиши трактор осий қурилмасининг пастки тортқилари кашакларини қисқартириш ёки узайтириш йўли билан соланади.

Тиркама плугларда раманинг олдинга оғиши унинг тортқисини пастга тушириш орқали, орқага оғиши эса кўтариш орқали тўғриланади. Рама кўндаланг йўналиш бўйича ўнгга оғса, плуг эгат филдирагини пастга тушириш, чапга оғганда эса кўтариш керак бўлади.

Плуг биринчи корпусининг қамров кенлиги бошқа корпусларга нисбатан кўп бўлса, плуг тракторга нисбатан чап томонга, кам бўлганда эса ўнг томонга сурилади.

Филдиракли тракторлар билан ишлатиладиган барча осма плуглар уларнинг дала ёки ҳайдов томонга тортишини созлайдиган қурилма билан жиҳозланган. Агар иш жараёнида трактор дала томонга тортса ушбу қурилма винти узайтирилади,

ҳайдов томонга тортганда эса калтайтирилади.

Ерларни икки ярусли плуглар билан шудгорлаш унга қўйилган агротехника талабларига тўла жавоб беради, чунки бундай плуглар тупроқ ҳайдов қатламини икки қисм (ярус)га ажратиб ва улар ўринларини алмаштириб ағдаради: юқориги унумдор, озиқа моддаларга бой қисм пастга, озиқа моддалари қашшоқлашган унумсиз пастки қисм тепага ағдарилади. Бунда солинган ўғитлар, ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтлар ва уларнинг уруғларининг чуқур кўмилиши таъминланади. Икки ярусли плуглар билан шудгор қилинган далаларда бегона ўтларнинг униб чиқиши 2-3 барабар камаяди, пахта ҳосилдорлиги гектарига 2-3 центнерга ошади.



Кам унумли, кум ва шағал қатлами мавжуд ерларда ҳайдов чуқурлиги шундай танланиши керакки, бунда кум билан шағал ер бетига ағдарилиб чиқмайдиган бўлсин.

Бедапоярни ҳайдаш. Ҳайдовда беданинг илдизлари 5-6 см чуқурликда қирқилиб, эгат тубига кўмилиб кетиши керак. Бунинг учун бедапояр илдизларини 5-6 см чуқурликда кесиб кетадиган чап қирқувчи пичоқлар ўрнатилган икки ярусли плуглар билан ҳайдалади. Қамров кенлиги 200 мм бўлган пичоқлар плуг юқори корпусининг чап томонига ўрнатилади. Шунда беданинг илдиз бўғини 5-6 см узунликда кесилиб, чуқур кўмилади. Бошқа русумдаги плуглардан фойдаланилганда бедапоярларга олдин ағдаргичлари олинган плуглар ёки ясси кесувчи пичоқлар билан жиҳозланган култиваторлар ёрдамида 5-6 см чуқурликда ишлов берилди, сўнгра ҳайдалади.

Шудгор сифатини назорат қилиш усуллари.

Плугнинг иш сифатини белгиловчи агротехник талаблар орасида ҳайдаш чуқурлиги ва унинг бир текисда бўлиши ҳамда бегона ўтлар, уларнинг уруғи ва илдизларининг кўмилиш чуқурлиги муҳим ҳисобланади. Чуқурлик қиймати эгат ўлчагич ёки оддий чизгич билан аниқланади. Бунинг учун плугнинг охириги корпуси ҳайдаган эгат чуқурлиги ҳар бир даланинг 25 жойидан ўлчанади. Кейин ҳамма ўлчов кўрсаткичлари қўшилиб, ўртача кўрсаткич аниқланади. Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги агроном томонидан ўрнатилган кўрсаткичдан 2 см. фарқ қилиши мумкин, холос. Бегона ўтларнинг кўмилиш чуқурлиги ҳам даланинг 25 жойидан ҳайдалган ерни ковлаб ва шудгор юзидан бегона ўт ётган жойгача бўлган масофа ўлчаб аниқланади. Ўртача кўрсаткич икки ярусли плугларда 20 см. дан, умумий ишларга мўлжалланган плугларда эса 10 см. дан кам бўлмаслиги керак.

Шудгорлашда катта кесаклар кўчмаслиги, ҳосил бўлган пушталарнинг ўртача баландлиги 5 см. дан ошмаслиги лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ерни узоқ йиллар мобайнида бир хил чуқурликда ҳайдаш ва тракторлар ҳамда

бошқа қишлоқ хўжалик машиналари филдираклари остида топталиши тупроқнинг ҳайдов ости қатламининг зичланиб кетишига олиб келади. Бу ўсимликлар ҳаво ва озуқа режимининг бузилиши ҳамда ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Шунинг учун барча далалар 2-3 йилда бир марта чуқур юмшатилиб турилиши даркор. Бунда ГРП-3/5, ГНУ-1МС ва хўжаликларда мавжуд бўлган бошқа русумдаги чуқур юмшаткичлардан фойдаланилади.

Кўриниб турибдики, кузги шудгор алоҳида масъулият ва билим талаб этадиган муҳим агротадбир бўлиб, унга фермерлар, агрономлар, механизаторлар томонидан доимо эътибор қаратилиши лозим бўлади.

М.ТОШБОЛТАЕВ,

т.ф.д.

А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ,

т.ф.д.

(ҚХМЭИ)

МЕҲНАТ ШАРАФ КЕЛТИРАР

Мамлакатимизда ҳар бир одамнинг шарафга лойиқ топилиши, Президентимизнинг узоқ қишлоқларда ишлаётганларга ҳам эътибор қаратишлари таҳсинга лойиқ. Мендай бир сувчиғаки, шунча мурувват бор экан, нечун қувонмайин, нечун ишламайин? Юксак мукофот билан тақдирланганим ҳақидаги хушxabардан онам айниқса шод бўлди, уйимиз тўйхонага айланди, — дейди "Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Суенли ирригация тизими бошқармаси муҳандис-гидротехниги, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Узоқберген Матназаров.

У киши бу сўзни бекорга айтгани йўқ. Ҳаётидаги нурли саҳифалардан яна бири онаси Норжон Матназарованинг 80 ёшга тўлган кунинда рўй берди. Шу кун у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан ватанимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар орасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" фахрий унвонига сазовор бўлди.

1963 йилда ишчи оиласида туғилиб ўсган, мактаб таҳсилдан кейин ҳарбий хизматни ҳам ўтаган, меҳнатга чанқоқ йигит 1984 йилда совхозга оддий ишчи бўлиб ишга кириди. Кўп ўтмай сувчиликка бўлган қизиқиши туфайли совхоз-

— Ҳаётимдан жуда хурсандман, — дейди Қўшқўпир туманидаги "Ҳамроҳ" фермер хўжалиги раҳбари Бектурди Ортиқов. — Мустақиллигимиз шарофати билан ер эгаси бўлдим, эътиборга, эътирофга, шарафга лойиқ кўрилдим. Хива туманида Президент Шавкат Мирзиёев билан бўлган учрашувда кутилмаган совға олдим. У киши менга "Дамас" машинаси калитини берарканлар, самимий табрикландилар. Бу мендек оддий бир деҳқоннинг меҳнатига давлатимиз раҳбарининг бефарқ эмаслигидан далолат. Бу воқеа мени янада шижоат билан ишлашга ундади.

Болалигидан ер эгаси бўлишни орзу қилган Бектурди ака дастлаб 9 гектар ерда оилавий фермерликни бошлаган эди. Бугунги кунда хўжалик экин майдонлари 57 гектардан иборат бўлиб, йиллик режа ва топшириқлар ўз вақтида удаланмоқда.

Жорий йилда 18 гектар ерга экилган галладан 28 центнер ўрнига 80 центнердан ошириб ҳосил олган хўжалик аъзолари пахта етиштиришда ҳам юқори натижаларга эришди. 29 гектар ерга экилган пах-

да участка гидротехниги вазифасида ишлаб бошлайди. Ишдан ажралмаган холда Нукус ирригация-мелиорация техникумининг гидромелиорация бўлимини тугатди.

Мана 32 йилдирки, Суенли ирригация тизими бошқармасининг 1-бўлимида муҳандис-гидротехник вазифасида ишлаб келаётган жамоада 65 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ҳамкасблари, дўстлари Узоқберген Матназаровни табриклашаркан, меҳнатда тобланган миробнинг кўзларига севинч ёшлари тўлд. "Ахир бизнинг саодатли Ватанимизда меҳнат улуғланади. Ўзинг учун, оиланг, фарзандларинг учун қилган меҳнатинг самараси шундай улуғланаркан,

танинг "Хоразм 127" навидан 36 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Хўжаликда ёпиқ шароитда 30 бош қорамол, 150 бош парранда боқилмоқда. 1,2 гектар боғдаги

ЭЗГУ ИШЛАР ЭЪТИРОФИ



Суратда: Бектурди Ортиқов.

олма, ўрик, узум маҳсулотлари юқори нархларда сотилиб, яхшигина даромад келтираяпти.

Фермернинг ўғли Ҳамробек Ортиқов доимо отасига ёрдамчи. У тракторчилар Баҳром Солаев, Комилжон Полёзовлар билан биргаликда



Суратда: У.Матназаров.

унда яшашнинг ўзи шараф..." Бу унинг дил сўзлари эди.

Қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи Турдибика Ўтепбергенова қутлаш учун хонадонига келётганларга хизматга шай. Уларнинг тўрт нафар ўғилқизи, келин-куёвлари, ҳатто, неваралари ҳам жам бўлишган.

— Томорқамизда деярли ҳамма нарса: мева-чева, полиз маҳсулотлари етиштирилади, қўрада қўй-қўзи, паррандалар... — Қишлоқда яшашнинг гаши ҳам шундада — дейди хонадон соҳиби.

Мироблик касбини улуғлаб келётган Узоқберген Матназаровга унвон муборак, деймиз.

хўжалик техникасининг қишин-ёзин ишга шай туришига масъул.

Сувчилар Омонбой Жуманиёзов, Темур Рўзметовлар далалар шароитини пухта ўрганганликлари боис, суғориш ишларини намунали йўлга қўйишган. Ҳўзапоя ораларига экилган бугдойлар ўз вақтида озиклантирилгани ва суғорилаётганлиги учун бугун ҳавас қилгудек баравж ўсмоқда.

Хўжалик ўтган йили 400 млн. сўм умумий даромадга эга бўлиб, шундан соф фойда 140 млн.ни ташкил қилди. Фойда эвазига шолӣ, ун тегирмонлари, савдо шохобчалари қурилди. Оралиқ экинлар экишга ҳам эътибор кучли, хўжалик аъзолари ва камхарж оилаларга ёрдам тариқасида томорқа ерлари ажратиб берилаяпти. Шу билан бирга, уларга моддий ёрдам ҳам кўрсатилаяпти.

Бектурди Ортиқов бу йилги даромадидан 50 тонна сифимга эга бўлган музлатгич қуришни мўлжаллаб турибди. Умуман, унинг режалари бисёр. Биз бу режалар, албатта, амалга ошишга ишонамиз.

Ўз мухбиримиз.

БИРИНЧИ БЎЛИШ ГАШТИ

ХИВА ТУМАНИДАГИ "БОБИР ОЛТИН ТОЛА" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ПАХТАКОРЛАРИ ВИЛОЯТДА, ХОРАЗМЛИКЛАР ЭСА МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ БЎЛИШДИ. ЖАМОА СЕНТЯБРЬ ОЙНИНГ ОХИРИДАЁҚ РЕЖАНИ УДДАЛАШГА ЭРИШДИ.



Хўжалик раҳбари Фойибназар Раҳимов ўз ишига пухта ёндашган ҳолда жамоа манфаатини кўзлаб иш олиб боради. Отаси Султонбой Раҳимов 40 йилдан зиёд мактаб ўқувчиларига тарих фанидан сабоқ бериб, ҳозирги кунда нафақада бўлишига қарамай, ҳамиша дала ишларида бош-қош.

- Дастлаб "Отабой оқсоқол" фермер хўжалигида тарозибон бўлиб ишладим. Хива туманидагина эмас, вилоятимизда ҳам ўз мавқеига эга бу хўжалик раҳбари Отабой Оллабергеновни устозим деб биламан, иш юритишни ҳам ундан ўргандим, - дейди Фойибназар.

У 2010 йилда 10 нафар ишчи билан иш бошлади. Белгиланган режа ва топшириқлар йил сайин ўз вақтида бажарила бориб, хўжалик элга танилди. Хали ёш хўжалик раҳбарининг орзуси тармоқни кенгайтириш, даврга мос қадам ташлашдан иборат эди. Шунинг учун 2015 йилда ўрдак, гоз, индиутка боқишни йўлга кўйди. Ҳозирги кунда хўжалиқда 500 бошдан зиёд парранда боқилмоқда.

2016 йил 21,1 гектар ерга пахта экилди. Давлат режаси гектарига 26,5 центнер бўлиб, 32,7 центнерга, яъни 120 фоизга уддаланди. Кумлик ерларда бундай ҳосил олиш учун катта матонат ва тинимсиз меҳнат қилмоқ керак.

Жорий йилда жамоа аъзолари ғалладан гектардан 22 ўрнига 65 центнердан, пахтадан эса 42 центнердан хирмон кўтарди. Биз сентябрь ойининг охирларида мазкур фермер хўжалиги далаларида бўлган эдик.

- Маҳалламиздаги 1200 дан ошиқ хонадонда истиқомат қилувчи 6400 одам пахта йиғим-теримида аҳиллик билан иштирок этяпти. Халқ сийлаганни сийлайди. Қаранг, ҳамма қишлоқ аҳли далада. Бу оппоқ, лўппи-лўппи оқ олтинни кўриб ҳамманинг тергиси келади, - деганди Пирнахос маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жуманазар Юсупов.

Терган пахталарини ўлчатишга келаётган қизу жувонларнинг шўхликларини кўриб ҳавасингиз келади, ҳосил баракали, теримчилар иш ҳақини

ўз вақтида, олаётганларидан мамнун. Теримчилар орасида Султонбой ота ним табассум билан қараб турар, унинг юзида саодат нури балқирди.

- Оллоҳга минг шукрки, шу Ватанда туғилдик, тинчлик, осудалиқда меҳнат завқини суриб яшаш насиб қилди, ҳар бир тонгимиз улуф кунларга, саодатга етказаверсин, - дейди дуога кўл очиб. Дуогуй оталаримиз, онахонларимиз бор жойда унум, барака бор.

Чамаси 40 ўринлик замонавий шийпонда иш қизғин. Теримчилар учун иссиқ овқат, чой-нон тайёрланмоқда. Ҳовузли, манзарали гуҷум ва мажнунтоллар соя ташлаб, фаввора салқин таратиб турган сўлим масканда баҳри дилингиз яйрайди.

Ғалладан бўшаган далаларга экилган 1,5 гектар ердаги сабзи, 5 гектар ердаги шоли, 3 гектар ердаги мош, 0,5 гектар ердаги картошка ва бошқа экинларни ҳам йиғиб териб олиш пайти келган.

- Бу йил 1 гектар жойда анорзор барпо қилдик, 2 йилда мева бера бошлайди. Аслида балиқчиликни ривожлантириш истагидаман, ахир балиқ Хоразм аҳли севиб истеъмол қиладиган энг севимли маҳсулот ҳисобланади, - дейди Ф.Раҳимов.

Бундан ташқари, тиниб-тинчимас тадбиркор нон маҳсулотлари, турли пишириқлар ишлаб чиқарувчи цех қуриб, янги иш ўрни очиб қишлоқ ёшларини иш билан таъминламоқчи.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган барча миришкор деҳқонларимиз қатори ёрдамга муҳтожларга ҳомийлик мурувватини аямай келаётган фермер йиғитнинг саъйи ҳаракатлари халқимиз истеъмоли учун соф, табиий, бозорбоп, харидоргир маҳсулотлар етиштириб, юртимиз ривожига ўз ҳиссасини кўшишдан иборат.

Суратда: (чапдан) илғор теримчи Саломат Якубова, тарозида фермер Фойибназар Раҳимов, Султонбой ота, теримчи Клара Жуманиёзова.

Ўз муҳбиримиз.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

*Ғалвир сувдан кўтарилганда билинади,
дейишмоқда қизилтепалик деҳқону фермерлар*

Фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш, имтиёз ва имкониятлар бериш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиб келаётгани ҳам соҳа истиқболлини юксалишига хизмат қилмоқда.

Бугунги фермер фақат деҳқон эмас, у тадбиркор ва ишбилармон, ташкилотчи, механизатор, иқтисодчи ҳам бўлиши керак. Чунки, ерга ишлов беришдан тортиб, қилинган сарф-харажатгача барча-барчаси ҳисоб-китобли. Экин-дан олинадиган ҳосил, фойдаю зарар ҳамма-ҳаммаси унинг гарданида. Шунинг учун бугун фермерлар ерга сифатли ишлов бериш, тупроқ-иқлим шароитига мос нав танлаш, суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлаш каби агротехник тадбирларни меъёрида ва ўз вақтида ўтказганликлари учун ҳам қутилган натижага эришмоқда. Бугунги кунда гектарига 60-70 центнер пахта ҳосилини йиғиштириб олаётган фермерлар сони кун сайин ортиб бораётгани қувонарли.

Давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланган қизилтепалик пахтакорлар 8713 гектар ерга экилган пахтадан 25 минг тоннадан зиёд ҳосил олиб, шартномавий режани ортиги билан бажаришга муваффақ бўлишди. Етиштирилган ҳосилнинг 95 фоизи 1 навни ташкил этгани фермерларнинг даромадига даромад қўшмоқда. Деҳқончиликда йил йилга ўхшамайди, деган гап бор. Жорий йилда ҳам бободехқон учун синовлар кўп бўлди. Баҳорнинг серёгин келгани, ёзнинг қоқ чилласида ҳаво кескин исиб кетгани қизилтепалик бободехқонларни синовдан ўтказди. Узоқ йиллик тажриба, илм ва амал уйғунлигида олиб борилган агротехник тадбирлар натижа-сида юқори ҳосил олишга эришилди. Туман ҳокимлиги ва соҳага алоқадор мутасадди ташкилотлар, фермер хўжаликлари томонидан қатъий белгиланган режа асосида чоратадбирлар белгилангани бунда муҳим омил бўлди.

Тумандаги "Рисолат Ёқут" фермер хўжалиги ташкил этилганидан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномаларида белгиланган режа ортиги билан ба-



жариб келмоқда. Фермер хўжалиги деҳқонлари учун жорий йил ниҳоятда омадли келди. Пилла, ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномалари ортиги билан бажарилганлиги фермер хўжалиги иқтисодий имкониятларини янада кенгайтди.

Аҳдига вафодор, фермер хўжалиги деҳқонлари 52,8 гектар ерга ғўза экиб, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида олиб боришди. Натижада режадагидан анча мўл ҳосил етиштиришга эришилди. Биринчи теримдаёқ шартномавий режани бажариб, 303 тоннадан зиёд сифатли хомашё йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ердан 60 центнердан зиёд ҳосил йиғиштириб олингани эса фермер хўжалиги даромадига даромад қўшади, албатта. Бунда фермер хўжалиги иш юритувчиси Фолиб Саидов, сувчи ва механизаторлар Ражаб Низомов, Ўктам Халиловларнинг кечаю кундуз қилган меҳнати катта бўлди.

Туманнинг Бўстон ҳудудидаги "Улуғ диёр келажиги" кўп тармоқли фермер хўжалиги нафақат вилоятда, балки республикамизда

кўпчиликка яхши таниш. Чунки, фермер хўжалиги ташкил топган 2006 йилдан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича шартномавий режаларни ортиги билан бажариш билан бирга аграр соҳада қўлланилаётган замонавий технологияларни жорий этиб келмоқда. Пилла, ғалла, пахта етиштиришдан ташқари фермер хўжалигида чорвачилик ва балиқчилик тармоғи ҳам кенг ривож топаётгани фикримиз далилидир.

— Жорий йилда қилган меҳнатларимиз бесамар кетмади, — дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Бахтиёр Бозоров. — 25 гектар ерга экилган ғалланинг ҳар гектаридан 60 центнердан ошириб дон етиштириб, шартномавий режаларни ортиги билан бажардик. Ўзимизда қолган донни эса ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, моддий-техника базамизни мустаҳкамлашга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфладик. Деҳқончиликда эскидан қолган бир ҳақиқат бор. У ҳам бўлса ғалла яхши бўлса, пахта ҳосили қутилганидан ҳам зиёда бўлади.

Чунки, сувчи, механизатор ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, ерга меҳр билан меҳнат қилади. 40 гектар ерга баҳорда яхши ниятлар билан ғўзанинг "Бухоро-6" навини қадаган эдик. Ғалвир сувдан кўтариладиган пайт бугун қилган меҳнатларимизнинг самарасини кўряпмиз. Ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил кўтариб, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлди. Қолаверса, йиғиштириб олинган ҳосил сифатли бўлганлиги уни юқори нархларда сотиш имкониятини яратди. Бу эса бизни иқтисодий барқарор хўжалик бўлишимизда асқотади. Бундан ташқари, 1 гектар сунъий ҳавза ташкил этиб балиқчиликни йўлга қўйганимиз эса халқимиз дастурхонини парҳез таом билан тўкин этишга ҳисса қўшади.

Дарҳақиқат, ғалладан бўшаган ерлардан оқилона фойдаланиш мақсадида такрорий экин сифатида 12 гектарга кунгабоқар, 9 гектарга мош, 1,5 гектарга тариқ, шолғом, сабзи каби экинлар экилиб, мўл ҳосил олинаётгани фермер хўжалиги истиқболдан далолат.

Б. ТОШНАЗАРОВ.

НИЯТ ПОК БЎЛСА...



Бундан атиги бир-бир ярим йил аввал Жиззах вилоятининг Арнасой туманида бўлган одам бугун қайта ташриф буюрса, ишончимиз комил, ўзини худди бошқа жойга келиб қолгандек сезиши турган гап. Ҳа, қисқа муддат ичида туман ва унинг маркази Фолиблар шаҳарчасида катта ўзгаришлар рўй берди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг топшириғи билан туманда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга кўмаклашувчи ҳукумат ишчи гуруҳининг иш бошлаши натижа-сида ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгара бошлади. Аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, арна-сойликларга муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Натижалар эса, ўзини узоқ куттирмади. Биринчи навбатда аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлаш, замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этиш, мавжудларини қайта қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ўтган қисқа муддатда тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида минимаркетлар

қурилиб, аҳолига хизмат кўрса-та бошлади. Мавжуд тижорат банклари филиаллари жойлашган бинолар капитал таъмирланиб, жойларда уларнинг 7 та минибанки фаолият бошлади. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жараёнида аҳолининг маданий дам олиши учун янада қулайлик яратиш бош масала қилиб қўйилди. Тез фурсатда туман марказида барпо этилган дам олиш хиёбони болажонларнинг сеvimли масканига айланди. Соғломлаштириш маркази, замонавий меҳмонхона барпо этилиб, йўллар таъмирланди. Фолиблар шаҳарчасида юзлаб янги иш ўринлари ташкил этиладиган тўқимачилик корхонасининг қурилиши бошланиб кетди.

Туман ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар нафасини қишлоқ хўжалигида ҳам яққол сезиш мумкин. Арнасой деҳқонлари қатор йиллардаги қолоқликдан кейин асосий қишлоқ хўжалик экинлари, биринчи навбатда, пахта сотиш борасида давлат билан тузилган шартнома шартларини ортиғи билан уддалашди. Ҳаёти ва фаолияти мисли мудроқ босган кишидек ўтаётган фермерларга "жон кирди". Ҳам давлат, ҳам халқ олдида юзи ёруғ бўла

бошлади, омбори ҳосилга тўлди.

Вали Боймуродов бундан 17 йил аввал "Эгамов Завқий" фермер хўжалигига асос солиб, 10 гектар майдонда фаолиятини бошлаган эди. Бугун эса, хўжаликнинг умумий ер майдони 68 гектарни ташкил қилмоқда. У 10 кишини иш билан таъминлаган, деҳқончилик учун моддий-техника базаси ўзига етарли. Жорий йилда 45 гектарга экилган ғалладан мўл ҳосил кўтарди. Давлатга режадагидан 35 тонна кўп, жами 185 тонна ғалла сотди. 23 гектарга экилган пахта ҳосили ҳам чакки бўлмади. Биринчи теримдаёқ шартнома шартлари 115 фоизга уддаланди.

– Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, янги, замонавий ирригация иншоотларининг фойдаланишга топширилаётгани, маъданли ўғит, ёқилғи мойлаш маҳсулотларида узилтиш бўлмаётгани, молиявий таъминот даражасининг ортиб бораётгани соҳамиз ривожига асос бўлмоқда, – дейди Вали Боймуродов. – Бунинг устига жорий йил такрорий экин экишга, унинг ҳосилини ҳатто хорижга экспорт қилишга имконият яратилгани ҳам катта воқеа бўлди. Такрорий экин сифатида экилган сабзи, шолғом, тарвуз биринчи навбатда, жамоамиз аъзоларига, ортгани бозорга чиқарилди. Мошони махсус агрофирмалар ёрдамида чет элга жўнатиш арафасидамиз. Шундай имконият ва қулайлик яратилиб турган бир пайтда ундан фойдаланмаган фермер, тўғриси, бошқа иш билан шуғуллангани маъқул.

Вали Боймуродов ўзи каби соҳа жонқуярларига берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Хўжалигини кўп тармоқли субъектга айлантириш, савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини очиш, чорвачиликни йўлга қўйишга қизиқиши катта бўлган фермернинг келгусидаги эзгу ниятлари бекаму кўст амалга ошишига тилақдошмиз.

Ўз мухбиримиз.

Сурамда: Арнасойлик илғор фермер Вали Боймуродов такрорий экин салмоғидан мамнун.

"ХОРАЗМ ФАХРИ"НИНГ ИБРАТИ

● Бир гектар ердан 7-8 тонна шоли ҳамда 2 тонна арзон ва сифатли балиқ етиштириш.

● Етти хазинанинг бири бўлмиш балиқ маҳсулоти уч ойда етилади ҳамда савдо расталаридан жой олади.

Жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидан 20 кишилик делегация сафида Вьетнамда бўлиб, у ердаги тажриба ва шароитларни мукамал ўрганиб келганлар қаторида Янгибозор туманининг, Боголон қишлоғидаги "Хоразм фахри" фермер хўжалигининг раҳбари Отабек Қурбонов ҳам бор эди.



Хоразм вилоятида 6502 гектар табиий ва сунъий кўллар мавжуд бўлиб, бу кўл ва ҳавзалар 468 та балиқчилик хўжаликларига бириктирилган. Маълумки, етти хазинанинг бири балиқ ва 4 ойда етиладиган шоли ҳам талабгир ўсимликдир.

Отабек Қурбонов Вьетнамдан шоли даласида балиқ етиштириш технологиясини ўрганиб келди. Кўрганларини амалда синаб кўриш учун 1,8 гектар ерда уйғун тарзда шоли ва балиқ етиштиришни бошлаб юборди. Бунга қарангки, бу икки маҳсулот бири ўсимлик, бири жонзот бири билан ҳамоҳанг ўсиб-ривожланса натижа яхшигина бўларкан.

— Бир гектар ердан 7-8 тонна шоли, 2 тонна балиқ етиштириш мумкин, — дейди Отабек Қурбонов. — Бозор нархида олганда 2 тонна балиқ 35 млн. сўм даромад демақдир. 200 граммлик балиқ чавағи 75 кунда 1,5 кг вазнга эга бўлади. Шолидаги ҳашаротлар ва ўсимликларга қарши дори воситаларини сочиш шарт эмас. Чунки уларни балиқлар истеъмол қилади ҳамда тез ривожланади, улар иккаласи бир-бирига керакдай, гўё. Келгуси йилда 10 гектар ердан 80 тонна шоли ва 20 тонна балиқ етиштиришни ният қилганмиз.

Отабек асли деҳқон фарзанди эмасми, Тошкентдаги Юри-

дик институтини тамомлаган бўлса ҳам, деҳқончиликка кўнгли қўйди. Бир неча йил отаси Ҳасан Қурбонов бошқараётган "Мунир Юпитер" фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб ишлади. Шу бўйи хўжалик ишларини бошқаришда қийинчилик сезмади, ўзининг кўп тармоқли хўжалигига асос солди.

— Деҳқончиликда юқори ҳосилдорликка эришаётган Германия, Янги Зеландия, Голландия каби мамлакатлардан юртимизнинг тупроғи ҳам, қуёши ҳам, суви ҳам ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас, — дейди ёш фермер.

Жорий йилда хўжалик аҳли кўш қаторлаб экилган 26 гектар пахта майдонидан 40 центнер "оқ олтин"ни давлат хазинасига 1-навда топширди.

4 гектар ердаги ғалла ҳосилдан 80 центнердан хирмон уюлди. Тажриба сифатида экилган 2,6 гектар ердан 35 центнердан соя ҳосили олинди. Бу ўсимлик тўлиқ ўрганиб чиқилгач, ҳосилдорликни 50 центнердан ошириш кўзда тутилмоқда. 2 гектар ерга полиз ва сабзавот экинлари экилган бўлиб, етилган ҳосил бугунги кунда йиғиштириб олинмоқда.

1,8 гектар ерга экилган шолидан режадаги 80 центнерлик ҳосил олинди. Бу майдондан олинган табиий, тўйимли балиқ эса 4 тоннани ташкил этди. Ахир қаловини топсанг қор ёнади, —

деб бежиз айтмаганлар-да. Илос билан қилинган меҳнат бирақали ҳосилга замин яратади. Бу борада хўжаликнинг Жасур Самандаров, Файзулло Ражаббаев, Жумабой Аллаберганов, Санъат Қорабоев, Тўлибой Қорабоев каби азамат меҳнат аҳли, сувчилари, тракторчилари ўз вазифасига меҳр билан ёндошмоқдалар.

Отабекнинг айтишича, шоли сувини тежаган ҳолда, яъни дастлабки ойда сув очмай шоли уруғини сочиб, униб чиққач иккинчи ойидан бошлаб сув бериб ва саралаб балиқ чавоқлари ташланса, уч ой шоли ривож учун ҳам, балиқ ривож учун ҳам етарли муддат бўларкан. Натижада юқори унумдорликка эришиш билан бирга 25 фоиз сув тежалар экан. Агар бу иш ҳамма жойда қўлланилса, шоли экишда янгилик бўлиш билан бирга сув ресурси сезиларли миқдорда тежалади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўрганиб, уқиб имкон топаётган фермер янги тармоқлар очиб иш ўринларини кўпайтириш, хўжаликни янада кенгайтириш борасида имкониятлар изламоқда. Саодатли ҳаёт учун изланиш ва самарадорликка эришиш йўлидаги ҳар бир қадам аҳамиятлидир.

Ш.ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОНЛАР

Андижон азал-азалдан зироатчиликда ўзига хос нуфузга эга. Истиқлол йилларида вилоят қишлоқ хўжалиги давр талабига мос тарзда ривожланмоқда. Эл-юрт тўкинлигининг бош бўғини бўлган томорқачиликдаги янгилиниш ва ўзгаришлар айниқса диққатга сазовор.

Марҳамат тумани ўзининг табиий иқлим шароити, қолаверса уста деҳқону соҳибкор, чорвадор, боғ-бонлари билан танилган. Асосийси халқимиз дастурхонига етказиб берадиган мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларининг салмоғига кўра эътиборга лойиқ.

— Маҳалламизда 500 дан ортиқ хонадонда деярли 3000 га яқин киши истиқомат қилади. Уларнинг ихтиёрида 50 гектардан ошиқроқ томорқа бор. Мавжуд имкониятларимиз асосида ишлаб чиқилган Дас-



Сурапта: Козимжон Абдусаломов, Олимжон Тангриев

тур асосида бу йилги натижаларимиз ўтган йиллардагидан анча юқори бўлди. Ҳозиргача маҳалламиз аҳолиси томонидан — 5617 тонна мева-сабзавот, 310 тонна гўшт, 120 тонна сут ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Истиқболли режамизга кўра, бу кўрсаткичлар биз учун чегара эмас, - дейди "Алитеп" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Козимжон Абдусаломов. — Ташкил этилган "Маслаҳат кенгаши" ҳамда "Агрохизматтаъминоғ"нинг тўла шаклланиши маҳаллада томорқадан фойдаланиш самарадорлиги ошишининг бош омили бўлаётир.

93 ёшни қаршилаган Раҳимжон ота Тожибоев 87 ёшли Турдихон ая билан қўша қариб 5 ўғил, 2 қизни эл корига ярайдиган қилиб вояга етказишди. Эндиликда фарзандлари қаторида 28 нева, 39 чеваранинг ардоғида қариллик гаштини суришяпти. Оилада томорқадан унумли фойдаланиш кундалик эҳтиёжга айланганлиги боис, уларнинг ҳовлилари ҳавас қилса арзигулик, то-

морқа ерлари тўкин-сочинлик манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

— Файзли хонадонга фаришта-лар киради. Болаларимга буни қайта-қайта уқтираман. Томорқадаги ишларни назорат қилиб, ўз тажрибамдан келиб чиқиб, маслаҳатлар бераман. - Ерни қадрлаган,



Сурапта: отахон Раҳимжон Тожибоев, онахон Турдихон ая Тожибоева,

ундан самарали фойдаланган инсон ҳеч қачон зориқмайди. Фарзандларимнинг ҳаммаси уйли-жойли, фойдали меҳнат билан шуғулланишади. — дейди отахон шукроналик билан дуога қўл очиб.

Мамасоли ака Тангриев ёшлигидан соҳибкорликка қизиқди. Ҳозирда унинг 8 сотихли томорқасида узумнинг маҳаллий сара навлари экилган. Кўп йиллик тажрибалари асосида парваришланаётган тоқлардан ҳар йили мўл, сифатли ҳосил етиштирилади.

Шарипов Одилжон маҳалла қошидаги "Алитеп лимон" агрофирмасига раҳбарлик қилади. Ҳовлисидаги 1,5 сотихли иссиқхонада бодринг экилган. Маҳаллий меваларнинг деярли барча туридан бор.

- Талаб этиладиган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши ҳисобига иссиқхонадан йилига 3 марта ҳосил олишга эришяпмиз, - дейди Одилжон. - Иссиқхона ҳажмини кенгайтириш ҳисобига ноанъанавий, субтропик мевалар етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.

Абдусаломов Сайдулло хонадони мевали дарахтларнинг яхши парваришланганлиги боис, киши эътиборини тортиб, кўтаринки кайфият бағишлайди. Очиқ майдонга

экилган турфа хил сабзавотлар мўъжизавий манзара касб этган, десак муболага бўлмайди. Парваришланаётган 10 туп бананнинг худдики маҳаллий ўсимлик сингари авжи баланд.

- Бананни маҳаллий шароитда етиштириб, ундан мўл ва сифатли ҳосил олиш йўлида изланишлар олиб бораяпман. Унинг совуққа чидамлилигини оширадиган био-препаратлардан фойдаланиш ўз самарасини бера бошлади. Ўйлайманки, келгусида бағрикенг халқимизнинг саховатли ери бананга ҳам ўз бағридан жой беради, - дейди Сайдулло. - Томорқамда субтропик меваларнинг кўчатчилигини йўлга қўйиш ниятидаман.

Маҳалланинг яна бир файзли хонадонларидан Олимжон Тангриевнинг ҳовлисида томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. 8 сотих майдонга асосан узум-



Сурапта: Мамасоли Тангриев ва маҳалла раиси Козимжон Абдусаломов

нинг сара навлари, 10 туп анжир, шунингдек маҳаллий меваларнинг аксарият турлари экилган. Парваришлаш ишлари намунали ташкил этилган. Очиқ майдондаги сабзавотлар асосан органик ўғитлар ҳисобига озиклантирилганлиги учун ҳосил элементлари йирик ва сифатли.

- Томорқадан унумли фойдаланиш учун албатта хонадонда чорва моллари бўлиши керак. Муҳими мўл ва экологик тоза маҳсулот етиштиришга имкон яратилади, - дейди Олимжон ака.

Маҳалла раиси ҳамроҳлигида хонадонларни айланиб, ҳар бир оила соҳибининг томорқадан фойдаланиш бўйича ўз тажрибаси, ибратли фаолияти, қолаверса, ўз қараши борлигининг гувоҳи бўлди. Кимнинг томорқага нисбатан эътибори, турли ноз-неъматларни етиштиришга иштиёқи бор экан унинг хонадони бундан-да обод, бадавлат, ризқи улуғ, саховатпеша бўлишига ишонч ҳосил қилдик. Зеро, томорқа бараканинг бош бўғинидир.

Ўз мухбиримиз

ФАРОВОНЛИК ОСТОНАСИ

Қарши. Мозийда Насаф, Нахшаб каби номлар билан дунё тамаддунига ўзининг олиму фузалолари, ҳайратомуз бининшоотлари, сўлим гўшаларию боғу чорбоғлари, асосийси танти ва мард халқи билана лоҳида нуфузга эга бўлган бу шаҳар мустақиллик йилларида янада чирой очиб, юртимиз айвонида чаманлар ичра чаманга айланди. Шаҳар кўчалари осмонўпар биноларга уйғунлашган дарахтлар, ранг-баранг гулларга бурканиб, "Боғи эрам" мисоли ҳар бир кишининг баҳру-дилини очади.

Шаҳардаги 62 та маҳаллада 275 мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг фаровонлиги учун 90 гектар ер қўшимча даромад манбаи, томорқа сифатида ажратиб берилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қарши шаҳар кенгашининг амалий кўмаги билан мазкур ерларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш йўлида эътиборга молик ишлар қилинди. Ишлаб чиқилган Дастурнинг изчил жорий этилиши ҳисобига бараканинг бош булоғи сахо-



Суратда: Жаҳонгир Ражабов

вати ила эл-юрт тўкинлигига муносиб замин яратилмоқда.

- Шаҳардаги ҳар бир хонадон шароитини мукамал ўрганиш ҳисобига кўрсатилаётган ёрдам, ажратилган кредитлар, ўтказилаётган семинар-кенгашлар, асосийси маҳаллаларимиз фаолларининг саъйи ҳаракатлари билан ердан етарли фойдаланмаслик иллатига барҳам берилиб, ҳар бир ҳовлида томорқа-ер ободонлигига эришилмоқда. - дейди кенгаш бош мутахассиси Юлдуз Аллаева.

Масалан, "Арал" маҳалласидаги **Жаҳонгир Ражабов** хонадонига тўхталадиган бўлсак, замонавий иссиқхонада экилган бодринг агроилм асосларига таяниб парвариш қилиняпти. Улар маҳаллий меваларнинг сара навлари ҳамда субтропик экинлардан зайтун, банан, пальма каби дарахтлардан мўл ва сифатли ҳосил олишга эришмоқда.

- Шаҳарда томорқада фойдаланиш учун яроқли сув муаммо

бўлганлиги сабабли куз-қиш-баҳор мавсумидаги ёғингарчилик сувларидан захира тўплаймиз. Мазкур сувни органик чиқинди, биостимулятор ҳисобига таркибини бойитиб, томорқада суғоришнинг тўлиқ томчилатиш усулидан фойдаланамиз, - дейди Жаҳонгир. - Бу тупроқнинг табиий унумдорлигини ошириш билан бир қаторда ернинг иккиламчи шўрланишига барҳам беради. Пировардида мўл ва сифатли, экологик тоза маҳсулот етиштирилади. Яна бир муҳим жиҳати, органик ўғитларни етарлича қўллашимиз ҳисобига минерал ўғитлардан фойдаланишга ҳожат қолмайди.

Акмал Очилов "Нефтчи" маҳалласининг энг файзли хонадон со-



Суратда: Акмал Очилов

ҳиби ҳисобланади. 2 сотихлик иссиқхонада экилган банан, мандарин, зайтун, лимон, апельсин, 2 сотихли очиқ майдонга экилган турли хил сабзавотлар ҳавас қилса арзигулик. Боғда парваришланаётган 5 туп нок, 15 туп олма, 10 туп гилос, 5 туп шафтоли, 3 туп ўрик, 1 туп ёнғоқ, 9 туп ток сифатли шакл берилганлиги боис, ҳовлига алоҳида файз бағишлаб турибди.

- Қарамоғимизда 2 бош қорамол, 5 та ҳисори кўчқор, 50 та товуқ, 5 та курка бор. Уларнинг гўнгида Калифорния чувалчанги ёрдамида биоғимус тайёрлаймиз. Экинларимизнинг озукаси тўлиқ шу йўл билан яратилади. Ўз навбатида табиий мувозанат шаклланиши ҳисобига экинларнинг турли касалликлар билан зарарланиши-

нинг ҳам олди олинади. Томорқа - барақа булоғи. Ўз истеъмолимиздан ташқари, 50 миллион сўмдан ошириб даромад қиламиз, — дейди А.Очилов.

Малакали томорқачи барча уруғ ва кўчатларни ўзи етиштиради. Энг эътиборлиси, иссиқхонада ўсаётган бир туп дарахтнинг ўзида апельсин, лимон ва мандарин, ҳовлида эса бир туп дарахтда ҳар хил вақтда пишадиган олма ҳосил бериб турибди.

Шу маҳалладаги **Мухтарам Тўраева** хонадони ободлигига ҳавас қилса арзийди. Мавжуд 6 сотих томорқанинг 1 сотихли иссиқхонасида лимон, мандарин, апельсин экилган. Мазкур субтропик экинлар орасига экилган кўчатлар иссиқхона кўркига кўрк бериб турибди.

Ҳовлида 4 туп пальма, 4 туп хурмо, 15 туп олма, умуман олганда маҳаллий меваларнинг 70 туп камёб, номдор навлари парваришланиб, улардан ҳар мавсумда мўл ҳосил олинмоқда. Яшилликка бурканган 20 дан ортиқ тури экилган сабзавотлардан беихтиёр кўзингни узгинг келмайди. Албатта шунга яраша даромади ҳам бор.



Суратда: Мухтарам Тўраева

Юқори дид билан экилган энг сара тувак гулларининг авжи баяланд.

- Гул гўзаллик рамзи. Уйга муссаффолик бахш этувчи хона гуллари саломатлик манбаи ҳисобланади, - дейди Мухтарам опа. - Мен гулларни жойлаштиришда уларнинг биологик хусусиятларига ва ҳатто бурж бўйича хосиятли белгиларини ҳам ҳисобга оламан. Гул ва кўчатлар уруғларини ўзим етиштираман ва албатта яқинларимга улашаман.

Айтишларича, фаришталар эрта тонгда тозалик ва орасталикни севадиган хонадонини гулу раъноларга буркаб қўйган инсонларга бахтомад, ризқ-рўз, хайр-барақа улашаркан. Бу бор ҳақиқат. Шундай экан, ҳовлингиздаги ҳар қарич ердан самарали ва оқилона фойдаланишни ўрганинг. Зеро, барақа остонадан бошланади.

- Бизда илғор тажрибаларга кенг йўл очаётган, ишда янги технологияларни жорий этаётган тажрибали инсонлар кўп, - дейди Хонқа тумани фермерлар кенгаши раиси Хамза Жуманиёзов. - Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 14 октябрь куни Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Хоразмнинг деҳқонини бир эмас, икки марта қаҳрамон деса бўлади!", деган сўзлари вилоят миришкорлари меҳнатига муносиб баҳодир.

Бугунги кунда Хонқа туманида 872 та фермер хўжалиги бор. Уларнинг 572 таси кўп тармоқли. 2277 гектар ер майдони томорқа хўжаликларига бириктирилган бўлиб, у ерда қишлоқ аҳолиси ўзига керакли маҳсулот етиштириш билан бирга, ошиқчасини бозорда сотиб даромад кўрмоқда.

Хонқа туманида ҳар бир фермер, ҳар бир тадбиркор қишлоқлардаги камхарж оилаларни ўз

қарамоғига олган. Улар бунда оилаларни ер билан таъминлаб, муаммоларини ечишга ҳам эътибор қаратишмоқда. Масалан. "Ваисёз Қаҳра-

ТОМОРҚАЧИНИ ТАДБИРКОР ҚЎЛЛАМОҚДА



мон" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Маҳмудов туман ҳокимининг қарори асосида 10 та кам таъминланган оилага 10 сотихдан томорқа ер ажратиб берди.

"Хонқа Дон агро экспорт" МЧЖ раҳбари Равшанбек Жуманиёзов бошлаб берган юқоридаги ташаббус бугун кенг қулоч ёйди. Р. Жуманиёзов 25 гектар ерда мева маҳсулотлари етиштириш учун боғ ташкил қилди. Боғ қатор ораларига эса сабзавот маҳсулотлари экиб, юқори натижаларга эришиш кўзда тутилган. Бу йил шу боғнинг 5 гектари кам таъминланган 25 оиланинг ҳар бирига 20 сотихдан бўлиб берилди. 10 сотих ерига пиёз ва 10 сотих ерига саримсоқпиёз эккан бу оилалар ўз даромадларидан мамнун.

Равшанбек Жуманиёзов шу йил февраль ойида яна бир ҳайрли ишга қўл урди. Қишлоқдаги камхарж оилаларнинг қизу-жувонларини иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехини ишга туширди. Бу ерда ҳозир 15 нафар қиз либослар тикиб, ўз оиласига ёрдам бермоқда. Энг муҳими, улар тикаётган кийим-кечаклар харидорлиги билан ажралиб турибди.

ОБОДНИНГ НАМУНАЛИ ОИЛАСИ

Гурлан туманидаги Обод қишлоғида намунали хонадонлар кўп. Шулардан бири Гулимат ота Тажимуротов оиласи. Отахон Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тугатиб туманда қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаб нафақага чиқди. Ёшлигидан деҳқончиликка ихлос қўйди. Елкадоши, оиласининг бекаси Санобархон она Абдуллаева ҳам ҳалол меҳнати туфайли элда эъзоз топди, ҳисобчиликдан нафақага чиқди.

Уларнинг бир қиз ва уч ўғли ҳам эл корига яраб тинч, фаровон яшамоқдалар. Ўғилларининг каттаси Хушнуд Тажимуротов таълим соҳасининг фидойиси, Бунёд эса "Бунёд авлиё" фермер хўжалиги раҳбари, Динарахон ўқитувчи, Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилади. Оиланинг кичиги Ферузбек Тажимуротов ота-онаси билан бирга истиқомат қилади. Ферузбек отасининг сўзини икки қилмайди. Ота-бола маслаҳатлашиб 2013 йилда "Гурлан Табассум" оилавий корхона ташкил этишди.

- Муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир чиқишларини телевидения ва газета орқали кузатиб бораман, - дейди Гулимат ота. - Айниқса, қишлоқ хўжалигига, шаҳар ва қишлоқларни ривожлантиришга, эл фаровонлигини оширишга, хорижий давлатлар билан ҳамкорликлар кенгайтиришга катта эътибор қаратаётганликлари барчамизни қувонтирмоқда. Ўзим ҳам ўғил-қизларим ва невараларимга саодатли, тинч ва фаровон ҳаёт учун

курашиш ҳалол меҳнат қилишдан иборат эканлигини тинмай таъкидлайман. Онамнинг исмлари Норгул бўлиб, доимо томорқада экин экиш, мева етиштириш билан шуғулланарди. Самарқанддан олиб келиб эккан ёнғоқ дарахти ундан ёдгор бўлиб қолди. Мана бу ёнғоқлар эса шу дарахтнинг "болалари". Эккан-тикканинг авлодинга, меҳмонларинга, ҳашоротларга, қурт-қумурсқаларга ҳам ризқу-насиба бўлади. Билсангиз, бунинг савоби катта.

Оиладаги меҳнатсеварлик томорқа хўжалигига бўлган эътибордан ҳам маълум, албатта. Гулимат ота томорқасида ҳар йили оиласи учун помидор, картошка, пиёз, кўкатлар етиштиради, пишганда ўзлари ейди, ортиқчасини бозорга олиб бориб сотади, қўшниларга ҳам улашади. Олма, ўрик мевалари ҳам шу кичик томорқада бисёр. 6 нафар неvara эса ёз бўйи боғдан чиқмайди.

Хонадон келинлари Насиба, Лайло, Динарахонлар мактабда ёш авлодга сабоқ берадилар. Ишдан бўш вақт топди дегунча, томорқа хўжалигида шуғулланидилар, корхона ишига қарашдилар.

Оиланинг катта ўғли Хушнуд Тажимуротов янги, замонавий намунали уйда истиқомат қилади. Санобар она эса яна бир намунавий уй олмоқ илинжида. Янги уй-жойлардаги шароитлардан мамнун онахон бошқа фарзандлари ҳам шундай замонавий уйларда яшашини орзу қилаяпти.

Деҳқончилик, тадбиркорлик, зиё таратиш билан шуғулланаётган бу қутлуғ хонадонга бахт ва омад доимо ёр бўлиб қолишини тилаймиз.

Мафтуна СУЛТОНОВА,

Суратда: Гулимат ота келини Лайло Жонибекова ҳамда неваралари билан боғда.



ОТҚУЛОҚ (ЩАВЕЛЬ) – ТОШГА ДАРМОН

Отқулоқ энг эртанги сабзавот экини бўлганлиги учун у қадрлидир. Овқатга унинг ёш барги ва пояси хомлигида қайнатиб ва консерванланган ҳолда ишлатилади. Улардан турли таомлар пиширилади, пирогларга масаллик тайёрланади. Барги бошқа кўкатлар билан биргаликда овқат вақтида дастурхонга қўйилади.

Отқулоқнинг ёш баргида углеводлар, оқсил, олма ва лимон кислоталари, темир, калий, кальций, магний тузлари бор. Унинг таркибида С, В1, В2, РР ҳамда А провитамин кўп.

Қадимдан отқулоқ тиббиётда турли касалликларни даволашда қўлланилади. У ангина, қон тупуриш, милк яллиғланишида, дизентерия - ич кетишини тўхтатишда ҳамда сариқ касалларни даволашда қўлланилган. Янги барги иштаҳа очади, овқат ҳазм бўлиши яхшилайди, танани мустаҳкамлаш ва бошқа касалликларда ишлатилади. Отқулоқ жигар ва ўт қопи ишини яхшилайди, барги камқонликда ва юрак-қон томир касалликлариди ҳам жуда фойдалидир.

Буйрак ва сийдик йўллари, ўт қопи ва ўт йўллари тош касалликлари, подагра, сил касаллиги билан касалланган беморларга отқулоқни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Биологик хусусиятлари ва ўсиш шароитига талабчанлиги.

Отқулоқ - торондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Ўсимлик поясининг балиндлиги 1 м. гача етади, тик ўсувчи, бўғимли, юқори қисми шоҳланган. Илдизолди тўпбарглари ва поянинг пастки қисмидаги барглари узун бандли, учбурчаксимон ёки тухумсимон, асос қисми юраксимон. Поянинг юқори қисмидагилари майда бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва шоҳларидаги бўғимларда кетма-кет ўрнашган. Майда кўримсиз, оддий гулқўрғонли, 6 та тожбаргдан ташкил топган гуллари рўвак тўпгулига жойлашган. Меваси тухумсимон, уч қиррали, жигарранг ёнғоқча. Май ойидан бошлаб гуллайди ва меваси етилади.

Ўсимлик иккиуйли, четдан чангланади, совуққа чидамли, намсевар, сояга ҳам чидайди. Сув ўтказувчанлиги яхши бўлган унумдор тупроқларни хоҳлайди.

Навлари. Очиқ ерга экиш учун отқулоқнинг битта Россия селек-

циясига мансуб Широколиственный нави Давлат реестрига киритилган. У плёнка остида етиштириш учун ҳам тавсия қилинган.

Парвариш. Отқулоқ бир жойда 4-5 марта етиштирилади. Бунинг учун тупроқ яхшилаб тайёрланади. Экин ҳар йили янги жойга экилади. Шунда кўкат ҳосили ўсув даврида юқори бўлади.

Ўт босган участкаларда 2 ҳафта олдин тупроқ саёз юмшатилади, кузда тупроқ чуқур қайта чопилади. Чопишдан олдин 1м² ерга 5-6 кг



органик ўғит, 20 г. суперфосфат ва 15-20 г. калий тузи солинади. Баҳорда майдон тупроғи юмшатилади ҳамда 1 м² га 20 г. нордон олтингурт аммоний тузи солинади.

Отқулоқ уруғи 3 муддатда экилади: эрта баҳорда, ёзда ва кеч кузда, ноябрнинг охири - декабрнинг 10-санасигача, бунда совуқ тушгунча уруғи униши керак эмас. Ёзги муддатда экилганининг техник етилган ҳосили кучли совуқлар бошлангунга қадар йиғиштириб олиниши керак.

Уруғи икки ёки кўп қаторли лентасимон усулда экилади. Бунда қаторлар ораси 20 см. ёки ленталар ораси 50 см. бўлиши керак. Кўп ҳолларда фермер хўжаликлариди қаторлар ораси 60 ва 70 см эгатлар олинади ва пушта устига отқулоқ уруғи сочма қилиб экилади. Кейин пушта устидаги қатқалоқларни олдини олиш учун мульча қилиб чириган гўн сепиб қўйилади. Уруғни экиш чуқурлиги энгил тупроқ-

ларда 3-4 см ва оғир ерларда 0,5 см бўлади.

Уруғ 10-12 кундан кейин униб чиқади. Ўсимликда битта чин барг пайдо бўлган босқичда орасини 4-5 см қолдириб ниҳоллар яғана қилинади. Экинга кейинги ишлов беришда тупроқ 4-5 см чуқурликда юмшатилади ва бу ишлар ҳар суғориш ёки ёмғирдан кейин ўтказилади. Пайдо бўлган майда ўтлар чопилади, катталари юлиб ташланади. 1м² ерга 5-10 л сув қуйиб суғориб турилади.

Ўсимлик барги 8-10 см узунликда бўлганда май-июнь ойида кесиб олинади. Ёзда экилганинг барги кеч кузда кесилади. Кеч кузда экилганларининг барги кейинги йил май ойида кесиб олинади. Эрталаб вақтли ёки кечқурун ҳар 2-3 ҳафтада ҳосили терилади. 3-4 марта кесиб олинган баргларида консерва тайёрлашда фойдаланади. Полиэтилен халталарда совиткичда янги барглари 2-3 сутка давомида сақланади. Ўсимликни ҳосили териб олингандан кейин сув ёки шарбат билан озиқлантирилади. Вегетация даври тугашига 25 кун қолганда барглари кесиш тўхтатилади. Қишга ўсимликни мульчалаб қўйиш мақсадида 1м² ерга 3 кг компост сочиб қўйилади.

Иккинчи ва кейинги йилларда эрта баҳорда эгатлар бултурги баргларида тозаланади, ўтоқ қилинади, эгатусту ва қатор оралари юмшатилади. Кейин 1:5 нисбатда шарбат оқизиб озиқлантирилади.

Кўп йиллик участкаларда иккинчи йилдан бошлаб, ҳосилни кесиб олиш апрель ойининг охири, май бошларида бажарилади. Май ойи ўрталарида ўсимликда поя пайдо бўлаётганда улар илдиз тагигача кесилади, июнь ойида янги барглари ўсиб чиқади. Август-сентябрь ойларида барглари танлаб кесиб олинади, бўлмаса қишлашга нимжон ўсимликлар киради. Бир мавсумда отқулоқ ҳосилдорлиги 1м² дан 15-30. кг бўлади.

15-20 кун олдин отқулоқдан эрта ҳосил олиш учун уни плёнка остида ўстирилади. Эрта баҳорда далага кириш имконияти бўлиши билан дуга ўрнатилади ва устига плёнка тортилади. Ташқарига нисбатан плёнка остидаги ҳаво ҳарорати 3-4°С га юқори бўлади.

Б.АЗИМОВ,
профессор

РЎЗҒОРДАГИ КУЗГИ ЮМУШЛАР

ҲОВЛИНГИЗГА ОЛМА ЭКИНГ

Томорқага экиш учун тавсия этиладиган олма навлари: интенсив типдаги навлар - Беш юлдуз (Ред Делишес), Старкримсон, Фудзи; анъанавий навлар - Ренет, Самиренко, Голден Делишес, Розмарин, Джонатан, Тошкент Боровинкаси ва ҳ.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиш. Кўчатларни экишга тайёрлашда, аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6-10 кг гўнг (чиринди), 200-250 г фосфор, 100-120 г калий ва 150-200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25-30 см) ҳайдалади.

Олмани пайвандтағларига қараб экиш схемаси ўзгаради: кучли ўсувчи пайвандтағда - 6х5 м (суғориладиган бўз тупроқларда) ва 5х5 м (шағалли-қумли тупроқларда), ўрта бўйли пайвандтағда 5х4 м, паст бўйли пайвандтағда - 3х2,5 м (3 м - кўчат қаторлари орасидаги масофа, 2,5 м - кўчатлар орасидаги масофа). Олма кўчатларини экиш муддати кузда ноябрь ойига, эрта баҳорда эса февралнинг охири-март ойининг бошларига тўғри келади.



Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60х60 см бўлган чуқурчалар қовланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20-25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи томонига олиб қўйилади. Ўрага 350-400 г фосфор, 30-40 г калий ўғити ҳамда 8-10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатнинг пайванд қилинган жойи тупроқдан 4-5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Томорқа майдони 3 сотих бўлса, ушбу майдоннинг қуёш тушадиган, шарқдан жанубга қараган томонга олманинг ўрта бўйли эртаки, ўртаки ва кечки навларидан 2-3 тупдан экиш тавсия қилинади. Томорқа майдони 6 сотих бўлса, ярмага сабзавот, қолган қисмига эса мевали дарахтлар, 10 сотих бўлганда сабзавот учун майдон қолдириб, қолган каттароқ қисмига мевали кўчатларни жойлаштириш мумкин.

БЕҲИ — ТОМОРҚА КЎРКИ

Экиш учун тавсия этиладиган беҳи навлари: Изобильная, Самаркандская крупноплодная ва ҳ.к.

Кўчатларни экишга тайёрлаш ва экиш. Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади.

Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6-10 кг гўнг (чиринди), 200-250 г фосфор, 100-120 г калий ва 150-200 г аммонийли азот ўғити солиниб, чуқур (25-30 см) ҳайдалади.

Беҳи 3х3 м схемада кузда - ноябрь ойида, эрта баҳорда - февралнинг охири-март ойи бошларида экилади.



Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенглиги 60х60 см бўлган чуқурчалар қовланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмининг 20-25 см қатлами ўранинг бир томонига, қолган қисми иккинчи то-

монига олиб қўйилади.

Ўрага 350-400 г фосфор, 30-40 г калий ўғити ҳамда 8-10 кг чириган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади. Кўчатни экишдан олдиндан тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олиш лозим.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатни пайванд қилинган жойи тупроқдан 4-5 см юқорида қолиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўлатиб сув қуйилади. Шунда тупроқ зичланиб, ниҳол яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупроқнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Томорқа майдони 3 сотих бўлса, ушбу майдоннинг қуёш тушадиган, шарқдан жанубга қараган томонга беҳи навларидан 1-2 тупдан экиш тавсия қилинадики.

ҚОВОҚ ҚАЙНАТМАСИ — ТАНГА ДАРМОН

Қовоқ бўлак-бўлак қилиб майдаланади, уруғидан тазаланади, пўсти тарашланади, шундан сўнг 2-3 см узунликда ва эни 1 см. дан қилиб юпка тиликлар шаклида қирқилади. Тиликлар оҳакли сувга солиниб, 30 минут тутиб турилади. Сўнгра қайноқ сувда 5-10 дақиқа қайнатилади, кейин совуқ сувда совутилади.

Тайёрланган тиликлар қайнаб турган шакарли эритмага ташланади ва 5-6 соат давомида 3-4 марта қайнатилади. Сўнгги марта қайнатишнинг охирида 1 кг қовоққа 1 чойқошиқда 50 фоизли лимон кислотаси (қиёмлашиш олдини олиш учун) солинади ва тиликлар қорамтир-қаҳрабо тусини олганича қайнатилади. 1 кг. қовоққа 1 кг шакар ва 0,5 стакан сув зарур бўлади.



Оҳакли сув тайёрлаш учун 0,5 кг сўндирилган оҳакка 5 л совуқ сув қўшилади, аралаштирилади, 3-4 соат тутиб турилади ва қайнатма идишига доқа орқали қуйилади.

ОМБОРИНГИЗДА САҚЛАШ УЧУН:




ТУРП

Турпни узоқ муддат сақлаш учун ҳар бири ўртача 300-500 г келадиганлари танланади. Турп йиғиб олиншидан олдин баргини пичоқ билан кесиб, суви селгигач, қўлда суғориб олинади. Турп сақланадиган ўрани офтоб тушмайдиган, нам ерлардан қовлаш зарур. Турпни кундалик ишлатиб туриш учун ертўла ва шунга ўхшаш салқин жойларда полиэтилен қопларда сақлаш мумкин. Узоқ муддатда сақланиши учун ўрага кўмилади. Турп сақланадиган ўра эни 70, чуқурлиги 90-100 см бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага солинаётганда барг, ўт ва бошқа чиқиндилар, кўкатлар тушмаслиги керак. Ўра тўлишига 10 см қолганда устига 30 см қалинликда тупроқ ташланади ва икки томони нишаб қилиб текисланади.

ШОЛҒОМ

Шолғомни сақлаш турпникига ўхшаш, лекин нисбатан нозикроқ. Шу боис ўранинг эни 60-70, чуқурлиги 80-90 см, бўйи 1,5-2 м қилиб қовланади. Кўкларда ўра очилиб, шолғом сараланади ва захроқ хона ёки ертўлаларда кум остида сақланади. Хўраки лавлаги (қизилча) ҳам худди шолғом сингари сақланади.



КАРАМ

Карамни табиий шароитда чуқур ертўлаларда, биноларнинг соя-салқин томонларида уюм ҳолида, устига барглари эпиб қўйиб сақлаш мумкин.



ПОМИДОР

Помидорни бошқа сабзавотларга қараганда сақлаш анча мушкул. Шундай бўлсада, уни 2-3 ой сақлаш мумкин. Помидорнинг 40-70 г келадиган мевалари яхши сақланади. Таркибида сув миқдори кўп бўлган навларнинг меваси узоқ вақт сақланмайди. Помидор пўстининг қалинлиги, мағзининг қаттиқлиги ва ёрилишга чидамлилиги унинг сақланувчанлигини белгилайди.

Сақлаш учун тўлиқ шакланган оч кўк помидор банди билан терилади. Улар шикастланмаган, касаллик ва зараркунанда зарарламаган ҳамда унчалик кичик бўлмаслиги лозим.

Помидор турли хил пишиш даражасида - тўлиқ қизариб пишган, чала пишган (пуштиранг ва қизара бошлаган давр) ва оч кўк ҳамда кўк рангларга кирган вақтда териб олинади.

Помидор яшикларга солиниб сақланади. Қизил ранг помидорларни 30 кунгача, думбулларини 40-50 кун, кўкишларини эса 80 кунгача сақлаш мумкин. Тўла пишган помидор совитгичда сақланади.



ҚОВУН

Қовун пишиб етилганига қадар палаги қуримаган соғлом туллардан 3-4 см банди билан узиб қўйилади ва 5-10 кун сўлтиб, уринтирмасдан сақланадиган жойга олиб келинади.

Об-ҳаво шароитига қараб, сўкчакларга похол тўшаб бир қатор қилиб ёки қовгага бойлаб ёхуд тўр халталарга бандини пастга қилиб жойлаб, салқин шамол ўтиб турадиган хоналарда осиб сақланади. Сақлаш даврида уларнинг пишиб етилиши давом этади. Пишгани уч томонидан юмшаб боради.



ТАРВУЗ

Тарвузни сақлаш учун айнан пишганлари олинади. Тарвузда қовун ва қовоққа ўхшаб пишиш жараёни кузатилмайди. Шунинг учун сақлашга олинмаган тарвуз ўртамеёна пишган бўлиши керак. Тарвузнинг Қўзибой, Хаитқора, Гулистон каби кечки навлари сақлаш учун қўйилади.



ҚОВОҚ

Қовоқни сақлаш учун Испан-73, Қашқар-1644, Палав Каду-268 навлари тавсия этилади. Мўътадил сақлаш учун ҳавонинг ҳарорати 6-10 °С, нисбий намлиги 70-80% ҳисобланади. Испан қовоғи 6 ой, қолганлари 3 ойгача сақланади.

Полиэтилен экинлари сақланадиган хоналарни ёгингарчилик ва туман пайтида эпиб қўйиб, ортиқча намгарчиликдан муҳофазат қилиш керак.



25-26-бетлардаги материаллар «Аҳоли томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма» китобидан олинди.

ЕР ТИЛИНИ БИЛИШДА ХОСИЯТ КўП



Дақиқа, кун, ой, йиллар бир-бирини қувлаб ўтаверади. Аммо авлодларга эзгу ишлар, амаллар қолгусидир. Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани, Манғит ММТП ҳудудидаги Юсуфхўжа маҳалласи аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида 40 йилдан зиёд меҳнат қилиб танилган, бободехқон, Нурилло Яхшимуродовни хотирлаб, дуо қилишади.

У 1995 йилда "Юсуфхўжа" фермер хўжалигини ташкил қилиб, давр талаби билан қадам ташлаб, хўжаликни юксалтириш йўлида анча ишлар қилди. 2016 йилда бевақт касаллик туфайли вафот этгач, унинг бу хайрли ишларини ўғли Шавкат Яхшимуродов давом эттиряпти.

ТошДАУнинг Нукус филиалида гидромелиорация бўйича таҳсил олган Шавкат туман ерларининг иқлим ва топографик шароитларини яхши ўрганганлиги боис соҳа ишида қийинчилик сезмади. Бунинг устига, унинг болалиги қишлоқ далаларида отаси ёнида ўтди. Хўжаликнинг экин майдони 95,9 гектарни ташкил қилиб, ушбу ер майдонларига қишлоқ хўжалиги экинлари экиш структурасининг тўғри жойлаштирилиши натижасида пахта, буғдой, полиз, сабзавот, маккажўхори, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишга эришилмоқда.

— Экин ерининг қаттиқ ва майинлиги, қумлоқлиги ёки тошлоқ-

лигига нисбатан тўғри танланса, натижа ижобий бўлади, — дейди у.

Ўтган йиллар мобайнида шартномавий режаларини ўз вақтида ошиги билан уддалаб келган хўжалик жорий йилда 9 гектар ерга буғдой уруғи қадаб, режадаги 20 центнер ўрнига гектаридан 70 центнердан хирмон кўтаришди. 42 гектар ерга экилган пахта режаси эса 106 тонна, яъни ҳар гектарга 25 центнердан бўлиб, гектаридан 40 центнерлик марра эгалланди.

— Такрорий экинларга ўз вақтида эътибор қаратилганлиги сабабли мўл-ҳосил йиғмоқдамиз, — дейди илғор ишчи Дилбар Давлатова. — Муяссар Йўлдошева, Аразгул Халбаева каби теримчиларимиз пахта теримида ҳаммага ибрат бўлишди.

Тракторни бошқариб хўжалик оғирини енгил қилаётган Ҳамро Ўтаниёзов, Гулаҳмад Норимбетовлар ҳар бир ишда фермерга суянчиқ, кўмакчи. Пиллакор Гавҳар Матяқубова, Ҳамро Қутлимуродовлар ҳар йилги мавсумда барчага ўрнак

Ҳар йили улар 15 қути ипак қурти боқиб, салкам бир тоннадан пилла етиштиришади.

5 гектар боғда етиштирилган олма, беҳи, нок, узум ва бошқа сархил мевалар бозор расталарига чиқариб сотилмоқда.

Такрорий экилган 1 гектар сабзи, 1 гектар картошка, 1 гектар кунгабоқар, 1 гектар шоли, помидор, бодринг, пиёз каби турли экинлардан ҳам яхшигина ҳосил олинмоқда. Бундан хўжалик аъзоларига улуш ажратилганлиги сабабли йиғим-терим янада қизғин.

60 бош насли қорамол қаровини ўз қўлига олган Ўктам Яхшимуродов чорва наслини яхшилаш ва кўпайтириш, қишки озуқа базасини жамлаш ишларида бош-қош.

— Балиқчилик биз учун янги тармоқ ҳисобланади, — дейди фермер 20 сотих жойдаги сунъий ҳавзага назар ташлаб. — Бу ҳавзада ҳар йили 2,5 тонна балиқ етиштирилмоқда.

Отаси каби ишчан, фидойи йиғит бошқараётган хўжалик 2016 йилда юқори унумдорликка эришди. Умумий фойдаси 300 млн. сўмни соф фойда 130 млн. сўмни ташкил қилган хўжалик ўз фойдасига LS-100 ҳайдов ва чопиқ трактори сотиб олди.

Йилига 4-5 млн. сўм атрофида маблағ маҳалладаги камхарж оилаларга ажратиб берилади. Тумандаги тадбирларда фаол иштирок этиб, атроф-муҳит ободончилигига алоҳида эътибор берилаётир. 20 000 туп дарахт ниҳоллари яшнаб турибди, уларнинг 10 000 тупи тол дарахтлари. Буларнинг бари табиат тозалиги, орасталигини сақлаш учун олиб борилаётган хайрли ишлардан. Янгиликка ўч инсон янги режалар эшигини қоқаверади. Боғдаги меваларни йил бўйи сифатли сақлаш учун совитгич қуриб ишга тушириш ва харидоргир маҳсулотлар сонини кўпайтириш каби эзгу орзулар ёш фермернинг кўнглидаги саховат, умр йўлидаги манзиллар тароватини белгилайди.

Суратда: "Бу йил нок дарахтлари кўп мева қилди", дейди Шавкат Яхшимуродов.

Ўз мухбиримиз.

ОЙДИН ЙЎЛЛАР ЧОРЛАЙДИ



Суратда: Й.Гайбуллаев хўжаликнинг мош экилган далада.

Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманидаги Жангабазар ҚФЙ га ҳудудидаги "Султонёз Кегейлиши" фермер хўжалиги раҳбари Йилбай Гайбуллаев Нукус қишлоқ хўжалиги техникумини тугатган. Болалиги қишлоқ далаларида ўтганлиги боис деҳқончиликка ихлос қўйди.

2005 йилда ташкил қилинган хўжалик бугунга келиб тумanning илғор хўжаликлари қаторига қўшилди.

8 нафар ишчидан иборат хўжаликда мавсумда 30-40 дан зиёд ишчи-хизматчи дала ишларига жалб қилинади. Ўз меҳнати билан обрў-эътибор топган сувчилар Ерали Ўринбаев, Муратбай Байназаров, Адлбай Эгембергеновлар хўжаликдаги барча вазифаларни ўз вақтида удалаб келишяпти.

Замонавий техникага эга бўлган хўжалик механизаторлари Мелис Жўлдасов, Ўтемес Гайбуллаевларнинг барча агротехник тадбирларда узлуксиз иштирок этишлари сабабли хўжалик ишида самарадорликка эришилмоқда.

Ўтган 2016 йил 35 гектар ерга бугдой экиб, гектарига 35 центнердан ҳосил олинди.

Жорий йилда умумий ер майдонининг 33 гектарига ғалла экилди. Гектарига 40 центнердан ошириб ҳосил олинди. 50 гектар ерга экилган пахтадан режадаги 19 центнер ўрнига 35 центнер хирмон уюлди.

Экинларга ўз вақтида ишлов берилиши туфайли оралик ва такрорий экинлардан ҳам мўл ҳосил олинмоқда. Бу йил 2 гектар ерга мош, 1,5 гектар ерга сабзи, 1,5 гектарга пиёз, 0,5 гектар ерга саримсоқпиёз, 3 гектарга жўхори, 2 гектарга кунжут, 5 гектар ерга шоли экилган бўлиб, шу кунларда ҳосил йиғиш ишлари давом этмоқда.

— Ўтган йили умумий даромадимиз 100 млн. сўмдан ошди, — дейди Йилбай Гайбуллаев. — Олган фойда-мизга техникаларимизни таъмирлаймиз, оилаларимиз тўқинчилигини таъминлаймиз.

ҚФЙ раиси Жумағали Утеповнинг айтишича, фермер қишлоқдаги ва тумандаги сайил ва байрамларда, турли тадбирларни ўтказишда ўз ёрдами аямай келаяпти.

Ватанимиз истиқболи йўлида меҳнат жабҳасида ўз ўрнини топиб, тараққийимизга ўзларининг муносиб улушини қўшиб келатган бугунги мулкдорларимизни янги-янги мақсадлар, умидли ва раван йўллар ўзига чорламоқда. Бу ойдин йўлларда улар барака ва тўқинликка эга бўлаверсин.

АҲИЛ ЖАМОА ЮТУҚЛАРИ

Чимбой тумани марказидан 6 км йўл босиб, Қамишариқ Фуқаролар йиғинига қарашли "Жақсилиқ" фермер хўжалиги ерларига етиб келдик. Хўжалик раҳбари Женгесбай Пирниязовни шоли даласида учратдик.

— Бизнинг ерларимиз шоли экинига мос келади, қаранг бошоқлар олтин ранга кириб товланаяпти, энди ўроққа тушсак бўлади, — деди. Женгесбай биз билан танишиб олгач. — 10 гектар ерга экилган шолининг олтин бошоқлари бир текис ривожланган, ҳосил юқори бўлишига умид бор.

1993 йилда 97 гектар ерга илк бор уруғ қадаган хўжалик дастлаб пахта ва ғалла экиди. Кейинчалик кунгабоқар, жўхори, кунжут, сабзи, карам...

2016 йилда 40 гектар ерга пахта экиб, давлат режаси 25



центнер бўлгани ҳолда, ҳар гектаридан 30 центнерлик хирмон бунёд этилди.

5 гектар ерга экилган ғалладан режадаги 20 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олинди. Бу бал бонитети паст 45-50 атрофида бўлган, ариқ орқали суғориладиган шўрхок ерларда қутилганидан яхши натижа ҳисобланади.

Жорий йилда 40 гектар ерга экилган уруғлик пахтадан 36 центнердан ҳосил олинди.

— Бу йилги такрорий экинларимиз ҳосил ҳам яхши бўлди, ҳар бир қариш жойдан унумли фойдаланишимиз туфайли, хўжалик аъзоларининг эҳтиёжларини қондириши мақсадида йўл-далалар четларида ҳатто қовоқ, ловия етиштирдик, — дейди фермер.

Иш бошқарувчи Бақтбай Пирниязов тракторни бошқаришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Техника соз бўлса, иш зўр бўлади, — дейди Ўролбой Соипов. Улар дала ишларида хўжалик аъзолари оғирини енгил қилишяпти. Такрорий экинларни ўз вақтида экиш, парваришlash, агротехника тадбирларини олиб боришда жамоа аъзолари доимо ҳамжиҳат, ҳамфикр.

Сувчилар Саловат Жуманиёзов, Сафар Хажиевлар ўрим-йиғимда ҳам фаол иштирок этишади.

— Отам Жуманиёз Пирниёзов 45 йил далада ишлаган, ҳозир 82 ёшда, энг яқин маслаҳатчим, — дейди Женгесбай Пирниязов. — Далаларимиз атрофида қаровсиз, бўш, ўт босган жойлар бор, шу ерларни ўзлаштириб сунъий балиқ ҳавзаси ташкил қилмоқчимиз, янги дала шийпони қуриш, чорвачиликни ривожлантириш каби улкан режаларимиз бор. Бугуннинг замирида туғилаётган бу орзумидлар келажакдаги ривожланишларга асос бўлиб хизмат қилмоғи муқаррар.

Суратда: "Жақсилиқ" фермер хўжалиги раҳбари Женгесбай Пирниязов шоли даласида.

ЧИМБОЙНИНГ НАВҚИРОН ДЕҲҚОНИ

Сафаримиз Чимбой туманининг Қамишариқ қишлоғи бўйлаб давом қилди. Бу ердаги ерга меҳри баланд деҳқонларнинг бугуни билан танишишда давом этамиз.

— Қишлоғимиздаги кичкинагина мактабда бошланғич таълимни олдим. Мактабимиз ёнида 100 йиллик гужум дарахти тагида хаёл суриб, доимо ўзимнинг катта боғим бўлишини орзу қилардим, - дейди "Али байланиши" фермер хўжалигининг ёш ва изланувчан раҳбари Саламат Хўжамжаров.



Саламат шу қишлоқда туғилиб ўсди. Бутун умр алоқа соҳасида фаолият кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Моҳир алоқачи" тармоқ фахрий унвони соҳиби бўлган Қурамбай Хўжамжаровнинг фарзанди болалигидан кенг далалар, боғларга ҳавас қилиб ўсди ва Чимбой Механика-Иқтисод коллежида ўқиб, ҳисобчи касбига эга бўлди.

Алоқачилар фарзанди эмасми, 2005 йилда фермер хўжалигини тузиб "Али байланиши" деб номлади. Кенг қамровли иш олиб боришни кўзлаган йигит шу йили 19 гектар ерга пахта, ғалла уруғларини қадаб, йил сайин ҳосилдорлик ошишига эришди. Ер бонитети паст бўлса-да, вақтида берилган озиқа ва ишлов натижасида 2013 йилда пахтадан 40 центнердан ҳосил етиштирилди ва имтиёз асосида "Кобальт" автоуловини сотиб олди. 2014 йилда қишлоқ хўжалиги техникалари кўргазмасида иштирок этиб, Агробанк орқали кредитга ТТЗ-100 сурув ва чопиқ трактори сотиб олинди. Техникага бўлган эҳтиёж бартараф қилиниб, унумдорликка эришилди. Асосан, техникани фермернинг укалари Раҳат ва Аловаддин Жўлдасовлар бошқаради. Сувчиларга ўзи бош бўлган Саламат ҳар бир далада суғориш ишлари олиб борилишини доимо назорат қилади.

Уч йилдан буён пахта экилаёт-

ганда тажриба сифатида бегона ўтларга қарши стомп, гербицид дорилари сепилади.

2016 йилда 5 гектар ерга ғалла экиб, давлат режаси ортиғи билан бажарилиб, ортган ҳосил хўжалик аъзоларига тарқатилди. 25 гектар майдонга уруғлик пахта экилиб, 18 центнерлик режа ўрнига 32 центнердан ҳосил олинди.

2017 йил умумий 60 гектар экин майдонининг 25 гектарига уруғлик пахта, 4 гектарига ғалла экилди, натижа кутилганидан зиёда бўлди. Такрорий экинлардан 2 гектар ерга кунжут, 1 гектар ерга мош, 1 гектар ерга тарик, 10 гектар ерга шоли экилган бўлиб, йиғим-теримга барча куч сафарбар қилинди.

— 0,5 гектар ерда балиқчилик йўлга қўйилган, яна 0,5 гектар ерга эса узум экдик, дала четларига экилган қовоқлардан 3 тонна маҳсулот олдик, — дейди Қарабой ака ўғлининг ишларидан хурсанд ҳолда. — Бахт тинч-тотувлик, баракали меҳнат орқали келади. Бу имкон ва шароитларни яратиб берган Президентимизга, давлатимизга раҳмат. Сут, қатиқ, ёғ, гўшт, мева ва полиз маҳсулотлари ҳаммаси ўзимизда етиштирилади, бозордан ҳеч нарса сотиб олмаймиз, 5 бош со-

ғин сигиримиз, 4 бош хўкизимиз бор, келгусида чорва сонини оширишни кўзлаяпмиз. Қадимий қора ўтовларимизни кўринг, ёзда салқин, қишда иссиқ, ҳовлимизда эса мана нок, олмалар ҳосил бериб турибди.



30 йил алоқачи бўлиб ишлаб, нафақа гаштини сураётган Гулҳан опа Қаражонова ҳам фарзандининг ишларидан мамнун. У келинлари билан томорқа ишларида банд.

Меҳнатдан манфаат ва саодат топган бу азизлар билан сўхбагимиз жуда қизиқарли ўтди. Қуёш нурлари қайтаётган бир паллада уларга омад, мазмунли умр, толе тилаб изимизга қайтдик.

Суратларда: Қурамбай ака боғидаги ҳосилни кўздан кечирмоқда; Саламат Хўжамжаров 100 йиллик гужум ёнида.

Қўшсаҳифани Ш.Содиқова тайёрлади.

ЖИЗЗАХ ЭКОСАЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бутун мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг янада ривож топишида дастуруламал бўлмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида ҳам ушбу муҳим ҳужжатнинг ижросини таъминлаш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилипти.

Тўғри, Жиззах юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари сингари қадимий осори атиқалар, Тошкент каби музей ва бошқа диққатга сазовор масканларга бой ҳудуди эмас. Аммо ушбу воҳанинг ҳам кўз-кўз қилишга арзийдиган бетакрор ва мафтункор ўзига хос масканлари етарли. Осмонўпар тоғлар, мамлакатимиздаги энг катта қўл, қум барханли сахро, донғи етти иқлимга кетган ноз-неъматлар - буларнинг ҳаммаси Жиззахда муҳайё. Булар эса, ушбу ҳудудда сайёҳликнинг энг истиқболли йўналишларидан саналган экотуризмни муваффақият билан ривожлантириш учун имкониятлар эшигини катта очади.

Ўтган йили вилоятга 4 мингдан зиёд хорижлик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ уларнинг сони 3 мингдан ошиб кетди. Аҳамиятли жиҳати - хорижлик меҳмонларнинг аксарияти экотуризм ишқибозларидир. Сайёҳликнинг бу турини ривожлантириш борасида маълум қисми Нурота тоғ тизмаси бағрида жойлашган Фориш, тумани, Айдар-Арнасой қўллар тизимида ибратли ишлар қилинмоқда. Ушбу ҳудудлардаги мусаффо тоғ ҳавоси, яшилликка бурканган боғлар, мавжланиб ётган бепоён қўл, мазаси бол билан тенглашувчи майиз, ёнғоқ, тандир нон, айрон, қимиз каби ҳудудга хос миллий тансиқ таомлар хорижликлар таҳсинига сазовор бўлаётир.

- Шу пайтгача Форишда ўндан зиёд уй-меҳмонхона фаолият юритаётган эди. Бу йил уларнинг сони яна иккитага ошди. Уларда хорижлик меҳмонларнинг нозик талабига жавоб берадиган барча шароит яратилган, - дейди Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Жиззах вилояти бўйича вакили Лола Санаева. - Ухум, Асраф, Кўҳна Фориш қишлоқларида фаолият юритаётган 9 та шундай уй-меҳмонхоналарда ҳудуд билан танишишни истаган сайёҳлар учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

Вилоятнинг экотуристлик манзиллари рўйхатида Айдар-Арнасой қўллари ҳайвонот ва наботот оламининг ноёб турларини сақлаб келаётган ҳудуд сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Бу йил шундоққина қўл бўйидаги Қизилқум қишлоғида сайёҳларга хизмат кўрса-



Суратда: Айдар-Арнасой қўли соҳилидаги уй-меҳмонхона.

тишга йўналтирилган 20 ўринли кемпинг ва яна шунча сайёҳ дам олишига мўлжалланган ўтов-меҳмонхонанинг фойдаланишга топширилгани айтиш мумкин. "Оксус травел" корхонаси томонидан барпо этилган 1250 гектар, "Жиззахтоғконкимё" МЧЖга қарашли 573 гектар майдонга эга дам олиш ҳудудларида овчиликка ихлос қўйган сайёҳлар учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерларда мириқиб ҳордиқ чиқариш, Қизилқум биёбонининг ўзига хос табиати билан юзлашиш, тақиқланмаган паррандаю-даррандаларни овлаш чет эллик меҳмонларга завқ-шавқ бағишламоқда.

- Айтиб ўтилган ишларни ҳаётга татбиқ қилишда маҳаллий тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда, - дея сўзида давом этади Л.Санаева. - Ишбилармонлар соҳанинг ривожини йўлида мамлакатимизнинг етакчи туроператорлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли лойиҳаларга дадиллик билан бош қўшишяпти. Ушбу лойиҳаларда сайёҳлик манзилларини кенгайтириш, меҳмонларга намунали хизмат кўрсатишдан тортиб, атроф-муҳит ва табиатни асрашгача бўлган жиҳатлар акс этган. Уларни амалга оширишга бағишланган анжуманлар ўтказилиб, уй-меҳмонхоналар эгалари, йўлбош-

ловчиларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилмоқда.

Экотуризм сайёҳликнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, унча мураккаб бўлмаган, катта харажат талаб этмайдиган, аммо тўғри йўлга қўйилса, мўмай даромад келтирадиган йўналиши ҳисобланади. Бунинг устига экосайёҳлар оқимининг ошиши чекка ҳудудлар аҳли фаровонлиги ошишига ҳам ижобий таъсир ўтказаяди. Сайёҳликнинг бу йўналиши шунингдек, Ўзбекистон замани, унинг заҳматкаш халқи, табиати ва иқлими ҳақида хорижлик меҳмонлар тасаввурини бойитувчи беминнат восита ҳамдир. Айнан шу жиҳат ҳисобга олиниб, Жиззах вилоятида 2017-2021 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат асосида жорий йилнинг ўзидаёқ иккита меҳмонхона, шунча санаторий, 10 дан ортиқ уй-меҳмонхоналар ишга туширилгани, Зомин, Бахмал, Янгиобод сингари туманларда ҳам янги-янги туристик йўналишларнинг очилаётгани аҳамиятлидир.

Х. КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.



Суратда: Фориш тоғларида яйраётган архарлар.

УЧКЎПРИКЛИК МИРИШКОР

Фаргона вилояти аҳолиси азал-азалдан ўзининг боғбон ва тадбиркор деҳқонлари билан танилиб келган. Ҳозирги кунда ҳам улар ушбу анъанани давом эттириб келишмоқда. Учкўприк ҳудудига кириб борар эканмиз, туманнинг чирой очиб кўркига кўрк қўшилиб бораётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Ям-яшил тус олган бугдой майсалари киши кўнглини қувнатади. Бир тарафда оппоқ пахтазор, ундаги теримчилар кўзга ташланади. Эндигина терим жараёни бошланаётган пайти пахта майдони четида турган кишилар олдида бориб, уларни суҳбатга чорладик.



- Бу экин майдонлари "Муҳаммад, Мурод, Мўмин замини" фермер хўжалигига қарашли, - деб таништирди туман фермерлар кенгаши раиси Аҳмаджон ака Якубов. - Туманнимизда 5290 гектар экин майдони пахтазорлардан иборат. Айни дамда режадаги 16 240 тонналик оқ олтинни йиғиб-териш ишлари қизгин бормоқда. Суҳбатимиз шу аснода кечар экан, суҳбатимизга хўжалик раҳбари Дилфуза Низомова ҳам келиб қўшилди. Опа билан кўришиб, уларнинг қишлоқ хўжалигига қай тарзда кириб келганликлари билан қизиқдик.

- 1968 йил Турфоқ қишлоғида зиёли оиласида туғилганман, - деб сўз бошлади Дилфуза опа. - Онам Шаҳзодахон Султонова гарчи тиббиёт ходимаси бўлсалар-да, агроном аёлларга ҳавас билан қараган. Уларнинг керза этикда, оқ халат кийиб ўсимликларни кузатиши уларга қандайдир завқ берар экан. Шунинг учун бўлса керак мени "Сен агроном бўласан" дердилар. Мана шу истак мени четлаб ўтмади. Болалигимдан қишлоқ хўжалигига меҳр қўйдим. 1986-1991 йиллар Андижон Пахтачилик институтининг агрономия факультетини тамомлаб, агроном мутахассислигига эга бўлдим. Ўзбекистон Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтига қарашли Қўқон таянч пунктида илмий ходим бўлиб ишладим. Биринчи Президентимизнинг фермер хўжаликларини ташкил этиш борасида олиб борган

саъй-ҳаракатлари мени ҳам фермер бўлишга ундади ва 2005 йил Боғдод туманининг чўл ҳудудидан 20 гектар ер олишга муваффақ бўлдик. Экин майдонлари шўрхок ва бегона ўт-ўланлар билан қопланган экан. Ишни аввало ариқ, зовурларни тозалашдан бошладик. Биласизми, ўша пайтларда озгина меҳнат билан сув чиқарса бўладиган майдонларга ҳам ички насослар ўрнатилаверган экан. Биз ички насосни олиб ташлаб Катта Фарғона каналдан тўғридан-тўғри зовур орқали сув келтиришга муваффақ бўлдик. Ҳозирда бу зовурни у ердаги аҳоли қизимиз Ферузанинг номи билан аташади. 2008 йил туманнимиз ҳудудидан 50 гектар ер олиб фермер хўжалигимизни кенгайттирдик. Ўша пайтларда ҳосилдор ерлар жуда кам қолган эди. Хўжасизлик, қаровсизлик натижасида экин майдонлари ўз ҳосилдорлигини йўқотиб бораётган эди. Собиқ Мирзахмад Деҳқонов номли ширкат хўжалиги ҳам бундан мустасно эмасди. Ерга кўрсатилган меҳр ва мурувват натижасини жуда тез беради. Керакли миқдорда маҳаллий ўғитнинг берилиши ва алмашлаб экиш ҳосилдорликнинг тез суръатларда ошиб боришини таъминлади. Жорий йилда 28,2 гектар майдонга галланинг "Грация" навини экиб, ҳар гектаридан давлатга сотиш учун режалаштирган 41 центнер ўрнига 57 центнердан ҳосил кўтардик. 20,7 гектар майдонга уруғлик пахтаининг "Султон" навини эдик. Ҳар гектар

майдондан 38,5 центнердан ҳосил олиш учун шартнома тузган бўлсак-да, 40 центнердан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Ҳозирда пахта майдонларимизга келгуси йил ҳосили учун галлани экиб ўғитлаш ишларини олиб бораёпмиз. Албатта ушбу ишларни амалга оширишда 19 нафар доимий ишчиларимизга бош бўлиб келаётган турмуш ўртоғим Мўминжон ака Низомовнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда.

- 20 йил Қўқон автоўл коллежиде меҳнат қилган бўлсам-да, доим аёлим Дилфузахон билан бамаслаҳат иш олиб бориб, қийинчиликларни биргаликда енгишга ҳаракат қилдик, - дейди Мўминжон ака. - Хўжалигимиз ишчилари оилавий шароитларини ўрганиб, уларни қийнаётган муаммоларни бар тараф этиш учун қўлдан келганича ёрдам берамиз. Рўзгорингиз бут бўлса ишингизда унум бўлади. Шунинг учун ишчиларимизни ойлик маошлари билан вақтида таъминлашга ҳаракат қиламиз. Такрорий экиндан ва режадан ортган галладан берамиз. Хўжалигимиз аъзолари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳосилдорликни янада ошириш борасида биргаликда қўшимча насли чорвачиликни йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Суратда: (чандан) фермер Дилфузахон Низомова ва Мўминжон Низомов пахта даласида.

К.ЭРГАШЕВ.

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Мамлакатимизда самарали, экологик хавфсиз усуллари қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва сақлаб қолишга қаратилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишнинг ягона тизими яратилган.

Маълумотларга қараганда ер юзиде етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача 34 фоизи турли касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтларнинг етказган зарари туфайли нобуд бўлаётганлиги боис, экинлар ҳимояси, хусусан биологик ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалигида асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятидаги қатор биологическая лаборатория ходимлари қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Бу борада Жарқўрғон туманидаги "Шухрат" медали соҳибаси Ойсара Сатторова раҳбарлигидаги "Ситатрога трихограмма" биологическая лабораторияси жамоасининг фидокорона меҳнати диққатга сазовор.

Ойсара опанинг касби олим-агроном, умр йўлдоши Адҳам билан Андижон қишлоқ хўжалиги институтини бирга тугатгандан буён биологическая лабораторияда ишлаб, эл-юрт тўқинлиги йўлида меҳнат қилиб келмоқда. Аҳил жамоа аъзолари сифатли трихограмма, бракон ва олтинкўз етиштириш бўйича зиммаларидаги режани 120% дан ошириб бажариб, яхши натижа кўрсатишга эришдилар.

Ишончли ҳимоя маскани раҳбари ўз касбининг устаси бўлгани боис тасдиқланган Дастур бўйича хизмат кўрсатиладиган пахта, ғалла экинларининг ҳар 50-80 гектарига биттадан назоратчи тайинланиб белгиланган тартибда иш олиб борилмоқда. Назоратчини танлашда биринчи навбатда мутахассислиги агроном, иккинчидан узоқ муддат назоратчи бўлиб ишлаганлигига эътибор қаратилиб, биологическая лаборатория мудири, назоратчи, ва фермер хўжалиги ўртасида шартнома имзоланади.

- Биомасулотни тарқатишда даланинг зараркунанда билан зарарланиш даражасига ҳудудга бириктирилган агроном билан тузилган далолатномага асосан маҳсулотнинг тури, миқдори бўйича белгиланган маълумотга биноан ўтказилади. Назоратчи 2-3 кун ўтгандан


сўнг далани қайта кузатиб, самардорлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Даланинг ҳолатига қараб 2-3 кун оралатиб биомасулотларнинг қўйилиши яна такрорланади, — дейди, Ойсара Сатторова. — Туман агроҳимоя бўлими билан тузилган шартномага таянган ҳолда фаолият кўрсатамиз. Ҳар 500 гектарга бириктирилган 1 нафар ҳудудий агроном-энтомолог билан доимий алоқада бўламиз.

Биологическая санитар талабларга жавоб берадиган бино, асбоб-ускуналар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича махсус маълумотга эга мутахассислар, лаборантлар ва ишчилар билан таъминланган. Мавсумда зарур озика маҳсулотлари (арпа, мева, ун, макка дони, шакар ва бошқалар) билан етарлича таъминлангани қолаверса, унинг захираси яратилгани боис, таъминотда узилишлар кузатилмади.

— Технологик жараёнларга риоя қилган ҳолда етиштирилаётган биомасулотларимиз зарур ва тегишли сифат талабларига жавоб беради. Қўллашга тайёр биомасулотларни уларнинг турларига боғлиқ ҳолда етказиб бериш ва қўллаш вақтида ҳаётчанлигини йўқотмайдиган идишларга жойлаб ташилади ва албатта, маҳсулотларнинг номи, ишлаб чиқариш тартиб рақами, ишлаб чиқарилган куни ҳамда миқдори кўрсатилади, — дейди тажрибали мудира. — Биомасулотлардан айниқса трихограммани тўғри ва самарали қўллаш учун феромон тутқичларидан кенг фойдаланишни ташкиллаштириш зарур ҳисобланади.

Биобарин, ҳар 2 гектарга 1 донадан феромон тутқич қўйилиши, унга бир суткада 2-3 тадан капалак тушгандан сўнг 4-5 кун ўтказиб, гектарига 1 граммдан 3 маротаба 4-5 кун оралатиб трихограммани 5х5 метр оралиқда 1 гектарда 400 нуқтадан тарқатилишини таъминлаш лозим бўлади.

Кўсак қуртининг ўрта ва катта ёшдагиларига қарши бракон энтомофаги дала назоратчилари маълумотларига биноан зараркунанданинг ҳар бир авлодига қарши 3 мар-



Суратда: "Шухрат" медали соҳибаси О. Сатторова

тадан 4-5 кун оралатиб, биринчи марта 1:20, иккинчи қўйишда 1:10 ва учинчи марта 1:5 нисбатда тарқатилади.

Бракон кўсак қуртининг зичлигини ҳисобга олган ҳолда қўйилади. Масалан, 100 та ўсимликда 5 тадан кўрт бўлса, бир гектарда 5000 дона бўлади. Бунда 1:20 нисбатда 250 дона бракон, 1:10 нисбатда 500 дона, 1:5 бўлганда 1000 дона бракон қўйилади;

Бракон энтомофаги 3 литрлик банкаларда бир гектарга етадиган миқдорда олинади. Ҳар гектар оралиғида 3-4 минут банка оғзи очилган ҳолда ушлаб турилади.

Шира битлари, трипс ва ўргимчакканага қарши олтинкўз энтомофаги апрель ойидан дала четларига ҳар 10 метр оралиқда ва ҳимоя ғалла майдонларига 50х50 метр оралиқда гектарига 500 дона ҳисобида тарқатилади.

Ғўзадаги сўрувчи зараркунандалар (ўргимчаккана, трипс, шира битлари)га қарши олтинкўз зараркунандалар сонига қараб 1:10 ёки 1:20 нисбатларда қўйилади.

Биомасулотлар қўлланилгандан кейин икки нухада далолатнома тузилади, бир нухаси фермер хўжалигида ва бир нухаси биологическая лабораторияда сақланади.

Ўсимликларни биологическая усулда ҳимоя қилиш самардорлиги юқорида кўрсатилгани каби бир қатор омилларга боғлиқ. Демак, биологическая ҳимоя қилиш тизимида ҳақиқий соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш лозим бўлади. Акс ҳолда, бу борада етарлича ишлаб чиқариш самардорлигига эришиб бўлмади. Шундай экан, ишончли, ҳар томонлама фойдали бўлган биологическая усулдан янада кенгроқ фойдаланиш, унинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш устида бош қотиришимиз, амалиётга кенгроқ жорий этилишига эришишимиз айна муддао.

Ўз мухбиримиз.

КЕЛАЖАККА КАСБ БИЛАН

Давлатимиз раҳбари муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг 2 майдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори ҳамда 18 майдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги фармойишида меҳнат бозорининг талабларига мос, юқори маънавий кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, бу борада илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш каби долзарб тадбирлар тизимда ишлаётган ҳар бир раҳбар ва педагог ходимга катта масъулият юклайди.



Суратда: коллеж механизация бўлими йўриқчиси Овулов Акбар (ўртада) амалий машғулот даврида

Бу борада Қарши агробизнес ва тадбиркорлик коллежида келгусида иқтидорли ўқувчиларни жамлаш, фан ўқитувчиларининг сифат таркибини юқори маънавий кадрлар билан тўлдириш мақсадида Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодий институти каби олий таълим муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳамда таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, янгиланган ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар билан таъминлаш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар асосидаги тизим шакллантирилди.

Шундан келиб чиқиб, биринчи навбатда 2017-2018 ўқув йили учун коллежнинг қабул параметрлари шакллантирилиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тармоқларининг ривожланиши ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини инобатга олган ҳолда жорий ўқув йилида 10 та — қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш, гидромелиорация, суғориладиган ерлар мелиоратив тизимлари техниги, гидротехник иншоотлар ва насос станцияларидан фойдаланиш техниги, компьютер инжинеринг техниги, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник механиги, атранспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш техниги ва бухгалтерия йўналишларда 1653 ўқувчи касб-хунар эгалламоқда.

— Эндиликда коллежда ўз салоҳиятига эга бўлган, етарли малака ва тажриба тўплаган, ўз ишининг ҳақиқий устаси, талабчан раҳбар ҳамда моҳир педагоғларимиз ватан шаънини янада улуғлаб, ўз фаолиятлари давомида таълим-тарбия жараёнини тобора такомиллаштириш борасида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар, — дейди коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Зафар Қобилов. — Биз бугунги кунда Алиқулов Фулом, Нормаматова Манзура, Худойбердиева Гўзал, Йўлдошев Хушмурод каби фидойи,

билимдон устозларимиз билан билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Коллеж битирувчилари учун ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркалари ташкил этиш ва кўرғазма натижаларига кўра ташкилот ва корхоналарга йўлланмалар бериш анъанага айланган.

2017 йилдан бошлаб битирувчилар учун имтиёзли кредит маблағлари ажратиш асосида иш ўринлари яратиш йўлга қўйилди.

Илм даргоҳида ўқувчилар даволатини яхшилаш, бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида коллеж директори раҳбарлигидаги гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, "Фарзандларини таълим олишида ота-оналарнинг вазибалари" мавзусида ота-оналар иштироки бўладиган очиқ мулоқотларда фарзандларининг таълим олиши ва касб-хунар эгаллашларида ота-оналарга мажбуриятлари ҳамда бу борада масъулиятсизликка йўл қўйиш оқибатида юз бераётган салбий ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Таълим масканида ўқувчиларга ахборот-ресурс марказининг умумий китоб фонди 23 270 дона бўлган кутубхона наъмунали хизмат кўрсатмоқда.

Ёшларни жисмонан бақувват қилиб вояга етказиш бўйича 7 та спорт тўғарақлари мунтазам ишлаб турганлиги боис, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўтказилаётган мусобоқаларда ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида ҳозирги кунда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, соҳани ривожлантириш бўйича кенг қамровли тадбирлар жадал амалга оширилаёптики, таълим муассасасида фаолият кўрсатётган ҳар бир ходимдан ҳақиқий фидойилик хислатларини намоён қилишларини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗНИНГ ЖАҲОН КОЛЛЕКЦИЯСИ - ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИ ВА КЕЛАЖАГИ

Achievements of selection and other theoretical researches on a cotton not only in our country, but also are on a global scale caused by presence of genetic resources. Use of genetic potential of wild and semi wild kinds of the cotton generated at different stages of evolution and being sources of unique signs and properties, have important role in creation of varieties with a complex of economic-valuable signs.

Ҳозирги даврда дунё миқёсида рўй бераётган глобал ўзгаришлар ўзининг юксак тараққиётга олиб келаётган ижобий натижалари билан бирга табиий жараён ва ҳодисаларда салбий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Бу эса ўз навбатида яна табиатга мурожаат қилишни, ундан оқилона фойдаланиш, табиат бойликларини асраб-авайлаш ва ўрганишни талаб қилади. Олимларнинг баҳолашича, ўтган аср давомида дунё озиқ-овқат экинлари хилма-хиллигининг ярмидан кўпи қўлдан бой берилди. Ёввойи табиатни сақлаш Бутунжаҳон фонди (WWF) маълумотига кўра, 1970-2007 йиллар давомида турлар хилма-хиллиги сайёрамиз миқёсида 30% га, тропик минтақаларда эса 60% га камайган [5].

Ўсимликлар дунёси ҳар қандай тараққиёт даврида инсониятнинг турли эҳтиёжларини қондириб келган. Бунинг учун бугунги кунда турли хусусиятлар, ноёб белгиларга эга бўлган ўсимлик шакллари излаб топиш ва сақлаш, улардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш борасида халқаро дастурлар амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида ўсимлик тур ва хиллари, биотиплари ва бошқа шаклларида ташкил топган жамланма (коллекция)лар фаолият кўрсатади. Бундай жамланмаларни ташкил қилишдан асосий мақсад келажакда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай экологик ёки техноген фалокат, шунингдек бошқа глобал бахтсиз ҳодисалар ҳолатида ўсимлик турларининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш, уруғларнинг ҳаётчанлигини махсус шароитларда сақлаш, табиий ва сунъий эволюция жараёнида пайдо бўлган шакллари бир жойда йиғиш, ўрганиш, улардан амалий ва фундаментал фанлар тармоғида фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Жаҳонда фаолият кўрсатаётган уруғ омборларининг энг маҳобатлиси Норвегиянинг Шпицберген

худудида (2008 й.), шимолий кутбдан 1125 км масофада жойлашган. Қишлоқ хўжалик экинларининг 4,5 млн. уруғ намунасини сақлашга ихтисослашган бу йирик криобанк - ўзига хос гигант музлатгич экологик ёки техноген фалокат, шунингдек бошқа глобал бахтсиз ҳодисалар рўй берганда ўсимлик турларининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсадида ишга туширилган. Донор давлатлар ўз генбанкларидаги уруғларнинг дубликати ушбу криобанкка 10 минг йилгача муддатга сақлаш учун беришлари мумкин. Ҳозирги кунда унда сақланаётган қишлоқ хўжалик экинларининг сони 740 минг турдан ошди.

Ғарбий Суссекс (Буюк Британия)да "Минг йиллик уруғ банки" (Millennium Seed Bank) деб номланган уруғ намуналари омбори мавжуд. Бу ерда барча маълум ўсимлик турларининг 10 фоизи сақланади.

Ҳиндистоннинг Ғўза тадқиқотлари бўйича марказий институтидаги (CICR, Nagpur) — Миллий Ғўза Ген Банкида ғўзанин 49 турига мансуб ўн мингга яқин намуналари мўътадил шароитларда сақланмоқда [4].

Хитойда бошқа экин турлари билан бирга ғўза намуналари ҳам энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган Миллий Генофондда жамланган бўлиб, бу коллекцияда қишлоқ хўжалик экинларининг 350 мингга яқин намуналари — 18°C ҳароратда сақланади.

Ўсимлик турларининг бойлиги бўйича хилма-хиллиги АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Россия генбанклари етакчи ўринларда туради. Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган Бутунроссия Ўсимлик-шунослик институтидаги ўсимлик турлари жамланмаси экспертлар томонидан 8 триллион АҚШ доллари қийматида баҳоланган [1].

Ўзбекистонда ягона бўлган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қошидаги ғўза-

нинг жаҳон коллекциясида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан йиғилган ёввойи, яримёввойи шакллар, дурагайлар, тизмалар ва навлардан ташкил топган 12000 дан ортиқ намуналари сақланади. Бу намуналарнинг кўпчилиги АҚШ, Мексика, Ҳиндистон, Хитой, Австралия, Туркменистон, Тожикистон, Миср, Бразилия, Исроил, Перу, Покистон, Африка мамлакатлари ва Эрондан келтирилган.

Ғўза коллекциясида 300 га яқин ёввойи ва яримёввойи намуналар мавжуд. Ушбу намуналар "Фитотрон" иссиқхона мажмуида парвариш қилинади. Коллекцияда бир қатор хусусиятлари билан диққатга сазовор бўлган 100 га яқин рангли (малла, қўнғир, яшил, новотранг ва бошқ.) толали маҳаллий ва хориж селекциясига мансуб намуналар мавжуд.

Ушбу коллекцияни ташкил этишда 1920 йилдан бошлаб жуда кўплаб олимларнинг дунёнинг турли минтақаларига уюштирилган экспедициялари муҳим рол ўйнаган.

Пахтачилик бўйича тадқиқот олиб бораётган барча ташкилотлар, жумладан, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари ва селекционерлари ПСУЕАИТИ ғўза коллекциясидан ўз илмий тадқиқотларида ва ўқув-илмий фаолиятларида фойдаланиб келмоқдалар.

Кўпгина ўсимлик уруғларини сақлаш шароити идеал бўлганда юзлаб йиллар давомида сақлаш мумкин. Кўпчилик тур ўсимликлар уруғи учун ҳавонинг нисбий намлиги 15%, ҳарорат 20°C ёки бундан паст, кислород миқдори кам, ёруғлик тушмайдиган шароит идеал

ҳисобланади. Бунда сақланаётган уруғларнинг намлиги 4-6% ни ташкил этиши лозим.

Республикаимизнинг бир қатор илмий муассасалари қошида мавжуд бўлган турли ўсимликлар коллекциялари асосан қисқа муддатли сақлаш шароитларига эга. Фақат Ўзбекистон Ўсимликшунослик ИТИда турли экин турлари бўйича ўрта муддатли сақлаш шароитига эга бўлган генбанк фаолият кўрсатади. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошидаги гўзанинг жаҳон коллекцияси сақланадиган бинолар эса қисқа муддатли сақлаш шароитларига эга.

Мамлакатимизнинг нодир бойлиги бўлган бундай жамланмалардаги намуналарни ҳар томонлама ўрганиш, фойдаланиш, уларни сақлаш шароитларини яхшилаш ва жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш бугунги кундаги долзарб масаладир. Зеро, гўза коллекцияси — пахтачилик тарихи ва келажagini ўзида акс эттирувчи ноёб объектдир.

Х.САЙДАЛИЕВ,
қ.х.ф.д., проф.

М.ХАЛИКОВА,
қ.х.ф.д., к.и.х.,

Т.СЕЙТНАЗАРОВА,
Ж.МАХМАТКУЛОВ,

Н.АЛИЯРОВ,

Қ.ЖЎРАЕВ,
кичик илмий ходимлар,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Гончаров Н.П. Николай Иванович Вавилов. -Новосибирск, 2014. -С.34-50.
2. Сайдалиев Х. Мировая коллекция Узбекского научно-исследовательского института селекции и семеноводства хлопчатника. //Узбекский биологический журнал. -Ташкент, 2006. - №4. -С.79-82.
3. Состояние всемирных генетических ресурсов животных в сфере продовольствия и сельского хозяйства / ФАО, 2010. ВИЖРАСХН, 2010. Москва /Перевод с англ. ФАО. 2007. The State of the World's Animal Genetic Resources for Food and Agriculture, edited by Barbara Rischkowsky&Dafydd Pilling. Rome.
4. Rajendran T.P., Jain K.C. Achievements in cotton research. CICR Regional station, Coimbatore, Tamil Nadu-641 003. - 2004. - PP.104.
5. <http://wikipedia.org/genep>

ГўЗА УРУҒЧИЛИГИ ФИДОЙИСИ



Юртимизда ўзининг онгли ҳаётини илм-фан ривожига бахш этиб келаётган олимлар кўп. Ана шулардан бири, узоқ йиллардан буён гўза селекцияси ва уруғчилиги бўйича изланишлар олиб бораётган уруғчи-олим, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Абдуҳаким Аширкуловдир.

У 1957 йилнинг 25 октябрь куни Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги "Сарюзи" қишлоғида дунёга келди. Ўрта мактабнинг 8 синфини битириш арафасида Абдуҳакимни ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасига бригадир этиб тайинлашади ва бу унинг келгусида қишлоқ хўжалиги соҳасини танлашига сабаб бўлади.

Ёш Абдуҳакимнинг тиришқоқчилиги, бошлаган ишини охирига етказмагунча тиниб-тинчимаслигини кўрган хўжалик раҳбарлари 1975 йили уни хўжалик ҳисобидан имтиёзли равишда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга юборишади. Абдуҳаким 1980 йили институтни аъло баҳоларга битириб, Бекободга қайтди. Лекин илм-фанга бўлган интилиш ва меҳр унга тинчлик бермади. Шу боис, 1983 йили собиқ иттифоқ Гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, 1986 йили уни муваффақиятли битирди. Орадан уч йил ўтгач эса номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Олимнинг 1992-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида академик Остон Жалилов раҳбарлигидаги илмий фаолияти жуда самарали бўлди. У бу илмий даргоҳда янги гўза навларини яратиш билан бирга, уларни республикаимизнинг турли ҳудудларига районлаштириш бўйича меҳнат қилди.

1996 йили Абдуҳаким акани Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Уруғчилик бошқармасининг Пахта уруғчилиги бўлимига бош мутахассис лавозимига ишга таклиф этишди. 2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, вазирлик ҳузурида Гўза уруғчилиги республика маркази ташкил этилди. Айни пайтда А. Аширкулов ушбу марказда илмий изланишлар билан банд. Мамлакатимиз Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш борасидаги фармон, қарор ҳамда буйруқлари ва Давлат дастурлари ижросини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Олимнинг бутун илмий ва жамоатчилик фаолияти республикаимиз қишлоқ хўжалигини, хусусан, гўза уруғчилиги соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилган. Шу боис уни кўпчилик соҳа жонкуяри сифатида яхши билишади ва ҳурмат қилади. У 2012 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги юбилей кўкрак нишони ҳамда вазирлик Фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Беш нафар фарзанднинг отаси, тўрт неваранинг бобоси бўлган оилапарвар инсон. Унинг фарзандлари турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳиссаларини кўшиб келишяпти.

Биз бугун табаррук 60 ёшини кутиб олаётган Абдуҳаким Аширкуловга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва хотиржамлик, илмий ва жамоат ишларига улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Гўза уруғчилиги республика маркази жамоаси

"ОЛМОС" ҲАМДА "САДАФ" НАВЛАРИНИ ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРИНИНГ ДОН СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида қаттиқ бугдойнинг янги — "Олмос" ҳамда "Садаф" навларини экиш муддати, меъёрининг дон сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган тажрибада қаттиқ бугдой навлари тўрт хил муддатда 15 сентябрь, 1 октябрь, 15 октябрь, 1 ноябрда 3-4-5-6 млн. дона кўчат меъёрларида экиб ўрганилди.

Тажрибанинг ҳар бир қайтариқ узунлиги 25 метр, кенлиги 1,65 м, 5 қатор қилиб лента усулида экилди. Дала тажрибаси 4 қайтариқда 2 ярусда жойлаштирилди. Тажриба жараёнида белгиланган навларни бир хил агротехник тадбирлар асосида бир-бирига қиёслаб ўрганилди.

Маълумки, илмий-амалий деҳқончиликнинг асосий мақсади майдон бирлигидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот натижаларига кўра, кузги қаттиқ бугдойнинг "Олмос" навини биринчи муддатда 4 млн. дона кўчат меъёрида экилганда дон натураси 810 г.л, клейковина 29 фоизни, ИДК. ед, 110 бирликни ташкил қилиб, 3 туркум талабига, 1000 дона доннинг вазни 40 граммни ташкил қилганлиги, шу муддатда экилган "Садаф" навида 4 млн. дона кўчат меъёрида дон натураси 800 г.л, клейковина 27 фоизни, ИДК. ед, 75 бирликни, 1 туркум талабига жавоб берганлиги, 1000 дона доннинг вазни 39 граммни ташкил қилганлиги аниқланди.

Тажрибада иккинчи муддатда "Олмос" навида 6 млн. дона кўчат меъёрида экилганда дон натураси 767 г.л, клейковина 28 фоизни, ИДК.ед, 85 бирликни ташкил этиб, 2 туркум талабига жавоб берганлиги, 1000 дона доннинг вазни 40 граммни. Садаф навини эса шу муддатда 5 млн. дона кўчат меъёрида экилганда дон натураси 806 г.л, клейковина 27 фоизни, ИДК.ед, 75 бирликни, 1 туркум талабига жавоб берганлиги, 1000 дона

доннинг вазни 40 граммни ташкил қилганлиги кузатилади.

Учинчи муддатда 4 млн. дона кўчат меъёрида экилган "Олмос" навида дон натураси 760 г.л, клейковина 28 фоизни, ИДК. ед, 85 бирликни 2 туркум талабига жавоб берганлиги, "Садаф" навида 3 млн. дона кўчат меъёрида дон натураси 800 г.л, клейковина 27 фоизни, ИДК. ед, 75 бирликни 1 туркум талабига жавоб берганлиги кузатилади.

Тўртинчи муддатда экилган "Олмос" нави 4 млн. дона кўчат меъёрида дон натураси 825 г.л, клейковина 28 фоизни, ИДК.ед, 95 бирликни, 2 туркум талабига, 1000 дона доннинг вазни 39 граммни ташкил қилганлиги кузатилади. "Садаф" навида 6 млн. дона кўчат меъёрида дон натураси 800 г.л, клейковина 27 фоизни, ИДК.ед, 75 бирликни, 1 туркум талабига жавоб берганлиги ўтказилган тадқиқот натижаларида аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир навнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда нав агротехникасини тўғри олиб бориш, шу билан биргаликда уларнинг экиш муддатларини ва кўчат меъёрини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

Тажрибага экилган кузги қаттиқ бугдой навларини экиш муддатлари ва меъёрларининг доннинг технологик кўрсаткичларига таъсири

| № | Навлар номи | Экиш муддати, сана | Экиш меъёри млн. дона | Дон натураси, г.л. | Клейковина микдори, фоиз | идк. ед, | Группаси | 1000 дона дон вазни, г. |
|---|-------------|--------------------|-----------------------|--------------------|--------------------------|----------|----------|-------------------------|
| 1 | "Олмос" | 15.09 | 4 млн, | 810 | 29 | 110 | 3 | 40 |
| 2 | "Садаф" | 15.09 | 4 млн, | 800 | 27 | 75 | 1 | 39 |
| 3 | "Олмос" | 1.10 | 6 млн, | 767 | 28 | 85 | 2 | 40 |
| 4 | "Садаф" | 1.10 | 5 млн, | 806 | 27 | 75 | 1 | 40 |
| 5 | "Олмос" | 15.10 | 4 млн, | 760 | 28 | 85 | 2 | 39 |
| 6 | "Садаф" | 15.10 | 3 млн, | 800 | 27 | 75 | 1 | 39 |
| 7 | "Олмос" | 1.11 | 4 млн, | 825 | 28 | 95 | 2 | 39 |
| 8 | "Садаф" | 1.11 | 6 млн, | 800 | 27 | 75 | 1 | 39 |

Қаттиқ бугдойнинг "Садаф" нави биринчи ва иккинчи муддатларда 4 ва 5 млн. дона кўчат меъёрларида экилганда дон сифат кўрсаткичларининг 1 туркум талабига жавоб берганлиги кузатилади. Демак, бу навни эрта муддатларда экиш мумкинлиги ҳам тажрибада аниқланди.

"Олмос" навини кечки 3- ва 4-муддатларда 4 ва 5 млн. дона кўчат меъёрида экилганда, сифат кўрсаткичлари 2 туркум талабига жавоб берадиган дон олинди. Демак, бу навнинг эрта муддатларда экилганда дон сифат кўрсаткичларининг пасайиб боришини кузатиш мумкин экан.

АДАБИЁТЛАР

1. Сиддиқов Р. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида кузги бугдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясининг илмий-амалий асослари. Тошкент, "Фан" нашриёти. 2015 йил. 78-127-бетлар.
2. Аманов А. Қурбонбоев, А Сиддиқов Р. "Ғалла эксанг эрта эк". "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали. 2011 й. № 9. 18-бет.
3. Аманов О. Дилмуродов Ш. ва бошқалар. "Кузги бугдой экинлари униб чиқиш даврининг ҳаво ҳароратига боғлиқлиги". «Агро илм» журнали. 2016 й. №1(39). 7-8-бет.

И.ЭГАМОВ,
қ.х.ф.н.,

А.МЎМИНОВ,
қ.х.ф.н.,

И.АДАШЕВ,

Х.УСМОНОВА,

илмий ходимлар.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

О ДЕГРАДАЦИИ ЗЕМЕЛЬ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

The article offers statistics on the area of degraded land, water and soil salinity data also conducted some research work in order to prevent soil salinity in Uzbekistan.

Известно, что Республика Узбекистан расположена в центральной части Евразийского континента и общая его площадь составляет 447,4 км². Земельный фонд, используемый в сельском хозяйстве, подразделяется на три категории: орошаемые земли (9,7%), богарные земли (1,7%), естественные пастбища (50,1%).



В Центральной Азии на орошаемое земледелие расходуется 89—92% водных ресурсов. В среднем коэффициент полезного действия (КПД) оросительных систем, т.е. часть водыводимая до полей, во всем мире составляет 37%. В условиях ЦА необходимо максимально реализовать на практике капельное орошение с целью экономии воды и сокращения процессов, деградации почвы.

Забота о сохранении почвенного плодородия, "здоровья" почвы должна быть приоритетной в сельскохозяйственном производстве, поэтому в агрометеорологии для обеспечения получения высокого урожая сельскохозяйственных культур проводятся различные исследования системы "почва-растение-атмосфера". В этой системе на первом месте стоит почва, что указывает на ее роль и значение в агроэкосистемах. Процессы деградации земель в засушливых, полусушливых районах в результате действия различных факторов, включая изменение климата и деятельность человека, являются частью общих процессов опустынивания. Эти процессы в естественных условиях активно происходят в аридной зоне, характеризующейся экстремальной климатической обстановкой.

В условиях ЦА, деградация орошаемых земель в основном происходит в результате вторичного засоления почв, ирригационной и ветровой эрозии, снижения содержания гумуса и органических веществ, загрязнения почв агрохимикатами, заболачивания земель, развития патогенной фауны, фитофагов, сельскохозяйственных вредителей и т.д. В настоящее время площадь засоленных орошаемых земель, например, в Республике Узбекистан составляет около 52% от общей оро-

шаемой площади, в том числе 18% земель средне- и сильнозасоленные. В наибольшей степени засолена почва в Каракалпакистане (90—95%), Бухарском (96%), Хорезмском оазисе (95—100%). Особенно неблагоприятные условия по засолению почв сложились в Каракалпакистане, где отмечается наиболее существенное снижение урожайности. Увеличение площадей засоленных земель в целом связано с низким КПД оросительных систем в ЦА. Для снижения уровня засоленности земель проводятся эксплуатационные и капитальные промывки. Деградация почв прямо связана с потерей на 40—50% запасов гумуса в результате монокультуры хлопчатника, низкими нормами внесения органических удобрений, сокращением циклов севооборота, площадей посевов люцерны и других трав, токсичным влиянием остаточных запасов нитратного азота во всей толще почвогрунтов и в грунтовых водах (после их избыточного внесения в периоды интенсификации сельскохозяйственного производства).

Таким образом, в настоящее время отмечается высокая степень деградации земель и падение продуктивности орошаемых почв из-за воздействия комплекса климатических и мелиоративных условий, что усложняет ситуацию в аграрном секторе стран ЦА. Государства Центральной Азии одни из первых смогли в полной мере ощутить социально-экономические последствия непродуманного вмешательства человека в природные процессы. Кризис Аральского моря стал одной из наиболее острых социально-экологических проблем современности.

В то же время экстенсивное использование ограниченных водных

ресурсов для монокультурного аграрного развития послужило причиной невостребованности богатого природно-экономического потенциала Приаралья. По нашему мнению, для обеспечения устойчивого развития земледелия в ЦА регионе было бы целесообразно провести следующие мероприятия:

— поддержать развитие фермерских и крестьянских хозяйств;

— в ЦА регионе технология содержания скота, выпас каракульских овец в пустынях Кызылкум и Каракум пока не требует кардинальной трансформации - это направление можно успешно развивать;

— необходимо установить количественные связи между потенциалом почвенного плодородия и неучтенными денежными доходами населения;

— нет сомнения в том, что в ЦА можно ожидать рост объемов производства продукции сельского хозяйства по мере увеличения реального внимания к проблемам сельского хозяйства;

— важно увязывать вопросы деградации почвы с экономическим и социальным развитием региона.

Большую роль в предотвращении деградации пастбищ играет проведение фитомелиоративных мероприятий. Они направлены на создание искусственных экосистем, отличающихся более высокой продуктивностью по сравнению с естественными фитоценозами на различных типах пастбищ. Учитывая степень нагруженности пастбищ, в хозяйствах должны проводиться мероприятия, способствующие более рациональному использованию пастбищных территорий.

М.ХАМИДОВ,
д.с.х.н., профессор,

И.УРАЗБАЕВ,
ассистент,
ТИИИМСХ

ЛИТЕРАТУРА

1. Духовный В.А. Орошение и освоение Голодной степи. — М.: Колос, 1983 г. — С. 14—18.
2. Аверьянов С.Ф. Борьба с засолением орошаемых земель. — М.: Колос, 1978 г. — С. 288.

НАСОС СТАНЦИЯСИНING ИШОНЧЛИ ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШ

Сугориш тизимида насос станцияларидаги насос қурилмаси, биринчи даражали ҳисобланади. Чунки насос қурилмаси бузилса, бошқа қурилмалар соз ҳолатда бўлгани билан сув етказиб бериш графиги бажарилмайди. Шунинг учун насос станцияларида насос агрегатининг асосийлари билан биргаликда захирадаги насос агрегати ўрнатилди. Аму-Бухоро-1 насос станциясида 9 та асосий агрегат ва 1 та захирадаги насос агрегати ўрнатилган. Ишлатиш шароитига қараб насос станцияларидаги агрегатларнинг ишончилиги доимо ўзгариб туради. Бу ҳолатларни мисолларда кўриб чиқамиз.

1-ҳолат. Июль ва август ойлари — қишлоқ хўжалик экинлари учун сувга бўлган талаб юқори бўлган даврда — асосий насос агрегатларининг ҳаммаси, яъни 9 таси ишлайди. Бу вақтда битта насос агрегати бузилиши сабабли ишдан чиқса, захирадаги насос агрегати ишга туширилади ва керакли миқдордаги сув етказиб берилади. Борди-ю, яна битта насос агрегати, яъни бир вақтнинг ўзида 2 та насос агрегати бузилса, у ҳолда сув етказиб бериш бажарилмайди.

2-ҳолат. Ноябрь-декабр ойларида режадаги сувни етказиб бериш учун 4 та насос қурилмаси ишлатилмоқда. Бу ҳолатда ишламаётган 5 та насос агрегати ҳам захирага ўтади ва захирадаги 1 та насос агрегати билан умумий захирадаги насос агрегатлари 6 тани ташкил этади. Бу ҳолатда ишлайётган тўртта насос агрегатининг ҳаммаси бир пайтда бузилса ҳам, насос станцияси режадаги сувни етказиб бера олади.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлдики, биринчи ҳолатда насос станциясининг ишончилиги иккинчи насос агрегати бузилиши билан тушиб кетган бўлса, иккинчи ҳолатда тўртта насос агрегати бузилса ҳам, насос станциясининг умумий ишончилиги сақланиб қолади ва сув етказиб бериш графиги бажарилади.

Шундай экан, сув етказиб бериш графигини тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун насос станциялари захира агрегатлари ва ускуналари билан етарли таъминланиши лозим бўлади. Насос станцияларида фақат насос агрегатларининг захирасини ўрнатиш кўзда тутилган. Шунинг учун уларнинг ишончли ишлашини таъминлашда бошқа гидромеханик жиҳозлар захирасини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Захира жиҳозларини танлашда асосий параметрлардан бири — бу карралик (нисбийлик) даражаси бўлиб, бу кўрсаткич захирадаги қурилмаларнинг сони асосий қурилмалар сонига нисбатан аниқланади. Таҳлиллар захирага қўйиш нисбати касрли ва бутун сонли бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Бу қиймат қанчалик катта бўлса, насос станциясининг ишончилиги шунчалик юқори бўлади. Бу кўрсаткич биринчи ҳолатда $1/9=0,11$ га; иккинчи ҳолатда $6/4 = 1,5$ га тенг.

Захира агрегатлари ўрнатилган насос станцияларида насос агрегатларининг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бузилишларнинг содир бўлиши ва уларни бартараф этиш учун сарфланадиган вақт ишончли сув етказиб беришнинг ўзгаришига олиб келади. Биринчи мисолда бузилган биринчи насос агрегатини тузатишга сарфланадиган вақт - ($t_{уз.}$), яна битта, яъни иккинчи насоснинг бузилмасдан ишлаш вақтининг — ($t_{уз.}$) эҳтимоллигидан кам бўлиши керак, яъни $t_{уз.} < t_{уз.}$. Шунда бу насос станциясининг ишончли сув узатиши сақланиб қолади.

2015 йилда Аму-Бухоро-1 насос станциясида олиб борилган кузатишлар даврида, яъни қишлоқ хўжалик

экинларининг вегетацияси даврида ишлайётган 9 та насос агрегатининг 1 тасида ортиқча шовқин ва тебранишлар миқдори ошиб кетганлиги сабабли, носоз ҳолатга келиб тўхтатилганлиги аниқланди. Унинг ўрнига захирадаги насос агрегати ўрнатилди.

Насос агрегати таъмирлаш учун қисмларга ажратилганда ишчи парраklarининг бир қисми синган бўлиб, бу носозликни тузатиш учун 28 кун сарфланган. Бу даврда насос станциясидаги бошқа насос агрегатларида бузилишлар содир бўлмаганлиги туфайли насос станциясининг ишончилиги тўлиқ сақланиб қолган ва сув узатиш графиги бажарилган.

Энди бошқача ҳолатни кўриб чиқамиз.

Биринчи насос станциясида 9 та асосий ва 1 та захира насос агрегати ўрнатилган. Иккинчи насос станциясида 9 та асосий насос агрегати ўрнатилган, захира насос агрегатлари ўрнатилмаган. Бу насос станцияларида бир хил ҳодиса содир бўлган, яъни иккитадан насос агрегатлари бир вақтда бузилган. Бу ҳолатда насос станциясининг сув етказиб бериш графигини таъминлаш эҳтимоллигини кўриб чиқамиз.

Биринчи насос станциясида, яъни захира агрегати билан таъминланган насос станциясидаги насос агрегатларининг бузилмасдан ишончли ишлаши ва сув етказиб бериши:

$$P(t) = \frac{N_0 + N_3 - n(t)}{N_0} = \frac{9 + 1 - 2}{9} = 0,88,$$

Иккинчи насос станциясида, яъни захира агрегати билан таъминланмаган насос станциясидаги насос агрегатларининг бузилмасдан ишончли ишлаши ва сув етказиб бериши:

$$P(t) = \frac{N_0 - n(t)}{N_0} = \frac{9 - 2}{9} = 0,77.$$

бунла N_0 - насос станциясидаги асосий насос агрегатларининг сони $N_0 = 9$ та ;

N_3 - захирадаги насос агрегатларининг сони $N_3 = 1$ та; $n(t)$ — ўрганилаётган вақт оралиғида насос агрегатларида содир бўлган бузилишлар сони $n(t)=2$;

t — кузатиш олиб борилаётган вақт оралиғи.

(1) ва (2) ифодалар бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, 9 та асосий ва 1 та захира насос агрегатлари билан ўрнатилган насос станциясининг ишончли ишлаши ва сув етказиб бериш эҳтимоллиги 0,11 фоиз ортиқ.

Шундай қилиб, насос станцияларида захирадаги насос агрегатлари ўрнатилганда қўшимча талаб қилинган миқдордаги сув қишлоқ хўжалик экинларини сугориш учун бир маромда етказиб берилади.

Р.ЭРГАШЕВ,
т.ф.н., доц.,
ТИҚХММИ

СУҒОРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ВА РЕСУРС ТЕЖАМКОР УСУЛЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШДА КЎРГАЗМАЛИ ДАЛА МАЙДОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎРНИ

This article describes the hierarchy of water resource management in Uzbekistan and considered some issues in irrigation sector. Moreover, the role of the demonstration sites in introduction of water and energy saving technologies are explained briefly.

Ўзбекистонда сув ресурсларига бўлган талаб ва бунинг оқибатида эса сувнинг тақчиллиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Мамлакатда сув ресурсларининг қарийб 85 фоиз истеъмоли қишлоқ хўжалигига тўғри келгани учун, сув тақчиллиги асосан соҳага сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу вазиятдан айниқса суғориш даврида, дарёларнинг қуйи қисмида ҳамда сув манбаларидан узоқда жойлашган сув истеъмолчилари азият чекишмоқда.

Соҳа мутахассислари томонидан юқоридаги муаммоларнинг асосий сабаби қилиб, кўп ҳолларда, суғориш тизимларининг носозлиги, фермер хўжаликлари ходимларининг қишлоқ хўжалиги ва ирригация соҳасида етарлича билимга эга эмасликлари ёки Сув истеъмолчилари уюшмалар(СИУ) фаолиятининг талаб даражасида эмаслиги билан баҳоланади. Ваҳоланки, суғориш тизимларидан истеъмолчиларга сув етказиб беришнинг беқарорлиги ва бир текис бўлмаслиги ҳам техник, ҳам ташкилий сабабларга боғлиқ. Баъзи ҳолларда, қуйи оқимдаги сувдан фойдаланувчилар асосий муаммо бошқарув сифати паст даражада эканлигига иттиҳ қилишади.

Барчамизга маълумки, сувни бошқариш сифатини ташкилий жиҳатдан оширишнинг асосий йўналишларидан бири гидрографик тамойил, ҳисобланади [1]. Ҳавзали бошқариш тамойиллари Марказий Осиё(МО)-нинг деярли барча мамлакатларида татбиқ этилган. Хусусан, Ўзбекистонда 2003 йилдан бошлаб мамлакат ҳудудида сув хўжалигини бошқаришнинг гидрографик (ҳавзали) бошқарув тизимига ўтилган.

Фақатгина МО давлатларидан Туркменистон Республикасида сувни бошқариш маъмурий-ҳудудий тамойилида қолмоқда.

Сув ресурсларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий тамойили натижасида "сув боши—сув охири" муаммоси юзага келади, сув танқислиги пайтида (баъзида сув мўл бўлган ҳолларда ҳам) қуйи оқимдаги сувдан фойдаланувчилар юқори оқимда жойлашган сувдан фойдаланувчиларга нисбатан кам сув олади. Ўзбекистонда ҳавзали бошқариш тамойилига ўтилганлигига қарамаздан, суғориш даврида сув боши—сув охири муаммоси ҳали-ҳамон мавжуд. Ҳозирги кунда сув ресурсларини бошқариш ва ундан самарали фойдаланишни такомиллаштиришдаги муам-

молар — бу нафақат техник, балки институционал (ташкилий) муаммо эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Шунинчун олиб сувдан самарали фойдаланишдаги муаммолар ечимини қуйи қисмдан, яъни фермер хўжаликлари миқёсида изламоқ зарур.

Айнан Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан амалга оширилаётган Европа Иттифоқининг "Сув ресурсларини бошқариш бўйича миллий концепция ва сув ресурсларини мукаммал бошқариш" дастурининг 1-компоненти доирасида пастдан-юқорига (қуйи қисмда жойлашган сувдан фойдаланувчилардан то дарё ҳавзасигача) ёндашув асосида илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида ўрганилаётган ҳудудлар Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳисобланади. Юқорида келтирилган ҳудудларда Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI) томонидан сув ва энергия тежовчи технологияларни кўргазмали дала тажрибасида кўрсатиб бериш амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги дала тажрибаси — бу махсус ажратилган майдонда дала шароитида олиб бориладиган изланиш ҳисобланади. Дала тажрибасининг асосий вазифаси тажриба вариантлари орасидаги фарқни аниқлаш ва ўсимлик ёки суғориш технологиясининг ҳосилдорликка таъсирини сифат ҳамда миқдор жиҳатдан баҳолашдири [2]. Кўргазмали дала майдонларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, эса ушбу дала майдонида замонавий сув ва энергия тежовчи технологияларнинг афзалликларини намоёни қилиш ҳамда фермерлар даласига мос келувчи экин тури ва суғориш усулини тўғри танлашни кўрсатиб беришдири. Кўргазмали дала майдонини тўғри танлаш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун дастлаб, лойиҳа доирасида табақали танлаш ва сўров усули ёрдамида танланган вилоятларнинг сув хўжалиги ташкилотларига қарашли ҳар бир ҳудуддан биттадан кўргазмали дала танланди (1-жадвал).

Жадвал-1

Танланган кўргазмали дала майдонлари

| Вилоят | Туман | Номи | Технология киритиладиган майдон, га | Экин тури | Суғориш технологияси |
|------------|------------|-------------------------------------|-------------------------------------|-------------------------|--------------------------------|
| Андижон | Асака | Зарбдор Флорис | 10 | Боғдорчилик ва сабзавот | Ёмғирлатиб ва томчилаб суғориш |
| Фарғона | Фарғона | Сирдарё –Сўх ИТХБ тажриба майдони | 11.4 | Боғдорчилик | Томчилаб суғориш |
| Наманган | Янгиқўрғон | Раноҳон Охуда Мунира | 10 | Боғдорчилик | Томчилаб суғориш |
| Сирдарё | Гулистон | Куйин-Сирдарё ИТХБ тажриба майдони | 8 | Боғдорчилик | Томчилаб суғориш |
| Қашқадарё | Яккабоғ | Аму- Қашқадарё ИТХБ тажриба майдони | 9 | Боғдорчилик | Ёмғирлатиб ва томчилаб суғориш |
| Сурхондарё | Термиз | Аму-Сурхондарё ИТХБ тажриба майдони | 7.4 | Боғдорчилик | Томчилаб суғориш |

Кўргазмали тажриба майдонларини танлашда қуйидаги талаблар инобатга олинди:

— танланган дала чегараларининг аниқ белгиланган бўлиши;

— асосий қишлоқ хўжалиги экини тури — боғдорчилик, мева-сабзавот ва полиз экинлари;

— дала майдони доимий ёки шартли равишда сув билан таъминланган бўлиши;

— танланган дала аҳоли яшаш жойига яқин бўлиши ва магистрал йўл ёқасида жойлашиши;

— даланинг тупроқ, мелиоратив ва иқлим шароити ушбу ҳудудга хос бўлиб, таклиф этилаётган суғориш технологиясига мос келиши;

— дала катта маблағ талаб этувчи капитал текислашни талаб этмаслиги;

— дала майдонига масъул бўлган шахс (фермер) замонавий суғориш усулларига қизиқишининг бўлиши ва агротехника ишларини ўз вақтида бажарилишини таъминлай олиши;

— намоёиш даласида барча ишларнинг мониторинг

гини олиб бориш ва лойиҳа томонидан берилган билим ва тажрибани атрофдаги фермерларга ёйиш.

Ушбу санаб ўтилган шартлар асосида танлаб олинган тажриба майдонлари юқоридаги ҳудудлар учун намунали ҳисобланиб, унда инновацион суғориш усуллари ва агротехник тадбирларни атрофдаги фермерларга кўрсатиш, келажакда яхши самара беради. Бунда жойлардаги фермерларнинг, СИУ, Ирригация тизими бошқармаси (ИТБ) ва Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ИТХБ) ва албатта, маҳаллий ҳокимиятнинг талаб ҳамда таклифларига асосланган ҳолда танлаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда сув ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиш орқали суғориладиган майдонлардан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш билан мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга эришилади.

И.АКРАМОВ, У.СОЛИЕВА, О.АНАРБЕКОВ.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзаев Н.Н., Азимов У.А. Ўзбекистонда СРМБ тамойилларини жорий қилиш ҳақида (Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссиясининг илмий-ахборот маркази ахбороти).
2. Доспехов Б. А. (1985). Методика полевого опыта.

УЎТ: 634.31/34

ЯШИЛ ҚАЛАМЧАЛАРНИ ЎЗХИТАН ПРЕПАРАТИ БИЛАН КАПСУЛАЛАШ ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛ

In this article told about growing seedling citrus plants by means of preparation Uzhitozan in condition Uzbekistan. The article gives the results of the analysis before the spent researches on stocking up seedling citrus plants for short period.

Бугунги кунда Ўзбекистон ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари томонидан олиб борилаётган излашлар натижасида лимон, апельсин, мандарин, грейпфрут кўчатларини қисқа муддатда илдиз олдириш бўйича самарали натижаларга эришилди.

Бугунги кунда кўчатларни қаламча усулда ўстириш цитрус ўсимликларнинг серҳосил навларини кўпайтиришнинг самарали усулидир [1-3]. ЎЗХИТАН препарати билан капсулалаб етиштирилаётган қаламчаларда ҳосилдор ўсимликнинг ирсий белгилари тўлиқ сақланиб қолади. 2 — 3 йилда ҳосилга киргач, ҳар йили мўл ҳосил беради. Қаламчаларни бу усул билан кўпайтириш қийин эмас. У бир йил мобайнида стандарт кўчатлар олиш

имконини беради. Вегетатив усул билан яшил қаламчаларни қисқа муддатда илдиз олдиришда ЎЗХИТАН стимулятор сифатида яхши натижа бермоқда.

Жадвалда кўрсатилгандек, ЎЗХИТАН препарати билан капсулалаб қайта ишланган қаламчаларда 8 кун давомида каллюс ҳосил бўла бошлайди. 17 — 18 кундан кейин эса, қаламчалар бошланғич илдиз чиқара бошлайди. 23 — 28 кунда тўлиқ илдиз чиқариб тайёр кўчат

ҳолига келади. Тажрибаларни назоратга ва гетероауксиннинг 0,01% фоизли эритмасига нисбатан олиб борилди. Экологик жиҳатдан тоза ЎЗХИТАН препарати қишлоқ хўжалик экинлари билан уруғлари экишдан олдин қайта ишланганда уларнинг ўсув қуввати унвчанлиги ва ҳосилдорлиги ортади. [4]. Цитрус ўсимликлар қаламчаларининг қисқа муддатда илдиз отиши учун экишдан олдин капсулалаб 5 минут ишлов берилади. ЎЗХИТАН препаратининг меъёри 1000 дона қаламчани капсулалашга 200 мл препарат сарфланади. Цитрус ўсимликлари қаламчаларини патоген инфекцияларга қарши қайта ишлашда ҳамда уларнинг биологик фаоллигини (қаламчаларнинг илдиз оли-

ши, қисқа муддатда тайёр кўчатлар пайдо бўлиши суръатининг ошишини) яхшилаш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан кенг қўлдамда фойдаланилади. Цитрус ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларида таъсир этувчи моддалар кўп ҳолларда зарарли органик моддалар бўлиб, улар атроф-муҳит, тупроққа ва инсонлар саломатлигига зарар етказди. Цитрус мева ўсимликлари кўп экиладиган мамлакатларда ҳам экотизимга бериладиган кимёвий воситалар салбий таъсири жуда сезиларлидир. Одатда, қаламчаларни экишдан олдин қайта ишлашда биологик фаол бирикмалар препаратив шаклда ишлатилади. Препаратив шакл минимал экологик хавф мавжуд бўлганда дозасини қаламчаларга етказиши, препаратни қаламчалар илдиз чиқарадиган сиртда бир текис тақсимланишини, қоплама плёнкалар ҳосил қилиш каби амаллар бажарилишини таъминлаши лозим. Плёнка ҳосил қилувчи сифатида деярли барча сувда эрийдиган полимерлар (поливинил спирти, полиакрил кислотаси унинг тузлари ва бошқалар) қўллаш мумкин[5]. Капсулалаш цитрус мева ўсимликлари қаламчаларини экишдан олдин қайта ишлашнинг истиқболли усулларида бири бўлиб, у қаламча сиртини сувда эрувчан ярим функционал полимер плёнкалар билан қоплашга асосланган. Бу борадаги узвий тадқиқотлар Хитозан ва КМЦ асосидаги полимер-поли-

мерли аралашмалардан иборат бўлган ЎЗХИТАН препаратининг яратилишига олиб келди. Маълумки, хитин ва унинг ҳосилаларини цитрус ўсимликларда, жумладан, қаламчаларни экишдан олдин қайта ишлашда қўлланилиши цитрус ўсимликлар қаламчаларининг қисқа муддатда илдиз олишини жадаллаштиради ва ҳосилдорлигини оширади. Турли касалликларга (замбуруғ, вирус) ёш кўчатларни каллюс-гардиш, яъни илдиз чириш жараёнидаги ноқулай табиий шароитга чидамлилигини оширади. ЎЗХИТАН препарати цитрус ўсимликлар қаламчаларини қисқа муддатда илдиз олдириш, кўчатларнинг ривожланишини кучайтириш ва касалликларга чидамлик каби ижобий хусусиятларини намоён қилади. Хитозанни микроунсурлар билан комбинациялаш орқали ундан кенг таъсир доирасига эга бўлган юқори самарали, экологик хавфсиз биополимерлар олиш мумкин. Хитин, хитозан илдиз ва қаламча пояси чиришига қарши фаол препаратлар бўлганлиги боис, улар цитрус мева ўсимликлари қаламчаларини парваришда қўллаш учун тавсия этилмоқда. Айни пайтда хитин ва хитозан жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиётида кенг қўлдамда қўлланилмоқда. Турли деацетиллаш даражасига эга бўлган хитозанлар агросаноат комплексида ЎЗХИТАН (жадаллаштириш самарасига эга кимёвий восита) препарати таркибида ишлатилади. Ушбу препарат Республикаимизнинг ну-

фузли давлат патент комиссияси тасдиғидан ўтказилиб, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиб келинмоқда[3,4-5].

Ўзбекистон шароитида вегетатив усулда яшил қаламчаларни ЎЗХИТАН препарати билан капсулалаб, кўчатларни кўпайтиришда олинган натижалардан келиб чиқиб хулоса ўрнида айтиш мумкинки, цитрус мева ўсимликлари кўчатчиликда қаламчаларни патоген инфекцияларига қарши қайта ишлаш ҳамда уларнинг биологик фаоллигини (қаламчаларнинг илдиз олиши, қисқа муддатда тайёр кўчатлар пайдо бўлиши суръатининг ошиши) яхшилаш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан кенг қўлдамда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

М. ФАХРУТДИНОВ,

ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Фахриддинов.З. Обыкновенное чудо. Ташкент, 1974
2. Арсланов.М.А. Влияние индолуксусной кислоты на укоренение и рост черенков лимона. Ж. Химия в сельском хозяйстве, № 3, 1972.
3. Фахриддинов М.З. Лимончиликнинг ўзига хос синоатлари. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. Тошкент., 2014 й.
4. Рашидова С. Ш, Милушева Р. Ю. и др. Композиция для предпосевной обработки семян сельскохозяйственных культур. Патент РУз № 1702.
5. Рашидова С.Ш., Милушева Р.Ю. Хитин и хитозан *Вотбухтори Синтез, свойства и применение.* // Ташкент: Фан АН РУз 2009. -246 с.

| Тажриба вариантлари | Цитрус ўсимлик навлари | Қаламчаларнинг ривожланиш босқичлари | | | | Илдиз олиш босқичлари | |
|---------------------------------|------------------------|---|---|-----------------------------------|-----------------------------------|---|--------------------|
| | | Гардиш ҳосил бўлишининг бошланиши (кун) | Илдиз чиқариш жараёнининг бошланиши (кун) | Тўлиқ илдиз чиқариш жараёни (кун) | Янги ўсимга чиқарган жараён (кун) | Илдиз олдириш жараёнининг 4 босқич қайтариқдаги фойзи | Назоратга нисбатан |
| Сув назорат | Лимон Ф-1 | 10,0 | 23 | 50-60 | 32-36 | 81,0 | 1200+540-660 |
| | Лимон Ф-2 | 10,0 | 23,0 | 50-60 | 24-25 | 85,0 | |
| | апельсин | 13,0 | 40,0 | 59-60 | 40-41 | 8,3 | |
| | мадарин | 15,0 | 45,0 | 65-70 | 45-50 | 4,6 | |
| ЎЗХИТАН препарати | Лимон Ф-1 | 8,0 | 18,0 | 24-25 | 26-27 | 98,0 | 1200 +751-449 |
| | Лимон Ф-2 | 8,0 | 17,0 | 23-24 | 25-26 | 98,0 | |
| | апельсин | 9,0 | 21,0 | 27-28 | 23-24 | 45,0 | |
| | мадарин | 12,0 | 24,0 | 30-31 | 26-28 | 14,0 | |
| Гетероауксиннинг 0,01% эритмаси | Лимон Ф-1 | 9,0 | 19,0 | 26-27 | 27-28 | 87,0 | 1200 +700-500 |
| | Лимон Ф-2 | 9,0 | 18,0 | 24-25 | 24-25 | 96,0 | |
| | апельсин | 12,0 | 22,0 | 28-29 | 25-26 | 32,0 | |
| | мадарин | 14,0 | 35,0 | 47,0 | 25-26 | 20,3 | |

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

For development of the branches of the service and service in agricultures necessary increase the volume of the lending and market share workman these branches.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди. Зотан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,2 миллион нафарини бемалол саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 10 майдаги "2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ва 2013 йил 17 апрелдаги "2013—2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

2012—2015 йилларда хизмат кўрсатиш корхоналарига 4 триллион 167 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилган. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ 51,9 мингта лойиҳа амалга оширилган. Бу борадаги ишлар мамлакатимизнинг қишлоқ худудларида жадал ривожлантирилмоқда. Хусусан, қишлоқ жойларда ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилган аҳоли массивларида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 2013—2015 йиллар мобайнида қарийб 22 мингта лойиҳа ишга туширилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор йўналишлар янада изчил ривожлантирилмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг январь-ноябрь ойлари якунига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси 114,8 фоиз ўсди. Кўрсатилган хизматлар ҳажми 72545,8 млрд сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ўтган 11 ой мобайнида жами 13476

та лойиҳа амалга оширилиб, шундан 6 мингдан ортиғи — савдо, 3,7 мингтадан ортиғи маиший хизмат соҳасига тўғри келди.

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар — 133,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш — 127,1 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш — 124,2 фоиз, компьютерларни дастурлаш бўйича — 121,1 фоиз, маиший — 120,3 фоиз, қурилиш — 117,9, савдо — 116,9 фоиз, туризм — 116,2 фоиз ҳамда бошқа турдаги хизматларда таъминланди.

Республикаимиз ва вилоятлар бўйича қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2015 йилда 2013 йилга нисбатан кескин ошган. Биргина Тошкент вилоятини оладиган бўлсак, 2013 йили аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 19498 млн. сўм бўлган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 333598 млн. сўмдан ортиқроқни ташкил қилган. Қўшимча ўсиш суръати 314100,3 млн. сўм ёки 16,1 баробарни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Фарғона вилоятида яъни, 2015 йилда 2013 йилга нисбатан кўрсатилган маиший хизматлар ҳажми 122415,8 ва ўсиш 24,9% га тенг бўлди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида юз берган ўзгаришлар, асосан, қишлоқ жойларда аҳоли даромадларининг ортиши, янги уй-жойлар қурилиши ҳамда ободонлаштириш, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳоли турмуш тарзининг юксалишига олиб келди. Бундан кўринадики, хизмат кўрсатиш соҳасидаги жадал ўсиш суръатлари қишлоқ жойларнинг ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқ экан. Бу борада 2015 йилда қишлоқ жойларда кўрсатилган умум-

мий хизматлар 2014 йилга нисбатан 16088,7 млрд. сўм ёки 115,0 фоиз ўсганлиги аниқланди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижросининг бир ярим йил мобайнида ба- жарилган ишлар натижалари бўйича таҳлили ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Масалан, қишлоқ жойларда туризм хизматини кўрсатиш ҳиссаси умумий туристик хизматларда 18,4 фоиздан 32,6 фоизга ёки 14,2 пунктга ошган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш — 5,0 пунктга, тиббий хизмат кўрсатиш — 3,0 пунктга, компьютер хизматлари — 3,6 пунктга ўсганлигини кузатиш мумкин.

Шунга қарамай, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам етарли. Бу аввало, қишлоқ жойларда иқтисодий ислохотларнинг бориши орқанда қолаётганида, хусусан, кичик бизнес корхоналари шаҳобчаларини шакллантиришга гоят суист ва кам самара билан амалга оширилаётганида кўринади.

Шунингдек, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш орқали янги иш ўринларининг яратилиши меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг йил давомида анча текис тақсимланишига, аҳоли бандлигини таъминлашга ижобий таъсир этади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг, янги иш кучининг худудлараро миграциясини қисқартиради.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этишга эришиш зарур.

О.МУРТАЗАЕВ,
и.ф.д., профессор.

М.АЛЛАЁРОВ,
тадқиқотчи.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги
институтини.

ХАЛҚИМИЗНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ

Шавкат Акмалхонов 23 йил давомида Қибрай туманидаги Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти директори, қатор йиллар собиқ Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси Ўрта Осиё бўлими бошлиғи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академияси раҳбари бўлиб ишлаган. Яқинда 84 ёшини қаршилаётган академик Ш. Акмалхоновдан Шароф Рашидов тўғрисидаги хотираларидан сўзлаб беришни илтимос қилдик.

- Шароф Рашидович республика-мизда илм-фан, маданият ривожига катта ҳисса қўшган инсон эди. Мен институтга раҳбар бўлган пайтимда ҳали фан номзоди эдим. 1974 йилда институтга Шароф Рашидович ташриф буюрди. Ишлар билан танишди ва кетаётгани: "Институтда юқори малакали мутахассислар фан номзоди, фан доктори, профессорларни кўпайтириш лозим. Бу албатта, кўп изланишлар, тинимсиз меҳнатни талаб қилади", дедилар.

Шундан кейин биз бу вазифаларни амалга оширишга қаттиқ киришдик. Мен ўзим бир йилдан кейин фан докторлигини ёқладим. Ўтган йиллар давомида институтимиз олимларидан 20 нафари фан доктори, 300 дан ортиғи фан номзоди даражасига эришди.

Шароф Рашидович институтимиз фаолиятини доим эътиборда тутар эдилар. 1978 йилда Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик академиясига мухбир аъзо этиб сайланганимда Шароф Рашидович қўнғироқ қилиб, мени қизғин табриклади. Бундай эътибор, албатта, ҳар қандай одамга қанот бағишлайди, ишлаган сари ишлагинг келади.

Шуни қайд этиш керакки, Шароф Рашидович республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш мақсадида мунтазам равишда вилоят раҳбарлари билан келиб, улардан институт янгиликлари ва унинг "Қизил шалола" хўжалигидаги чорвачилик комплексида қилинаётган ишлар билан танишишларини, ортирган тажрибаларини ўз ҳудудларида амалга татбиқ этишларини талаб қиларди.

Шароф Рашидович одамлар билан муомаллада ниҳоятда камтар ва эътиборли эди. Бир йили Сурхондарёга бордилар. Вилоят раҳбарлари билан кетаётгани, кун қизиганда бир деҳқон қўлида кетмон билан даланинг ўрта-

сида ўй суриб турганига кўзлари тушди. Машинани дарҳол тўхтатиб, деҳқон билан сўрашдилар. У офтобда қорайиб кетган эди. Пахтанинг аҳволи яхши эмас. "Ҳорманг", — Деҳқонни урушмади, қаттиқ гапирмадилар. Вилоят ва тегишли туман раҳбарларига: "Ёрдам беринг буларга. Сиз эса, қаттиқроқ ишласангиз, ҳаммаси яхши

ҳар томонлама асосланган таклиф билан кириш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш тўғрисида ўз фикрларини айтди. Лекин собиқ иттифоқ вазиридан бир жўяли маслаҳат чиқмади. У пайтда чиқмас эди ҳам. Чунки собиқ иттифоқнинг бутун ҳудудда маъмурий буйруқбозлик сиёсати ҳукмрон эди...

Мана энди мустақил бўлдик, республикамиз жадал суръатлар билан ривожланиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда.

Шуни қайд этиш керакки, мустақилликка эришишимизда ўзбек халқининг асл фарзанди Шароф Рашидовнинг улкан ҳиссаси бор. У киши 9 йил давомида республика парламентида бошлиқ, чорак аср Ўзбекистоннинг раҳбари бўлган даврда илм-фан, таълим, миллий кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, айниқса, қурилиш, ободончилик масалаларига катта эътибор берди. Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятларининг ташкил этилиши, кўплаб қўриқ ерлар ўзлаштирилиши, Тошкент метроси, Тошкент телеинораси, Тошкент академиклар шаҳарчаси, Миллий университетнинг янги бинолари, Тошкент тиббиёт шаҳарчаси, бошқа қатор иншоотларнинг барпо этилиши у кишининг номи билан боғлиқ...

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев илм-фан намоёндалари билан учрашганда, мен ҳам шу тадбирда иштирок этдим.

Учрашувдан сўнг, Юртбошимиз билан сўрашиб, ўзимни танитсам, у киши "Шавкат ака, мен Сизни ўттиз йилдан буён жуда яхши танийман", деганларида кўнглим тоғдай кўтарилиб кетди.

У кишининг барча саъй-ҳаракатлари, қабул қилаётган фармон ва қарорлари халқимизнинг ҳаётини янада яхшилашга, фаровон қилишга, халқаро ҳамжамиятда мамлакатимиз обрўсини оширишга қаратилган. Айниқса, ўзбек халқининг асл фарзанди Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори нур устига нур бўлди. Чунки ўтганлар руҳини шод этган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди."

Н. ТОИРОВ ёзиб олди.



Суратда : Ш. Рашидов бир гуруҳ республика фаоллари билан Чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг Меҳнат қаҳрамони сут соғувчи Анастасия Чудная бўлимасидаги ишлар билан танишмоқда. Академик Ш.Акмалхонов тушунтириш бeryпти (ўнгда).

бўлиб кетади", — дедилар. Койимадилар... Менимча, шунда кўз олдиларига минглаб шундай ишлаётган деҳқонлар, қора терга ботиб, "оқ олтин"ни етиштираётган заҳматқашлар келган бўлса, ажаб эмас. Бу ҳаммаси собиқ марказ талаби, пахта яккаҳокимлигининг натижаси эди.

Шуни айтиш керакки, бир йили Ўзбекистонга собиқ СССР қишлоқ хўжалик вазири Валентин Карпович Месяц келди. У Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик академияси Ўрта Осиё бўлими иши билан танишиши мақсадида, бўлимга ташриф буюрди. Шунда Шароф Рашидович иштирокида бўлим раҳбари академик Садриддин Йўлдошев хонасида суҳбат бўлиб ўтган эди. Республикаимиз раҳбари вазир В.Месяц билан пахта режасини камайитириш тўғрисида иттифоқ ҳукумати олдига

САМИМИЙ ВА ОҚИЛ ИНСОН ЭДИ

ЁХУД ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАЎБАРИ ФАЙЗИ МАМАТМУРОДОВНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ШАРОФ РАШИДОВ ТЎҒРИСИДАГИ ХОТИРАЛАРИ ХУСУСИДА

Файзи Маматмуродов 1942 йилда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги "Беш қаҳрамон" хўжалиги, ҳозирги "Элобод" маҳалласида туғилган. "Беш қаҳрамон" мамлакатимиздаги илғор, номдор, иқтисоди барқарор хўжаликлардан бири саналган. Қизиғи шундаки, бу хўжалик Меҳнат Қаҳрамонлари - Абдулла Хўжамқулов, Дўстмуҳаммад Атарбаев, Сергей Богма, Владимир Еремеев ва Файзи отанинг падари бузруквори Маматмурод Хўжамқулов ҳурматиغا 1994 йилдан шундай ном билан аталган.

Ота-она ордидан эргашиб, деҳқончиликка берган меҳр Файзи Маматмуродовни Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томон етаклади. Биринчи йилдаёқ талабалик бахтига мўъассар бўлган Файзли намунали хулқ, аъло баҳоларда олийгоҳни тугатиб, иқтисодчи-ҳисобчи бўлиб ўз она қишлоғига қайтди.

Қаҳрамонимиз олдинига 4 йил шу хўжаликда турли вазифаларда ишлади. Меҳнатсеварлиги, билимдонлиги, муҳими раҳбарлик қобилияти борлиги боис, хўжалик раислигига тайинланди. Орада туман миқёсида масъул вазифаларда ҳам фаолият кўрсатди.

— 22 йил давомида ҳар доим хўжалигимиз республикадаги пешқадамлар сафида бўлиб келди, — дейди отахон. — Мустақиллик шарофати билан янада имкониятлар кенгайди. Ер ўз эгасини топди, фермер бўлди. 1994 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" унвони, 2004 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва қатор мукофотлар билан тақдирландим. Муҳтарам Президентимиз томонидан халқимиз фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган изчил сиёсат, биз кексаларни ҳам бефарқ қолдирмасдан ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Айниқса, ўтганлар, хусусан давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов сиймосининг улуғланиши менга у кишига алоқадор турфа воқеаларни эслатди. Шароф Рашидов мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби йилига 2-3 марта Сурхон

воҳасига, аксарият, поездда ташриф буюрарди. Ҳаётим давомида у киши билан 10 марта тўқнаш келганман, 4 марта суҳбатлашганман. Ҳар галги учрашувда атрофидаги барча билан қўл бериб кўришарди, ўзига хос самимий оҳангда сўрашарди. Вилоят ва туманда ўтказилган йиғилишларда халқимиз тўқинлигига хизмат қилаётганларни алоҳида ҳурмат билан тилга оларди. Ҳеч қачон балинд овозда гапирганларини эшитмаганман ва ҳатто койиганда ҳам шунангиз сўзларни топиб ишлатардиларки, хатоликка йўл қўйган ёки бирор ишни ўз вақтида бажармаган



одамининг ғужури қайнаб, эртасигаёқ камчиликларни бартараф қилишга ошиқарди.

Йиғилишлар тугагач, бутун мажлис аҳли билан хайрлашиб, бир-биримиз билан иноқ, дўст бўлишимизни сўрарди ва албатта жамоангизга, оила аъзоларингизга мени номимдан салом айтишни унутманглар деб тайинларди.

Раис бўлиб тайинланганимнинг биринчи йили хўжалигимизга келдилар. Олиб борилаётган ишларимиз, халқнинг кайфияти, истиқболдаги режалар тўғрисида атрофлича суҳбатлашди. Суҳбат чоғида навбатма-навбат гурунглашдик. Отам тўғрисида гап очиб, "Ёшсан, ўз устингда янада кўпроқ ишлашинг керак. Эл олдида отанг сингари эътибор топишинг сенинг фарзандлик бурчинг, эр йигит шундай бўлади", деб маслаҳат бердилар. Бир пиёла чойдан сўнг дуога қўл очиб, халқимизга тинчлик, хотиржам-

лик, барака тилаб, ошхона томонга юрдилар. Ошхонадагилар билан бирма-бир қўл бериб кўришиб, раҳмат айтиб, хайрлашиш чоғида, «хўжалик аъзоларига, оила аъзоларингизга мендан салом айт», дея қўлимни сиқиб хайрлашди.

Келгуси сафар келганларида, салом-алиқдан сўнг қўлтиғимдан ушлаб, янги қурилган 1 гектарлик лимон экилган иссиқхона томонга юрди. Лимонни яхши кўрарди. "Иссиқхонангдан 40 тонна лимон чиқади", дедилар. Ишонасизми, ўша йили роппа-роса 40 тонна лимон олдик.

Ерни жуда-жуда қадрлар эди. Хўжаликдан ўтган темир йўл атрофида сувли ерга қурилган бинони кўриб озгина койиди. Шу-шу сувли ерга қурилиш қилишга жазм этолмайман. Далага борганда иккиланмай экинларни ораларди. Пахта йиғим-терими кезларида, албатта теримчиларнинг олдига бориб, кўришиб, мўъажзгина суҳбат қуларди.

Файзи ота гоҳ кулиб, гоҳ кўзига ёш олиб, мавжланиб хотиралари билан ўртоқлашди. Шароф отанинг ўғитлари, панд-насихатлари унга доимо куч бағишлаб турганини ботбот эсга олди.

Файзи Маматмуродов ҳаммуаллифлигида ингичка ва ўрта толали пахтанинг қатор навлари яратилган. Айни пайтда истиқболли навлар агробиологияси ўрганилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. У кишининг иштирокида яратилган "Беш қаҳрамон" нави агробиологик ва хўжалик белгилари жиҳатидан устувор бўлганлиги боис, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонида истиқболли нав сифатида қайд этилган. Жойларда мазкур навдан илғор фермерларимизнинг гектаридан 45-50 центнергача ҳосил олаётганлигининг шохиди бўлаяпмиз.

Саховатпеша инсон Файзи отани эл орасида ҳақли равишда "Олтинчи қаҳрамон" деб эътироф этишади. Халқ, Ватан истиқболи учун фидойи бўлиб яшаш, бу олий саодат.

Файзулло МИРЗАЕВ.

ТОВУҚЛАР ИЖАРАГА БЕРИЛМОҚДА

Канаданинг Онтарио провинциясидаги “Балбеск” оилавий фермаси эгалари паррандачиликдан кўпроқ даромад олишнинг ажой-



иб усулини топишди, яъни товуқларни ижарага беришни йўлга қўйишди.

Шаҳардан 70-80 км. узоқда истиқомат қилувчи ижарачиларга товуқлар билан бирга, унча катта бўлмаган катак, дон ва товуқларни парваришlash бўйича йўриқнома ҳам юборилади. Ҳар қандай одам бир жуфт ёки тўрт бош товуқни ижарага олиши мумкин. Фойдали томони, бир жуфт товуқ бир ҳафтада камида 10 та тухум қўяди.

Товуқ ижараси товуқчилик билан шуғулланишни истаётган, аммо бу борада иккиланаётган маҳаллий аҳоли учун паррандачиликда ўз кучини синаб кўриш имконини бермоқда.

“Кўпчилик товуқларни ижарага олгач, уларни парваришlash у қадар осон иш эмаслигини тушуниб етишади, — дейди ферма раҳбари. — Аммо шундай бўлса-да, товуқларни белгиланган муддатдан олдин қайтариб олиб келиш ҳолати жуда кам учрамоқда”.

Қиш фаслида товуқларни парваришlash алоҳида меҳнат ва тажриба талаб қилиши сабабли, паррандалар фақат йилнинг иссиқ вақтларида ижарага берилади.

Фермер жўжаларнинг қандай пайдо бўлишига қизиққанлар учун инкубаторларни ҳам ижарага берапти. Бу хизмат тури шаҳардаги мактаб ва болалар боғчалари орасида анча машҳур бўлиб кетди.

СИГИРИНГИЗ НИМА БИЛАН БОҚИЛГАН?

Одатда, табиий шароитда боқилган сигирларнинг сути сунъий озик-

ланадиган жониворларникидан фарқ қилади. Бунинг асосий сабаби сунъий емишлардаги гликолиз моддасининг сутга ўтишидир.


Гликолиз моддаси сунъий емишларга иссиқлик билан ишлов бериш натижасида шакар ва оқсилнинг ўзаро реакцияси натижасида ҳосил бўлади. Яйловларда боқилдиган сигирлар эса табиий емиш ейди. Шу боис уларнинг сутида гликолиз моддаси миқдори жуда кам.

Немис олимларининг таъкидлашича, сут сифатини аниқлаётганда, айнан гликолиз миқдори бирламчи омил бўлиб хизмат қилади. Сутда гликолиз миқдори қанча кам бўлса, унинг сифати шунча юқори ҳисобланади.

Дрезден Техника университети олимлари сутда гликолиз миқдорини аниқлайдиган аппарат яратишди. Бу аппарат келгуси йилнинг 31 мартда Дрезденда бўлиб ўтадиган конференцияда намоиш этилади.

АМЕРИКА АСАЛСИЗ ҚОЛИШИ МУМКИН

The Guardian нашрининг хабар беришича, АҚШда етти турдаги асаларилар йўқолиб кетиши хавфи мумкин бўлган жониворлар рўйхатига киритилган. Бунга ариларнинг яшаш шароитига хос бўлмаган хусусиятлар — ўрмон ёнғинлари, янги турдаги ўсимлик ва ҳашарот-



ларнинг уларга ҳужуми сабабдир.

АҚШда йўқ бўлиб кетиш арафасида турган асалариларнинг ватани Гавайи ороллари ҳисобланса-да, улар дунёнинг турли минтақаларида кенг тарқалган. Бу асаларилар асал бериш билан бирга, маҳаллий ўсимликлар, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги экинларини чанглатишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Шу боис мазкур ҳашаротларнинг йўқ бўлиб кетишидан нафақат экологлар, балки иқтисодчилар ҳам ташвишда.

ҚЎРИҚЧИ АСАЛАРИЛАР

Таиланднинг шимолий вилоятлари аҳолиси бир неча йиллар давомида ўзларининг шоли экилган майдонларини ёввойи филларнинг ҳужумидан ҳимоя қила олмай ҳалак эдилар. Деҳқонлар бунинг учун нималар қилмади, дейсиз. Ҳатто, юқори кучланишли ток уланган сим тўсиқлар ҳам ўрнатишди.

Бу ҳол кунларнинг бирида, тасодифан кимдир интернетда кеноялик деҳқонларнинг филларни асаларилар ёрдамида қўрқитиши ҳақидаги хабарни ўқиб қолмагунча давом этди.

“Бангкок Пост” газетасининг хабар беришича, биринчи синодаёқ асалариларнинг самарадорлиги электр кучланишли тўсиқларга қараганда 74 фоиз юқори бўлган. Асалариларнинг визиллиб овоз чиқариб учишидан филлар қўрқишар экан. Бундан ташқари, бу билан филларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги борасидаги муаммоларга ҳам ечим топилган. Маълумки, филлар Таиланд қироллигининг рамзи ҳисобланади.

Тажриба пайтида шоли экилган далаларга ҳар бирида 20 минг асалари бўлган 25 та яшик ўрнатилди. Шолизор бўйлаб ўралган махсус чилвирнинг учи катак эшиқларига уланди. Фил майдонга кириб, чилвирга ногаҳон тегиб кетса, у тортилиб асаларилар яшигининг эшиги очилади ва бечора фил ҳашаротларнинг ҳужумидан фақат қочиб қутула олади.

Энг муҳими, таиландлик деҳқонлар энди нафақат гуруч, балки асал сотишдан ҳам фойда олишлари мумкин. Ҳукумат “арилар ҳимояси” хавфсизлик тизимини бошқа ҳудудларда ҳам қўллашни режалаштирмоқда.

ТОҒ ҲАВОСИ СОТИЛАДИ

Швейцарияда ифлосланган шаҳарларга тоғ ҳавосини етказиб бериш ва сотиш йўлга қўйилди. Тоза тоғ ҳавоси тўлдирилган баллонлар хорижга пишлоқ ва шоколад каби экспорт қилинмоқда.



Бу иш билан шуғулланаётган Swiss alpine air компанияси дунёнинг ҳавоси ифлосланган давлатлари аҳолисини тоза тоғ ҳавоси билан таъминлашга бел боғлаган.

— Ҳар йили Швейцариянинг Алп тоғларига дам олиш ва тоза тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш учун жуда кўплаб сайёҳлар келишади, — дейилган компания сайтыда. — Биз аллақачон тоғ булоқларидан оқаётган сувни, тоғда боқилаётган сугир сутидан тайёрланаётган пишлоқни экспорт қилишни йўлга қўйганмиз. Нега энди тоза ҳавони экспорт қилмаслигимиз керак. Бу дунёдаги энг тоза ҳаво-ку”.

7 литрлик баллонларга жойланган Алп тоғлари ҳавоси 21 доллардан сотилмоқда.

ҲАВОНИ ТАЪМИНЛАШ

Буюк Британиянинг Харпер Адамс университети олимлари экин экишдан тортиб уни йиғиб олишгача бўлган жараённи фақат автомат техникадан фойдаланган ҳолда бажаришди.

Шропшир графлигидаги робот-техника экин майдонига ўзи арпа экиди, парвариш қилиб, йиғиб олди. Трактор ва дон йиғувчи комбайн-



ларнинг камера, лазер ва GPS тизими билан таъминланганлиги уларнинг майдонда бемалол ҳаракат қилиши ва барча ишларини амалга оширишига ёрдам берди. Уларнинг ишини кузатишда бир нечта дронлар ёрдамга келди. Махсус аппаратлар кўмағида олимлар тупроқдан намуна олишиб, ҳосилнинг ҳолатини текшириб туришди. Ўсимликларни парвариш қилишда, сугоришда автоматлаштирилган сув пуркагичлардан фойдаланилди. Ҳандс-Фрее Ҳестаре деб номлан-

ган ушбу лойиҳага мамлакат ҳукумати 200 000 евро ажратди. Лойиҳа раҳбари, муҳандис Кит Франклиннинг сўзларига қараганда, шу йўл билан дунёдаги энг қиммат арпа ҳосили етиштирилди, аммо тажриба бундай маблағга арзийди.

The Times нашрига берган интервьюсида Кит ўз лойиҳаси билан муҳандислар ҳосил олиш жараёнида автоматлаштириши мумкин эканлигини исботламоқчи бўлганини айтиб ўтган. Айти пайтда бунга қишлоқ хўжалиги техникаларининг жуда катталиги ҳалақит бермоқда. Кичик ҳажмдаги машиналар эса бу вазифани аниқроқ ва тупроқ қатламига кам зарар етказган ҳолда амалга ошира олади.

Тахминларга кўра, 2022 йилга келиб фермерлар ақлли техникаларни ишлатишга 11,2 млрд. доллар сарфлашади. Таққослаш учун, 2016 йилда бу кўрсаткич 5,18 млрд. долларни ташкил этган. Кўпгина фермерлар ҳозирданок дронлар, GPS — технологиялар, роботлардан фойдаланишмоқда.

Янги нашрлар

ҲОВЛИ БОҒИНГИЗ ЛАНДШАФТИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон гуллар ўлкаси, ўсимликлар дунёсига бой юрт. Унинг тупроқ ва иқлим шароити, деярли ҳамма ҳудудларида сугориш шохобчаларининг мавжудлиги гул ҳаваскорларига турли минтақалардан келтирилган экзотик манзарали ўсимликларни ҳам экиб, парвариш қилиш, манзарали ландшафт меъморчилигига киритиш имконини беради.

Лекин кичик боғ ва гулзорларни ташкил қилиш, ҳовли боғини ободонлаштириш ҳаваскор боғбон, боғ соҳиби ва гул ишқибозларидан бу соҳада анча-мунча тажрибага эга бўлишни, манзарали ўсимликлар биологияси, ўстириш технологияси, боғ майдонида турли ўсимликларни жойлаштиришнинг илмий асосланган режаси, ландшафт дизайни, манзарали ўсимликларни кўпайтириш сирлари ва бошқалар тўғрисида етарли билимга эга бўлишни талаб қилади.

"Сизни ҳовли боғингиз" альбом-китобда муаллифларнинг шу соҳадиги шахсий тажрибалари, кузатувлари, манзарали ўсимликлар ва кичик боғ тўғрисида ўрганилган манбалардаги бизнинг шароитга мос тажрибалар, қилиниши мумкин бўлган ташкилий ва технологик тадбирлар мажмуаси тўпланган. Ундан кичик боғ, ҳовли боғли ҳаваскорлар

ва гўзаллик рамзи бўлган гул шайдолари, шаҳар ва шаҳар типидagi аҳоли яшайдиган жойлар ҳамда қишлоқларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга мутасадди бўлган раҳбарлар ва мутахассислар, биология, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ободонлаштириш йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртли талабалари фойдаланишлари мумкин.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Соли Хушвақтов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор. Деҳқончилик ва ўсимликшуносликнинг турли мавзуларига оид кўплаб илмий ечилмалар муаллифи. Манзарали боғдорчилик, ҳовли-боғ гулчилиги, манзарали ўсимликларни ўстириш ва кўпайтириш олимнинг севган машғулоту.

Элмурод Умурзоқов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Самарқанд



қишлоқ хўжалик институти агрокимё, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасининг профессори. Бир неча дарслик, қўлланма, илмий-оммабоп рисола ва илмий мақолалар муаллифи. Бир неча йиллардан бери боғ ва ҳовли гулчилиги билан шуғулланиб келади. Унинг раҳбарлигида Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ноёб ўрмон дарaxтлари, бута ва гуллардан иборат экологик боғ яратилган.

БИЗ ҲАМ СОҒИНДИК

Бугун санъат соҳасидаги ўзгаришлар шундай шиддатлики, тингловчи англаб олишга ҳам қийналиб қолаяпти. Тезкорлик санъатнинг тошини енгил қилиб қўйяпти, назаримизда. Лаҳзали қўшиқларнинг кўпайиб кетиши ёшларимизни "қўшиқ дегани шу эканда," деган хулосага келтириб, уларни мумтоз санъатимизнинг жозибасидан бебахра қолдирмоқда.

Ўзбек қўшиқчилигининг ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшган санъаткорлар - Илҳомжон Жўраев ва Санобар Раҳмоновалар хонадонда бўлиб, санъатимизнинг бугунги аҳволи ҳақида суҳбатлашдик.

— Илҳомжон ака, телевидение, радио ва матбуотга муносабатингиз?

— Имконият даражасида улар хизматидан фойдаланаман. Баъзида севимли ва эл ардоғидаги санъаткорлар қолиб, маъно-мазмунсиз қўшиқлар куйлаётган "хонандалар" кўпайиб бораётганлигига, мана шунақа бемаъни "шовқин"ларнинг телерадиога чиқиб бораётганлигига ачинаман.

— Санъаткорнинг кучи нимада?

— Менимча истеъдодда, қўшиқларининг умрбоқийлигида, оммавийлашганлигида, деб ўйлайман. Истеъдод бу, аввало, яратганнинг инояти, тинимсиз самарали меҳнат маҳсули деб биламан. Санъатга кун қўриш, бойлик манбаи сифатида қараш пасткашлиқдир. Чунки асрлар давомида шаклланиб, камол топиб, дунё халқларини лол қолдирган мумтоз, муқаддас санъатимизни оёқ ости қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

— Саҳналарда, тадбирларда нималар сизга далда бўлади?

— Аввало ота-онамининг дуолари, ўтган улуғ санъаткорларнинг руҳлари, устозларимизнинг ўғитларига суянаман, Оллоҳнинг берган иқтидорига таянаман. Саҳна ҳақиқий маданият, ахлоқ ва тарбия, иқтидор намойиш этиладиган муқаддас майдон. Ҳаётда ҳаммага ўрнак бўлган одамгина ўз салоҳиятини саҳнада кўрсата олади. Ижро этаётган қўшиқ мазмуни қўшиқчининг умр мазмунига уйғунлашган бўлгандагина, у томошабин қалбига етиб боради.

— Қўшиқларингиз, ҳатто Санобар опаниннг 45 йил олдин айтган қўшиқлари ҳам юртимизнинг барча бурчакларида санъаткорлар томонидан ижро этилаётганлигини тез-тез гувоҳи бўлиб тураман...

— Бу мен ва оиламиз учун завқ-



ли, фақат меъёрида айтиладиган бўлса, аксинча эса хафа бўламан. Ўлмас қўшиқ яратиш учун йиллар керак. Буни қадрлаш лозим.

— Сизнинг оилангизни халқимиз нафақат санъаткор, балки эл-юрт тўқинлигига ҳисса қўшаётган оила сифатида билади. Аминманки, сизни ҳам, Санобар опани ҳам зироатчиликка меҳр қишлоқ хўжалиги олий даргоҳида таълим олиб, олим-агроном бўлишга ундаган бўлса не ажаб. Санобар опа раҳбарлигидаги "Унумли меҳнат ривожини" фермер хўжалигидаги ибратли ишларни фикримизнинг далили дейиш мумкин. Шу боис бўлса керак, сизнинг заршунослар улуғланган "Деҳқоним" қўшиғингизни кўпчилик севиб тинглайди.

— Эътиборингиз учун раҳмат. Бетакрор қўшиқ яратиш учун, аввало санъаткор ҳаётдан таълим олиб яшаши керак. Мен ҳамкор шоирларга кўпинча гоёни ўзим бераман. Шейрларга баъзан қўшимча, ўзгар-

тиришлар киритаман. Токи меҳнатим маҳсулидан аввало ўзим завқланишим керак. Қўшиқларимни қадрлашим, уларни айтишдан чарчамаслигим боиси шу бўлса керак, деб ўйлайман.

— Устозларингиз тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб ўтсангиз.

— Падари бузрукворим Жўрабой ота, онам Холтожихон ая, Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, санъатни севишар, яхши, сара қўшиқларни олқишлаб тинглашарди. Ашула айтишга қизиқишимга оиламиздаги муҳит сабаб бўлган. Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг шогирди эканлигимдан фахрланаман.

Шу ўринда суҳбатга Санобар Раҳмонова қўшилди.

— Гўдаклигимдан қўшиқчиликка меҳрим тушган. Радио ва телевизордан имконим борича қўшиқ тинглашни яхши кўрардим ва ҳатто жўр бўлиб куйлашни одат қилиб олган эдим. Дастлабки қадам мактаб саҳнасидан бошланган. Мендаги санъатга бўлган ҳавасни сезиб, элга танитган қадрли устозим Фуломжон Рўзиевдан беҳад миннатдорман. Яна шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Юртбошимиз камтарона меҳнатларим учун "Дўстлик" ордени билан мукофотлаганлигидан бошим осмонга етди. Шу кунга қадар ҳеч қанақа рағбат, мукофот олмаган эдим. Бундай эътибор оиламиз аъзоларини нафақат санъат соҳасида, балки фермерлик йўналишида ҳам фидокорона ишлашга ундайди.

— Санобар опа, катта саҳналарда камнамосиз? Мухлисларингизни соғинтириб қўйдингиз-ку?

— Катта саҳналарга катта тайёргарлик билан чиққан маъқул. Шундагина мухлисларингиз олдида уялиб қолмайсиз. Фақат мен эмас, турмуш ўртоғим ҳам анчадан буён катта саҳнага чиққанлари йўқ. Худо хоҳласа, ўғлим Исомбек билан биргаликда оилавий концерт бериш ниятимиз бор. Мухлисларимиз бизни қандай соғинган бўлса, биз ҳам мухлисларимизни шундай соғинганмиз.

Суҳбатдош Ф. МИРЗО.

Сурапта: Илҳомжон Жўраев, Санобар Раҳмонова ўғли Ихлосбек Жўраев.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Тўлқин САФАРОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ХАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№11. Ноябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Меъёрий ҳужжатлар | 1 |
| Ўзбекистондан жаҳонга | 8 |
| З. ХАФИЗОВА. Шериклик муносабатлари мустақамланмоқда | 9 |
| Р. СИДДИҚОВ, И. АДАШЕВ. Далалар кўм-кўк | 10 |
| Р. АБДУЛЛАЕВ, Х. АБДУЛЛАЕВА, М. ИСРОИЛОВ, А. ҚОСИМОВ. Богбоннинг кузги юмушлари | 11 |
| Р. ҚЎЗИЕВ. Келгуси йил ҳосилига замин | 12 |
| М. ТОШБОЛТАЕВ, А. ТЎХТАҚЎЗИЕВ. Ер ҳайдасанг — куз ҳайда | 14 |
| Меҳнат шараф келтирар | 16 |
| Эзгу ишлар эътирофи | 16 |
| Биринчи бўлиш гашти | 17 |
| Б. ТОШНАЗАРОВ. Ҳалол меҳнат самараси | 18 |
| Ният пок бўлса... .. | 19 |
| Ш. ЖАББАРОВА. "Хоразм фахри"нинг ибрати | 20 |
| Файзли хонадонлар | 21 |
| Фаровонлик остонаси | 22 |
| Томорқачини тадбиркор кўламоқда | 23 |
| М. СУЛТОНОВА. Ободнинг намунали оиласи | 23 |
| Б. АЗИМОВ. Отқулоқ (Щавель) — тошга дармон | 24 |
| Рўзғордаги кузги юмушлар | 25 |
| Омборингизда сақлаш учун: | 26 |
| Ер тилини билишда хосият кўп | 27 |
| Ойдин йўллар чорлайди | 28 |
| Аҳил жамоа ютуқлари | 28 |
| Чимбойнинг навқирон деҳқони | 29 |
| Х. КАРИМОВ. Жиззах экосайёҳларни чорлайди | 30 |
| К. ЭРГАШЕВ. Учқўприклик миришкорлар | 31 |
| Ишончли ҳимоянинг истиқболи | 32 |
| Келажакка касб билан | 33 |
| Х. САЙДАЛИЕВ, М. ХАЛИКОВА, Т. СЕЙТНАЗАРОВА, Ж. МАХМАТКУЛОВ, Н. АЛИЯРОВ, Қ. ЖЎРАЕВ. Ғузанинг жаҳон коллекцияси - пахтачилик тарихи ва келажаги | 34 |
| Ғўза уруғчилиги фидойиси | 35 |
| И. ЭГАМОВ, А. МҰМИНОВ, И. АДАШЕВ, Х. УСМОНОВА. "Олмос" ҳамда "Садаф" навларини экиш муддати ва меъёрининг дон сифат кўрсаткичларига таъсири | 36 |
| М. ХАМИДОВ, И. УРАЗБАЕВ. О деградации земель в Центральной Азии | 37 |
| Р. ЭРГАШЕВ. Насос станциясининг ишончли ишлашини таъминлаш ... | 38 |
| И. АКРАМОВ, У. СОЛИЕВА, О. АНАРБЕКОВ. Суғоришнинг инновацион ва ресурстежамкор усулларини татбиқ этишда кўрғазмали дала майдонларини ташкил этишнинг ўрни | 39 |
| М. ФАХРУТДИНОВ. Яшил қаламчаларни Ўзхитан препарати билан капсулалаш истиқболли усул | 40 |
| О. МУРТАЗАЕВ, М. АЛЛАЁРОВ. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш истиқболлари | 42 |
| Н. ТОИРОВ. Халқимизнинг асл фарзанди | 43 |
| Ф. МИРЗАЕВ. Самимий ва оқил инсон эди | 44 |
| Агро олам | 45 |
| Ҳовли боғингиз ландшафти қандай? | 46 |
| Ф. МИРЗО. Биз ҳам соғиндик | 47 |

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@qsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2017 йил
29 октябрь. Босишга рухсат этилди:
2017 йил 30 октябрь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма № 247 Нусхаси 4200 дон.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА